

450  
451  
452

Ўттисз саккизинчи йил чиқиши  
Ражаб-шаъбон-рамазон 1445ҳ  
Феврал-март-апрел 2024м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

# Al-Baqi

Ал-Ваъй сўзи

## «Ақсо тўғони» операцияси- нинг шаръий талқини

Эй инқилоб аҳли!  
Қачон кескин қарор  
қабул қилинади?!

Халифаликнинг йўқлиги  
барча мусибатларнинг  
асл сабабчисидир

Исломий Халифалик дав-  
лати давридаги илмий ва  
фикрий ҳаётга назар



**450  
451  
452**

Ражаб-шаъбон  
рамазон 1445ҳ  
Феврал-март  
апрел 2024м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Чибү сонга

- Ушбу сон ҳақида ..... 3
- **Ал-Ваъй сўзи:** «Ақсо тўфони» операциясининг шаръий талқини ..... 8
- Шом қўзғолони ва Ақсо тўфони Аллоҳнинг изни ила Раббоний ўзгартириш дарвозасининг очқичи бўлса ажаб эмас ..... 18
- Эй инқилоб аҳли! Қачон кескин қарор қабул қилинади?! ..... 30
- Халифаликнинг йўқлиги барча мусибатларнинг асл сабабчисидир..... 35
- **Оlam мусулмонлари хабарлари**.... 41
- Рамазон – катта сарлавҳалар ва буюк тушунчалар ойи ..... 49
- Исломий Халифалик давлати давридаги илмий ва фикрий ҳаётга назар ..... 57
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 64
- **Жаннат боғлари:** Эй уламолар, жаҳаннам дарвозаси олдидағи чақиравчилардан бўлиб қолманг ..... 69
- Абу Бакр Сиддик Rosululloh ﷺ нинг дўсти ва биринчи рошид халифадир.... 75
- **Сўнгги сўз:** Уммат Халифаликни йўқотиш билан нималарини йўқотди... 90

**Ушбу сон ҳақида:**

﴿وَأُخْرَىٰ تُحِبُّهَا نَصْرٌ مِّنَ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ وَّبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Ва (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар сүядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлган нусрат ва яқин(да рўй бергувчи) фатҳдир. (Эй Мұхаммад), мўминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!»**

Ислом Уммати бугун оғир тўлғоқ даврини бошдан кечирмоқда... Кўряпмизки, сўнгги йилларнинг деярли ҳар бирида бир ёки бир нечта ташвишли воқеалар юз бериб, Ғарб улар орқали мусулмонларни заифлаштиришни истамоқда. Лекин билимдон ва меҳрибон Аллоҳ бу воқеаларда мусулмонларга куч бағишлади ва бу воқеаларни мусулмонларнинг уйғонишига омил қилди. Аллоҳ Таолонинг изни ила бу воқеалар кофирларга ҳасрат-надомат бўлажак...

Бу йил биз Ғарб томонидан режалаштирилган ҳалқаро курашнинг бир қисми бўлиши мумкин бўлган иккита стратегик воқеага дуч келдик. Ғарб улар орқали ўз ботилини кучайтириб, ҳақ нурини ўчиришни истамоқда. Бу икки воқеа шунга яқол далолат қиласиди, Ғарб ўзимни кучайтириб, ғалабага эришяпман деб ўйлагани ҳолда, ўз жонига қасд қилиб, ҳазоратини дафн этмоқда. Биз дуч келган бу икки воқеа:

1 – Ғарбнинг шайтоний даъвати: Ғарб гендер тенгликка, гомосексуализмга, ғайриодатий жинсий муносабатларга, шунингдек, жинсни ўзгартириш эркинлигига чақириш орқали ахлоқий бузуқликка тарғиб қилмоқда. Бу даъват ҳаром қилинган жинсий муносабатларга чақириш орқали оилани йўқ қилишга ва бундай жинсий муносабатларни жиноят деб ҳисоблайдиган қонунларни бекор қилишга қаратилган... Бу Ғарб ҳазоратининг шов-шувли қулаши бўлади. Айниқса, Ғарб ҳалқлари томонидан бундай бузуқликнинг рад этилиши деворнинг ичкаридан қулашини англатади.

2 – Ғарбнинг мусулмонларни қирғин қилган яҳудий вужудини қўллаб-қувватлаши: У яҳудий вужудини шу тарзда қўллаб-қувватладики, ҳатто у ўзининг инсон ҳуқуqlари, аёллар ва болалар ҳуқуqlари каби нотўғри меъёр ва тушунчаларига қарши чиқди... Чунки у яҳудийларнинг эркак, аёл ва

болалардан иборат бечораларни қирғин қилишини, шунингдек, халқаро миқёсда геноцид дея номланган жиноятни содир этиш орқали ғазодаги ҳаётнинг барча хусусиятларини йўқ қилишини оқлади. Ғарб давлатларида бошқарув низомлари томонидан қўллаб-қувватланган яҳудийларнинг бу жиноятлари халқлари тарафидан рад этилди. Чунки улар ўз мамлакатларида бошқариладиган ва ёлланган оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилаётган ёлғонларни англаб етдилар. Бу ҳолат уларнинг қалбини Исломга очди ва у ерда Исломни қабул қилувчилар сони кўпайди. Бу ҳам ғарбнинг навбатдаги ҳазорий қулаши бўлиб, унинг девори ичкаридан емирилмоқда... Бундан ташқари, Россия ва Хитойга қарши Америка олиб бораётган халқаро кураш дунёни катта воқеалар саҳнасига айлантируди. Бу курашда энг кучли бузғунчилар эмас, балки энг яроқли мабда ғолиб бўлади...

Ал-Ваъй журналининг олдинги сонларида биз ушбу шайтоний даъватни муҳокама қилиб, унинг кўламини ва ортида турган кимсаларни фош қилувчи мақолаларни берган эдик. Аммо ушбу маҳсус сонда «Ақсо тўғони» операциясига алоқадор турли мавзуларни ҳавола қиласиз. Бирон бир мавзу «Ақсо тўғони» мавзусидан муқаддам қўйилмайди. Бу мавзу мусулмонлар юз йилдан ортиқ вақтдан бери кутаётган ўзгариш жараёнига, шунингдек, Росулуллоҳ ﷺ охир замонда пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлиши тўғрисида башорат қилган янгиланиш жараёнига алоқадордир. Эҳтимол, унинг вақти келгандир!

Шунга кўра, биз ушбу соннинг Халифалик қулашидан ҳижрий ҳисоб билан 103 йилдан, милодий ҳисоб билан 100 йилдан кейин чиқарилаётганини эслатмоқдамиз. Бугун мусулмонлар ўзларини Росулуллоҳ ﷺ ҳадисларида келган Раббоний ваъда амалга ошадиган кунда турибмиз, деб ҳисобламоқдалар. Абу Довуд ўз сунанида Абу Ҳурайра ؓ дан ривоят қилган ҳадисда шундай келади:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَا الْأُمَّةَ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِنَّةٍ سَنَةٌ مِّنْ بَجْدَدٍ لَّهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ ушбу Умматга ҳар юз йилнинг бошида унинг динини янгиловчи-мужадидни юборади». Байҳақий ривоят қилган ҳадисда:

«مَنْ يُجِدَّ لَهَا أَمْرٌ دِينَهَا»

**«...Уммат үчун дин ишларини янгилайдиган мужаддидни юборади»,** деб келади. Кимdir қўйидагича савол бериши мумкин: Мусулмонлар учун ҳижрий тақвим эътиборли. Хўш, бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлсаю, ҳадисда зикр қилинган нарса амалга ошмаган бўлса, бу қандай содир бўлиши мумкин? Эҳтимол, ҳадисда зикр қилинган нарса содир бўлиши учун, бизга кўпроқ вақт керакдир?

Бундай шубҳаларни кўтариш учун бундай деймиз: Аллоҳ Умматни ушбу санадан олдин янгиланиш йўлига солиб қўйган бўлиб, Уммат бугун янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда... Умматнинг Халифаликни барпо этиш учун ҳаракат қилаётганини орамиздан ким сезмади, кўрмади ва эшитмади?! Ҳатто буни дўстдан олдин душман эшитди ва кўрди. Кичик Буш, АҚШ мудофаа вазири Рамсфелд, Франциянинг собиқ президенти Саркози, Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр, Британия ички ишлар вазири Кларк, Россия президенти Путин ва Россия ташқи ишлар вазири Лавров каби Ғарб ҳукмдорлари бу ҳақда баёнот беришмадими?! Мусулмонлар орасида Халифалик давлатини барпо этиш учун ҳаракат қилишга жиддий мойиллик мавжудлиги борасида баёнот берган бундай ҳукмдорлар рўйхатини узун келтириш мумкин. Эҳтимол, Тони Блэрнинг 2005 йил 16 июлда берган баёноти бу соҳада берилган баёнотларнинг энг қисқа ва ифодалиси бўлса керак. У бундай деган эди: «Биз (Исройл) давлатини йўқ қилишга, Ғарбни Ислом оламидан қувиб чиқаришга, бутун Ислом Уммати учун Халифалик давлатини барпо этиш орқали Ислом оламида исломий шариат ҳукмронлик қиласидиган ягона Исломий давлатни барпо этишга интилаётган ҳаракатга қарши курашмоқдамиз». Шунингдек, Кичик Буш 2005 йил 6 октябрда берган баёнотида мусулмонларда Америка ва Ғарбнинг Яқин Шарқдаги таъсирини тўхтатишга қаратилган стратегия мавжуд эканига ишора қилиб бундай деган эди: «Қачонки улар битта давлатни ўз назоратларига олсалар, у кўплаб мусулмонларни ўзига жалб қиласиди. Бу эса уларга минтақадаги барча режимларни қулатиш ҳамда Испаниядан Индонезиягача чўзилган фундаменталистик исломий империяни барпо этиш

имконини беради». Наҳотки, давлат раҳбарлари томонидан берилган бундай баёнотлар қуруқ гап-сўзлар бўлса?! Албатта йўқ, бу баёнотлар Исломга ва унинг Халифалик давлатини барпо этиш лойиҳасига қарши олиб борилаётган ушбу қутурган кампанияга ойдинлик киритади. Зоро, Халифалик Аллоҳ Таолонинг ёрдами билан уларнинг ҳазоратини йўқ қиласди...

Ўтган ўн йилликда Уммат ҳукмдорларга қарши қўзғолонларни амалга оширганида, Ғарб бу қўзғолонларга Халифалик давлатини барпо этишга қаратилган уриниш сифатида қарамадими?! Юқорида айтиб ўтганимиздек, улар бир неча йиллардан бери бундан огоҳлантириб келишди. Биздаги мавжуд икки яққол мисол шуни тасдиқлайдики, Ғарб ва унга боғланган араб режимлари бу қўзғолонларга Халифалик давлатини барпо этишга қаратилган деб қарайди. Биринчи мисол: Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Россиянинг Суриядаги аралашувини оқлаш учун бундай деган эди: «Агар Россиянинг ҳарбий аралашуви бўлмаганида Дамашқ «Халифалик давлати» пойтахтига айланар эди». Жиноятчи Сурия режими ташқи ишлар вазири Валид Муаллим ҳам қўйидагича баёнот берган эди: «Сурияда пайт пойлаётган ва Исломий Халифалик давлатини барпо этмоқчи бўлаётганлар Сурия чегараларида тўхтаб қолмайди. Биз амалга ошираётган иш Ливан, Иордания ва Ироқни ҳимоя қилишдир». АҚШ бошчилигидаги Ғарбнинг Уммат ҳаракатига нисбатан ўта кескин ва мислсиз жиноятларни содир этиш билан муносабатда бўлганини ҳаммамиз кўрдик. Унинг муносабати шу даражада бўлдики, бу унинг қўзғолонлар ортидаги етук хатарни англаб етганини кўрсатди...

Бугун бизни «Ақсо тўфони» манзарасида ҳал қилувчи воқеа кутиб турибди. Биз ушбу тўфон билан бир пайтда бутун Ғарб дунёсининг унга қарши турганини, чунки унинг ортидан ўзлари кутаётган ўзгариш юз беришидан қаттиқ қўрқишаётганини гувоҳи бўлдик.

Кетма-кет содир бўлаётган бу воқеалар Умматнинг ўзгартиришга қатъий қарор қилганини кўрсатди. Уммат қатъият билан унга қараб юра бошлади. Унинг ортида шундай қатъий қарор борки, Ғарб уни қандай тўхтатишни билмайди. Ташаббус мусулмонлар қўлида. Ғарб буни олдини олиш учун

имкониятидаги барча ишни қилди. Жумладан, ҳарбий, фикрий ва ҳуқуқий урушларни, ахборот урушини олиб борди. Ҳарбий урушда қирғинларни амалга ошириди, халқларни мажбуран күчирди ва юртларни мисли кўрилмаган даражада вайрон қилди... Фикрий урушда тұхмат, бузиб кўрсатиш ва чалғитишга, шунингдек, Исломни терроризмда айблашга таянди... Ҳуқуқий урушда Исломга, Аллоҳ нозил қилган шариат бошқарувига ва Халифалик давлатини барпо этишга чақиравчиларни жиноятчига чиқарыб, уларни таъқиб қилди, ўлдиришга ва қамоққа олишга ҳукм қилди... Ахборот урушида ҳақиқатларни бузиб кўрсатди, ҳақни ботил, ботилни ҳақ деб тасвирлади.

Булардан келиб чиқиб айтамизки, ўзгаришлар Уммат учун ўз эшикларини очди. Үнга амалда эришиш учун вақт керак ва ҳозир айни үнинг вақтидир. Бу ҳақда фақат эшлиши, кўриш ва ақл юритиш қобилиятига шикаст етган кишигина баҳс-мунозара қилади. Шундай экан, бизнинг ҳозирги давримиз, мусулмонлар аҳволи эътиборидан ҳам, дунё давлатлари аҳволи эътиборидан ҳам ўзгариш давридир. Шунинг учун ҳам биз ушбу ўзгаришни эртага дунёning биринчи давлати марказини эгаллаш учун рақобатлашадиган Исломий Халифалик давлатининг барпо бўлиши билан боғламоқдамиз. Ўша вақт келганда эса, биринчи давлат билан ушбу марказ учун рақобатлашувчи давлат албатта Халифалик давлати бўлади.

Ал-Ваъй журналининг ушбу маҳсус сонидаги мақолаларда «Ақсо тўғони» воқеасига... мусулмонларга қарши давом этаётган насроний-ҳаҷудий тил бириктирувига... ҳамда мусулмонларни ишларнинг хотимасига ва Аллоҳнинг изни илиа Халифалик охирги таянч бўлишига ишонтиришга эътибор қаратилади.

Аллоҳдан ушбу камтарона меҳнатга ақллар ва қалбларни очишини сўраб қоламиз. Тўғри йўлга ҳидоят қилиш ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Охирги дуюйимиз, барча оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқлиkdir.

### **Ал-Ваъй ишчи гурӯҳи**



## «АҚСО ТҮФОНИ» ОПЕРАЦИЯСИННИГ ШАРЬИЙ ТАЛҚИНИ

Ақсо түфони операцияси, шунингдек, мусулмонларнинг ҳукмдорларга қарши ўтган ўн йилликда бошланиб, ҳали саҳнаси тугамаган қўзғолонлари исломий халқларнинг келажаги борасида ўз сўзларига эга эканини тасдиқлади. Зеро, улар дини асосидаги ўзгаришга интигувчи тирик халқдирлар. Улар бор нарсасини: жони, аҳли-оиласи, моли ва үй-жойини Аллоҳ йўлида қурбон қилишга тайёр. Бу халқлар ақидаси, фикр ва туйғуси бир бўлган ягона Умматдир. Биз бугун буни ғазода жуда ёрқин тарзда кўрдик... Ақсо түфони операцияси Ислом Умматининг душманига бўйсунмаслигини тасдиқлади. Мусулмонларнинг душманга асло бўйсунмаслигини ғарб ҳам, Америка ҳам билади, шу боис бундан қўрқишиади. Америка мусулмонларнинг ҳар лаҳзада уни ҳайратга солиб қўйишидан қўрқади. Шунинг учун Американинг биринчи муносабати ҳарбий сафарбарлик бўлди. Унинг бундай муносабати минтақага ўзининг энг кучли қуролларини олиб киришида ва (Истроил) учун қурол омборларини очишида намоён бўлди. (Истроил) оммавий қирғинлар содир этилган жаҳон урушларидағина кўриш мумкин бўлган тажовузни амалга ошириди ва халқаро миқёсда ҳимояланган жиноятни содир этди. Ҳарбий сафарбарлик билан бир пайтда Америка ва Европа ҳукмдорлари (Истроил)га сафар қилиб, уни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини эълон қилишиди... Улар гўё (Истроил) давлатини барпо этиш бўйича ўзларининг муваффақиятсиз лойиҳаларини йўқ қилиши мумкин бўлган катта тасодифий воқеага дучор бўлгандек эди. Душманларнинг ҳар бири, энг аввало (Истроил) минтақадаги армияларнинг ҳаракатга келишидан ҳақиқатдан қўрқди. (Истроил) етмиш беш йил давомида қурган барча нарсасининг, жумладан, «кучли-енгилмас давлат»ининг ушбу түфонда оқиб-йўқ бўлиб

кетишидан қўрқди... Ҳозирда (Исроил)нинг лаънатга учраши (заволга юз тутиши) тўғрисидаги гап-сўзлар яҳудийлар орасида гапирила бошлаган экан, Ақсо тўфони уларнинг қалбida айни фикрни қайта қўзғаб юборишидан хавфсираяпти. Америка «Аср келишуви» ва араб режимларининг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш жараёнини бошлаши орқали Фаластин масаласини тугатишни хоҳлаганидан кейин, Ақсо тўфони операцияси бу масалани халқаро курашнинг олдинги қаторига қайтарди. Американинг мақсади Фаластин масаласини кураш майдонидан сиқиб чиқариб, уни унугта айлантириш эди.

Бу операция (Исроил) вужудига ҳақиқатдан таҳдид солди, ҳар бир яҳудийнинг хавфсизлигини ларзага келтириб, беқарорлаштириди ҳамда давлатига ва армиясининг кучига бўлган ишончини сўндириди. Ҳар бир яҳудийни (Исроил)дан қайта кўчиб кетиш ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Бунинг муқобилида, фаластинлик мусулмонлар юрагида ўзларининг кучли экани ва ҳар қандай тил бириктирув уларга таъсир қилмаслиги борасида умид эшикларини очди... Бир қанча кишини асирга олган ҳужумчилар бунинг учун (Исроил) армияси билан кучли тўқнашув бўлишини кутган эдилар. Аммо улар тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада қўрқоқ яҳудийларга дуч келдилар. Яҳудийлар орасидаги ҳарбийларнинг қўрқоқлиги тинч аҳоли қўрқоқлигидан кам эмас эди. Аллоҳ уларни сифатлаганидек «ҳаётга энг очкўз кишилар» эканлигини ва Аллоҳ уларнинг қалбига қўрқув солиб қўйганини кўрдилар. Пана жойларга яширинган ҳарбийларга ва тинч аҳолига ҳамда уларнинг тезда таслим бўлишганига гувоҳ бўлдилар. Улар юзлаб тинч аҳолини ва юқори мартабали ҳарбийларни асирга олишлари, яширин ҳарбий жосуслик марказларига етиб боришлари мумкинлигини кўрдилар. Бундай марказларга етиб боришни олдин орзу ҳам қилмаган эдилар... Шундай қилиб, (Исроил) давлатини барпо этиш лойиҳасининг бир гуруҳ мужоҳидлар олдида кутилмаган хавф остида қолгани ошкор бўлди. Шунинг учун ғарб унга нисбатан энг юқори даражадаги қўрқув билан муносабатда бўлди.

**Шу ўринда бир қанча ишларга эътиборни тортиш керак:**

1 – Фаластинда яҳудийларга қарши жанг қилиш шаръий жанг, яъни жиҳоддир ва ечим фақат шаръий ечим бўлмоғи лозим. Фаластин заминининг бир қарич еридан ҳам воз кечиш жоиз эмас. Фаластин борасида икки давлат ечимини ва бундан бошқа ечимларни талаб қилиш ножоиздир. Қабул қилинган ечим кофир Farb манфаатларига мувофиқ бўлиши учун бу борада БМТга ёки Farb давлатларига мурожаат қилиш ҳам жоиз эмас. Фаластин масаласини халқаро резолюциялар ва Farb тил бириктирувлари ўйинчоғига айлантирилишига қўйиб бериш, шунингдек, золим ҳукмдорларга унинг вакили бўлиш ҳуқуқи берилиши мумкин эмас. У фақат Аллоҳ учундир. Бу масала бошидан охиригача Исломий масаладир.

2 – Агар яҳудийларга қарши шаръий нуқтаи назардан келиб чиқиб жанг қилаётган гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг икки давлат ечимига ўхшаган ношаръий ечимни, яъни Ҳамаснинг сиёсий етакчилари таклиф қилаётгани каби яҳудийлар учун бир давлат, Фаластиннинг мусулмон аҳли учун бир давлат бўлишини талаб қиласидиган сиёсий етакчилиги бўлса, бундай ҳолатда айни гуруҳларнинг ҳарбий ҳаракати тан олинаверади. Чунки бу яҳудийларга қарши жиҳоддир ва жанг қилганлар аслида мужоҳидлар бўлиб, унда ҳалок бўлганларнинг ажри Аллоҳнинг ўзига ҳавола қилинади. Бироқ, бу гуруҳларнинг сиёсий етакчилигининг ношаръий ечимни талаб қилишлари рад этилади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ва бераётган баёнотлари шаръий томондан кескин танқид қилинади. Улар шариат ва мусулмонлар ҳуқуқини заррача бузишдан огоҳлантирилади. Бу ерда биз икки иш ўртасидаги катта фарқни кўрамиз: Улар олиб бораётган жиҳодий ишлар итоаткорликнинг энг юқори турини ифодалайди, сиёсий иш эса Аллоҳнинг норозилигига олиб келади. Бу ерда умуман мусулмонлар, хусусан мужоҳидлар компасни тўғрилашлари керак. Жиҳодий фаолиятга ҳужум қилиш ва уни тўхтатиш жоиз эмас. Жиҳодий фаолият фақат битта ҳолатда, яъни у сиёсий позицияга мустаҳкам боғланган бўлиб, сиёсий мақсадни амалга ошириш учун ундан фойдаланиладиган бўлсагина тўхтатилиши жоиз. Мусулмонлар бунга эътибор бериб, ундан эҳтиёт бўлишлари керак.

3 – Ҳужумни қайтариш мудофаа жиҳоди бобига киради. Шунинг учун ким ҳужумга учраса, унга ҳужумни қайтариш

вожиб бўлади. Мусулмон армиялар эса, унга ёрдам кўрсатиб, ҳужумни бартараф этиши керак. Бироқ воқеликда кўряпмизки, Ғарбнинг қўғирчоқлари бўлган ҳукмдорлар бунга тўсқинлик қилишмоқда. Бу тўсиқ мусулмонларни Исломий Халифалик давлатини барпо этишга ҳаракат қилиш орқали – фарз деган эътиборда – айни тўсиқни олиб ташлашга унダメоқда. Токи, «Вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибdir» қоидасига биноан, ушбу фарз адо этилиб, армиялар ҳаракатга келсин, Фаластинни босиб олган яҳудийлар давлати йўқ қилинсин ва уни тўлиқ Ислом диёрига қайтарилсин.

4 – Мусулмонларнинг ушбу фожиали вазияти ортида бугун Америка бошчилигидаги кофир Ғарб турибди. Мусулмон юртларда ҳокимият жиловини ушлаб келаётганлар ва ҳаётнинг барча жабҳаларига аралашаётганлар айнан улардир. Юртларни бўлиб, ҳукмдорларни ўрнатган ва армия қўмондонларини тайинлаган, сиёсатларни белгилаб, мусулмонларни ўзларининг ҳаёт ҳақидаги қарашлари ва мустамлакачилик манфаатларига мувофиқ яшашга мажбурлаганлар ҳам улардир... Булардан ташқари, улар Фаластинга ёвуз яҳудий уруғини экишди. Кофир Ғарб бундай аҳволни мусулмонлар устидан мажбуран жорий қилиб, буни уларнинг қисматига айлантирмоқчи. Шунинг учун ҳам Ақсо тўфони операцияси таҳдидига қарши туриш учун биринчи бўлиб Америка аралашди, кейин унга Европа давлатлари эргашди. Шу боис ўзгартириш фаолиятида айни аралашувни албатта ҳисобга олиш ва унга қарши туриб, уни йўқ қилиш лозим. Чунки бу мусулмон юртларидағи ҳукмрон режимларга қарши туришдан алоҳида масала эмас... Бундай ҳолат Росулуллоҳ  замонларида бўлмаган. Демак, Ақсо тўфони операциясига баҳо беришда шуни ҳисобга олишимиз керакки, Америка воқеалар ўз манфаатларига мувофиқ бўлиши учун уларни назорат қилишга ва ҳукмдорлардан холис мужоҳидларга босим ўтказиб, уларнинг мақсадларига путур етказиш воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

5 – Фаластинни озод қилиш йўлидаги энг катта тўсиқ ҳукмдорлардир. Ғарб уларни, айниқса, ҳалқа давлатлари дея номланган Миср, Иордания, Сурия ва Ливан каби давлатлар ҳукмдорларини (Исройл)ни ҳимоя қиласиган девор қилиб олган. Армиялар ва мусулмонларнинг Фаластинни озод

этишларига ҳукмдорлар тўсқинлик қилишмоқда. Уларнинг бу масалага бўлган эътиборлари асосан конференция ва саммитларда намоён бўлмоқда. Бу конференция ва саммитлар эса мағлублик, таслим бўлиш, хиёнат ва Фаластин масаласини душманга топширишда, шунингдек, икки давлат ечими ёки яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш сиёсати сари юришда ёки америкалик хўжайинлари қабул қилган ҳар қандай ечим орқали яхудийларни тинчликка чақиришда ўз ифодасини топмоқда. (Исройл) бу ҳукмдорларга душман сифатида муносабатда бўлмаяпти, балки исломий халқларни ўзининг ҳақиқий муаммоси деб ҳисоблаяпти. Жиноятчи Нетанияху Садатнинг (Исройл)га ташриф буюшининг қирқ йиллиги муносабати билан (Исройл) парламенти олдида сўзлаган нутқида буни очиқ эътироф этиб бундай деган эди: «Тинчликни кенгайтириш йўлидаги энг катта тўсиқ атрофимиздаги давлатлар раҳбарлари эмас, балки араб кўчаларидаги ҳукмрон жамоатчилик фикридир. Чунки ушбу жамоатчилик фикри узоқ йиллар давомида мия ювишга дучор бўлиб, унга (Исройл) ҳақида нотўғри ва нохолис тасаввур берилган». Шундай қилиб, бундай ҳукмдорлар бор бўлиб турган бир пайтда Фаластинни озод қилиш мумкин эмаслигини кўрамиз. Шунинг учун уларни қулатиб, ҳукмронлигини йўқ қилиш ва уларнинг ўрнига Халифалик давлатидаги исломий бошқарувни ўрнатиш, кейин, Фаластинни озод қилиш учун армиялар ва исломий халқларни сафарбар қилиш лозим.

6 – Фаластин масаласи ечими армияларнинг ҳаракатга келишига боғлиқ: Биз кўрдикки, Ғарб ҳар қандай ўзгаришни олдини олиш учун ўзининг бор кучларини жангга шай ҳолга келтирди. Америка ўз кучларини ва энг илғор қуролларини олиб келди. Бутун Уммат «Ақсо тўғони» операциясини қўллаб-қувватлагани учун мусулмон ҳукмдорлар четга чиқиб, сукунат сақлашга мажбур бўлишди. Армияларни ҳаракатга келишга чақирган даъват кучли бўлгани туфайли, ҳар қандай кутилмаган хавфнинг олдини олиш учун жосуслик ва хавфсизлик хизматлари сафарбар қилинди. Демак, ҳукмдорлар сафарбарлиги (Исройл)га қарши бўлмади, балки ўз тахтларини армиялардан ҳимоя қилиш учун бўлди. Шунинг учун айтиш мумкинки, армиялар режимлар учун ташвиш манбаи бўлиб

қолмоқда. Чунки армиялар ҳукмдорларнинг эмас, балки Умматнинг бир қисмидир. Фақат армия қўмондонлари ва турли хавфсизлик хизмати раҳбарларигина Ғарб ва унга тобе ҳукмдорлар томонидан дикқат эътибор билан танлаб олинган. Бундан мақсад давлатлар режимларини ҳимоя қилиш, улардан ҳар қандай хавфни узоқлаштириш, таҳдидларни олдини олиш ва Ғарб сиёсатини ўрнатишdir. Ҳарбий корпуснинг қолган аъзоларига келсак, улар холис зобит ва аскарлардир. Режимлар улардан қўрқади ва биз уларни касб қилишга ҳаракат қилишимиз керак. Буларнинг барчасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мусулмонларнинг ҳар қандай масаласи учун ечим фақатгина Ғарб, (Исройл), ҳукмдорлар, армиялар қўмондонлари ва хавфсизлик хизмати раҳбарларидан иборат тил бириктирув уясиға қарши курашишдан иборат. Қўшинларга қарши курашиш эмас. Чунки қўшинлар юқорида айтганимиздек, мусулмон халқнинг бир қисмидирлар. Албатта, Буни фақат Халифалик давлатини барпо қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

**Энди биз ушбу воқеанинг шаръий талқинига ва уни ваъда қилинган рошид Халифалик давлатини барпо этиш лойиҳасига боғлаш ҳақида сўз юритамиз.**

Ислом Уммати Босния ва Герцеговинадан тортиб Афғонистонгача бўлган барча жойда ўзининг ягона Уммат эканини исботлади. Араб қўзғолонлари, ҳозирги Фаластин масаласи, Ақсо тўғони операцияси ва мусулмонларнинг ўз масалалари атрофида тўпланиши бўни тасдиқлаб турибди. Ушбу воқеалар юз берар экан, мусулмонлар амалга оширишга ҳаракат қилаётган ва исломий ҳаётни қайта бошлашга, яъни Халифаликни барпо этишга чақиришда намоён бўлган ягона ўзгаришнинг рўёбга чиқиши янада яқинлашмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, «Ақсо тўғони» операцияси зулм ва адолатсизликлар туфайли ҳамон яраси битмаётган Шом қўзғолонига қўшилиш учун Шом юртининг юраги бўлган Фаластинда амалга ошди... Бу операция мусулмонларнинг ўз динларидан келиб чиқиб муаммоларини ҳал этишга интилишларини очиб берди. Бу эса Халифалик давлати лойиҳасини барпо этувчи омилларнинг бирлашиб, шаклана бошлаганини кўрсатади. Ажабланарлиси шундаки, яҳудийлар

билин бўлган кураш кутилаётган ҳал қилувчи курашнинг ўзаги бўладиган Ақсо масжиди атрофида жамлана бошлади. Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لَيُسُوءُوا وُجُوهُكُمْ وَلَيُدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخُونَهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلَيُشَرِّبُو مَا عَلَوْا  
تَنْبِيرًا

«Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборумиз)» [Исро 7]

Нишон ўққа шунчалик яқинлашдики, унинг нишонга тегмай қолиши энди даргумон.

**Шу ўринда, биз талқинимизни қуийдагича бошлаймиз:**

– Исломий ёки ғайриисломий бўлишидан қатъий назар, мабдаий давлатни барпо этиш учун унинг асосида ўзгариш юз берадиган тариқат бўлиши лозим. Ғайримусулмонлар наздида бу тариқат инсон томонидан белгиланса, мусулмонлар наздида бу тариқат шаръий бўлиб, у яратувчи Аллоҳ томонидан белгиланади. Бу тариқат қуийдаги омилларнинг мавжудлигига асосланади:

- Унинг асосида ўзгартириш ирода қилинган тузум ва ундан келиб чиқадиган мабдаий фикрнинг мавжудлиги.
- Мабдаий фикр асосидаги ўзгартириш ишига ўзини тайёрлаган мўмин гуруҳнинг мавжудлиги.

• Ушбу фикр ва ушбу тузумга биноан ўзгартиришни ирода қилган халқ базаси ёки жамоатчилик фикрининг мавжудлиги.

• Олдинги тузумнинг кучини йўқ қилиб, сўнгра фикр, тузум ва ўзгартириш жараёнига масъул бўлганларни ҳокимиятга олиб келадиган ва уни ҳимоя қиладиган кучнинг мавжудлиги.

– Мусулмонлар орасида бу тариқатнинг сўнгги қисмидан бошқа барча қисмлари тугалланди ва бу сўнгги қисм кучнинг мавжудлигидир. Шуни кўриш мумкинки, бу қисм ҳам мавжуд. Ҳар бир инсон (ўзгартиришни хоҳлаётганлар ҳам, унга қарши турувчилар ҳам) унинг муҳимлигини билади. Шунинг учун кўярпмизки, ғарб ва унга тобе ҳукмдорлар бу куч устидан назоратни кучайтирган. Хавфсизлик хизматлари армиялар

томонидан бўладиган ҳар қандай ҳаракатни олдини олиш учун бор кучи билан ишламоқда. Армиялар устида уларни бузиб кўрсатиш, ҳақиқатларни чалкаштириш сиёсати олиб борилмоқда. Уларга таҳдид қилинмоқда ва улар огоҳлантирилиб, шубҳа остига олинмоқда. Оммавий ахборот воситалари ўзгартеришни хоҳлаётганлар имиджини бузиб кўрсатиб, уларни такфирчи, экстремист ва террорист, деб сифатламоқда.

– Ушбу тариқатга шаръий тарзда амал қилиш энг қийин ишлардан биридир. Бу – фикрга бўлган чуқур иймонни, тузумни ёрқин тушунишни, узоқ сабр қилишни ва ҳақ устида сабот билан туришни, шунингдек, доим Аллоҳдан ёрдам сўрашни, ҳар қадамда ва ҳар бир хавф-хатарда Ундан тавфиқ сўрашни талаб қиласди. Бизнинг шунча йўлни босиб ўтишга ва бу йўлнинг сўнгги қисмини якунига етказишимизга қадар шу даражада тайёргарлик кўришга эришганимиз, албатта яхшилик даракчисидир. Агар Аллоҳ Таоло бу гурӯҳни қўллаб-қувватламаганида, у сабот ва сабр-тоқат билан тура олмаган, фидоий бўлмаган бўларди... Шу жиҳатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу даъват ишончли ва мустаҳкам қўрғон ичидадир.

### **– Халифаликни барпо этиш лойиҳаси қаерга етиб келди?!**

Бугун дунёда юз бераётган сиёсий воқеалар охир замонда диннинг ғолиб бўлиши ҳақида сўзлаган шаръий нусуслар билан, шунингдек, рошид Халифаликни барпо этиш учун Ҳизб ут-Тахрир олиб бораётган жиддий фаолият билан уйғуналашиб, глобал ўзгариш жараёнига ҳисса қўшмоқда. Агар ушбу уч омилнинг уйғуналашувига Росулуллоҳ  рошид Халифалик бўлиши ҳақидаги башоратлари қўшиладиган бўлса, бу ушбу кураш марказида Ҳизб турганини тасдиқлайди. Зоро, Ҳизб истиқболли ва нафақат мусулмонларга, балки бутун дунёга ваъда қилинган лойиҳанинг соҳибидир. Бу унга ўзгариш жараёнида глобал етакчилик сифатини беради. Ҳизб шаръий тариқат асосида келажакни яратиш жараёнига етакчилик қиласди. Зотан, биз бу тариқат ҳақида кўп гапирганмиз.

Халқаро сиёсий воқеаларга келсак, биз уларнинг глобал ўзгаришларни амалга ошириш томон кетаётганини кўрмоқдамиз. Ўзгариш жараёни минтақани ўзгартериш жараёнидан каттароқ. Қолаверса, бу жараён бутун дунёга

таъсир қиласи. Биз кўряпмизки, Америка ушбу ўзгариш жараёнини режалаштироқда. У ушбу жараёнда мусулмонларни ҳам, Хитой ва Европани ҳам ўзи билан рақобатлашишига йўл бермасликка уринмоқда. Шунинг учун у ҳозир Россия-Украина урушини қўзғади ва Хитойга унинг ўз минтақасида қарши уруш қилишга ҳозирланмоқда. У бу курашда мусулмонлар учун улуш бўлишига йўл бермаяпти. Биз кўрдикки, Америка «Ақсо тўфони» операцияси ортида ўзининг жосуслик хизматлари назаридан четда қолган катта режа бор бўлиши ва бу билан операция кўзлаган мақсадига эришиши мумкинлигини ҳис қилгач, ўзининг ҳарбий кучларини ва сиёсий фаолиятини сафарбар қилди.

Охир замонда диннинг ғолиб бўлиши, хусусан, пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик ҳақида сўз юритган шаръий нусусларга келсак, уларда узоқ келажакни очиб берувчи, очиқ-оидин тафсилотлар бор. Бу нусусларда пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик барпо бўлиши ҳақида сўз боради. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

«... Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади». Яҳудийларга қарши жанг бўлиб, уларнинг йўқ қилиниши ҳақида сўз юритилади. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّىٰ يُقَاتَلَ الْمُسْلِمُونَ إِلَيْهِمْ فَيَقْتُلُهُمُ الْمُسْلِمُونَ، حَتَّىٰ يَخْبَئَ إِلَيْهِمُ الْيَهُودُيُّ مِنْ وَرَاءِ الْحَجَرِ وَالشَّجَرِ، فَيَقُولُ الْحَجَرُ أَوِ الشَّجَرُ: يَا مُسْلِمٌ يَا عَبْدَ اللَّهِ، هَذَا يَهُودِيٌّ حَلْفَيِ فَتَعَالَ فَاقْتُلْهُ، إِلَّا الْغُرْقَدُ فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرِ الْيَهُودِ»

«То мусулмонлар яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирмагунича, то ортида яҳудий яшириниб олган тош ва дарахт ҳам – эй мусулмон, мана, ортимда яҳудий турибди, кел уни ўлдир, демагунича қиёмат қоим бўлмайди... Фақат ғарқад дарахтигина ундей демайди. Чунки у яҳудийлар дарахтидир». Бу ҳадисни Муслим ривоят қилган. Ислом ҳукмронлигининг шарқ ва ғарбга етиб бориши ҳақида сўз боради... Савбон ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَىٰ لِيِ الْأَرْضَ، فَرَأَيْتُ مَسَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ أَمَّيَ سَيِّلْغُ مُلْكُهَا مَا زُوِّيَ لِيِ مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Агар биз ушбу башоратларни ақлан тартибга солсак, бу башоратлардан биринчи амалга ошадигани Халифаликдир. Ундан кейин яҳудийларга қарши жанг бўлади ва бу жанг Халифалик давлати томонидан олиб борилади. Кейин динни ер юзининг шарқу ғарбига ёювчи жиҳод бўлади...

Ха, Ислом Уммати ягона Уммат бўлиб, унинг энг узоқдагиси яқиндагисига ёрдам беради ва Унинг масалалари ҳам бир. Шунинг учун мусулмон юртларнинг бирида мусулмонлар ҳужумга учраса, Умматнинг ҳаракатга келаётганини кўрамиз. Агар ҳужумга учраётган мусулмонлар Фаластинда бўлса нима бўлади? Албатта бу ҳолда уларнинг кўпчилиги ўз ихтиёри билан жангга киради. Оиласи, юрти ва тирикчилигини қолдириб, жанг қилиш учун келади. Афғонистонда Совет Иттифоқига қарши ва кейинроқ Америкага қарши шундай бўлди. Сурияда ҳам, у ердан «мигрант»лар бошқа юртларга оқиб келганида ҳам, аввалроқ Босния ва Герцеговинада ҳам шу ҳол кузатилди. Шунинг учун бирон бир мусулмон юртда ҳукмрон режимлар ўзгартирилса, бу ҳолат қолган мустабид режимларнинг ўзгартирилишига олиб келади ва шу тариқа (Исройил) чегаралари ҳам ўзгаради.

Агар Аллоҳ Ҳизбни Умматнинг масаласини ягона масалага, яъни Умматни бирлаштирувчи Халифалик давлатини барпо этиш масаласига айлантиришга муваффақ айласа, Ҳизб учун шунинг ўзи кифоя. Зоро, Халифалик мусулмонларнинг барча масалаларини ҳал қилиб, уларни битта давлатда бирлаштиради. Бу давлат улар учун фаровон турмушни таъминлайди, Исломни татбиқ этиб, уни бутун дунёга ёяди. Шунингдек, у ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортмай ҳаммасини ёйган ушбу халқаро тизимни бартараф этади ва ҳадисларда келганидек яҳудий вужудини йўқ қиласди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар» [Рўм 6] □

# **ШОМ ҚҮЗФОЛОНИ ВА АҚСО ТҮФОНИ АЛЛОҲНИНГ ИЗНИ ИЛА РАББОНИЙ ЎЗГАРТИРИШ ДАРВОЗАСИННИНГ ОЧҚИЧИ БЎЛСА АЖАБ ЭМАС**

**Устоз Абду ад-Даллий**

## **Қўзғолоннинг келиб чиқиши сабаблари... Ниҳоянинг бошланиши**

Шом қўзғолони Даръа муҳофазасидан бошланиб, «қўзғолон учқуни», «қўзғолон қалқони» ва «қўзғолон бешиги» номларини олди. Бу қўзғолон Суриядаги воқеиликни кузатган киши оддий ҳодиса, оддий ҳолат деб ҳисоблайдиган иш туфайли юз берди. Айниқса, у янги ва камдан-кам учрайдиган ҳодиса эмас эди... Зеро, разведка ертўлалари ва тергов хоналаридан сизиб чиққан кўплаб ҳикоялар бундан ҳам даҳшатлироқ ҳодисаларни айтади. Хўш, нега бу нарса дунёни даҳшатга солиб, безовта қилган ҳамда унинг қўзғолонга қарши кураши очиқ ва ошкора бўладиган даражада саросимага солган қўзғолоннинг бошланишига сабаб бўлди?

Бўлиб ўтган ишларнинг асл моҳиятини билиш учун бир неча йиллар ортга, аниқроғи, 1970 йилга қайтиш лозим. Чунки ўша пайтдаги юз берган ҳодиса бугунги портлашнинг бошланиш нуқтаси бўлган. Ўшанда Сурия ҳокимияти тепасига Ҳофиз Асад келганди. У халқ томонидан қўллаб-қувватланмагани боис, қудратга келгандан бошлаб одамларнинг меҳрини ва розилигини қозониш учун сохта жилмайиш ниқобини кийган. Шунинг учун унинг бошқаруви остидаги хавфсизлик хизматида илк йиллари зўравонлик сифатлари кўринмаган. Аммо бу хизмат Ҳофизнинг бошқарувини ва унинг ҳокимиятини обрўсизлантиришга асло йўл бермайдиган позицияда маҳкам турган.

Ҳофиз Асад одамлар меҳрини қозонишга қанчалар уринмасин ўзининг улар томонидан қабул қилинмаётганидан ҳаловати бузилаверди. У одамлар орасига кирап, улар билан ўтирас ва яқинлашар эди, аммо унинг бу уринишлари беҳуда кетаверди. Халқ қатламлари, омма давралари унга нисбатан норозилигича қолаверди. Унинг Арманаз ва бошқа шаҳарларда одамлар томонидан хом тухум ва ачиған помидор улоқтириш билан қарши олиниши фикримизнинг яқъол далилидир.

Ҳофиз Асад ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач йиртқич тишларини кўрсата бошлади. Унинг мусулмонлардан энг

биринчи нафрати Жисри Шуғур, Ҳалаб, Ҳама каби шаҳарларда Ихвончиларни қирғин қилишида кўринди. Режимга қарши портловчи газнинг тўпланиши айнан шу ердан бошланди. Режим буни, айниқса, унинг ҳукмронлиги қон ва қирғинларда ўз ифодасини топганидан кейин англаб етди. «Ихвонул Муслимин» воқеаси ушбу мустабид давлат тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Мана шу вақтдан бошлаб хавфсизликнинг ҳамлалари, ёвузликлари очиқ намоён бўлди. Одамларнинг режимга қарши нафрати кучая бошлади ва улар учқун чиқишини кута бошладилар.

Ихвончиларни қирғин қилиш ҳодисаси ортидан хавф ва қўрқув асосига қуриладиган давлат операцияси бошланди. Ҳатто қўрқув тўғрисидаги гаплар одамларнинг асосий сұҳбат мавзуларига айланди. Бу билан давлат вақти-вақти билан пайдо бўлаётган ҳалқ норозилигини жиловлашни кўзлади. Асад режими минтақада ифлос жиноятчи режимга айланди: Одамларни қамоқларда қийноққа солиш, ўлдириш кучайди. Куч ишлатар тизимларининг таъқиблари ортди. Тирикчиликда, турмушда, қўйинки ҳар бир ишда тазийқ кучайди. Ҳатто кичик дўйонча очмоқчи бўлган ҳам хавфсизлик хизматининг розилигини олиши керак бўлди, унинг розилигисиз ҳеч бир иш ёки вазифани қилиб бўлмай қолди. Кимдир унинг рухсатисиз бирор иш қилган бўлса, ҳолигавой бўларди ёки одамлар айтганидек, унинг бутун оиласи учун қора кунлар бошланарди. Ҳатто мен ҳам 1999 йил Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларини қамоққа олиш кампанияси бошланганини эслайман. Мен ўшандада еттинчи синфда ўқир эдим... Холаваччаларим билан ўтириб, Ҳизб йигитларининг ўз сиёсий фаолиятлари натижасида қандай қийноқларга солинганлари тўғрисида гаплашардик. Ҳатто холаваччаларимдан бири «у йигитларни қамоққа олиб, уйидан олиб чиқиб кетаётган пайтдан калтаклай бошлаганлари»ни гапириб берган эди... Ҳа, катта Асад ҳокимиятга келган биринчи кунлардан бошлаб кескинлик бошланган эди. Кейин бунга Ихвончиларни қирғин қилиш ва ҳалққа нисбатан хавфсизлик хизматларининг тазийклари келиб қўшилди. Шундан кейин Дайруз-Зур ва Қамашли каби минтақаларда норозилик намойишларининг ҳиди кела бошлади, режим уни аланга олмасидан ўчиришга шошилди. Бироқ, бу кўринишлар инсонларнинг воқеликларини, уларнинг норозиликларини

ҳамда қўзғолон аланга олишини кутишаётганини кўрсатиб турарди.

Шубҳасиз, Сурияда содир бўлаётган воқеалар араб ва Ислом оламида содир бўлаётган воқеалар билан бир хил эди. Бунга сабаб, ўша ҳукмдорлардан бирортаси ҳам инсонлар истаги бўйича ҳукм юритишмаган. Аксинча, уларнинг ҳаммаси ҳокимият тепасига инқилоблар ва хорижий қўлловлар орқали келишган. Шунинг учун ҳукмдорлар ҳеч қачон халқнинг розилигига эриша олган эмаслар. Одамлар уларни қабул қилмаганлиги оқибатида азбаройи курсиларини сақлаб қолиш учун одамларни қўрқитиши йўлини тутишарди. Шундай қилиб, олов учқуни араб пилигидан, яъни Тунисдан чиқди ва бошқа юртларга илашди. Ҳа, учқун Тунисдан чиқди ва ўзини ёқкан Азизий ҳодисаси бошқа ҳодисалар каби ўткинчи бўлмади, балки хона газга тўлиб, портлаш содир бўлди.

Яна Сурияга қайтадиган бўлсак, Тунис ҳодисасидан кейин Башар Асад режими ўзини айни ҳодисадан четга олишга уринди ва ўзининг чириган медиа машинасини ишга солиб, сариқ чақага арзимайдиган; «тезкор ислоҳотлар», «коррупция тўғрисидаги қонун», «биз Тунисдан бошқамиз» каби бефойда, қуруқ гапларни тарқатишга киришди. Зотан, давлатнинг бундай менталитетини бир кеча кундузда ўзгартыришга, бир қалам тебратиш билан жиноятчи турмуш тарзини ўзгартыришга қодир бўлиш қийин. Ҳа, ҳақиқатда ҳам режим қўрқсан иш содир бўлмай қолмади. Мактаб болалари «навбат сенга келди, эй диктатор», деб ёзиб чиқишиди. Ана шунда Башар режимининг медиа машинаси айтган гаплар икки пулга арзимай қолди. Нега ҳам навбат Асадга келмасин, ахир, юртнинг ота-оналари ҳам, етакчилари ҳам, озод этилган асиirlари ҳам яна жазога тортилди, берилган ҳамма ваъдалар унутилиб, жинояткорлик менталитети қайтиб келди, режим зобити Отиф Нажиб деган кимса юқоридаги сўзларни ёзган болаларни қамоқقا олиб, тирноқларини суғуриб олди ва жуда хунук суратда ўлдириб юборди... ҳеч бир воситачиликни қабул қилмади... Ана шунда Даръанинг бир гуруҳ оқсоқлари тўпланиб, одамларда одат тусига кирган ва қонун доирасида жиноятчининг олдига боришли, аммо ундан номақбул, ҳаром сўзларни эшитишиди: «У болаларингни унутиш, биз бошқа болаларингни ҳам, хотинларингни ҳам олиб кетишимиз мумкин, ҳеч нарса

Шом қўзғолони ва Ақсо тўғони Аллоҳнинг изни или Раббоний ўзгартириш дарвозасининг очқичи бўлғай қилишолмайсан!». Шу тариқа қўзғолон учқуни Асадни ҳам, уни қўллаб-қувватловчи ёлланма жангчиларни ҳам, унга ёрдам берадиган давлатларни ҳам кўйдирди ва уларнинг тўдабошчиси Обаманинг сочини оқартириб юборди...

### Қўзғолон оқими:

Оқсоқоллар делегацияси қайтиб келиб, одамларга Отиф Нажибдан эшитганларини биттасини ҳам қолдирмай, сўзма-сўз айтиб бериши. Натижада қўзғолон такбирлари янгради, намойишлар бўлди, бунинг ортидан энг катта қўзғолон бошланди. Ушбу қўзғолон Даръа шаҳридан, одамлар тўпланиб юриш қиласидиган «Умарий масжиди»дан бошланди. Кўп ўтмай қўзғолон кўлами катталашди, бир неча соатда шаҳар атрофидаги қишлоқлар ҳам қўзғолонга қўшилиб кетди. Асад режими уни жиловлашга уринди, аммо нафрат ҳажми у ўйлагандан каттароқ ва кучлироқ эди. Қўзғолон худди пичанга ўт кетгандек бир зумда катталалиб кетди ва унга Дамашқ, Ҳомс, Ҳама, Идлиб, Дайруз-Зур, Раққа ва Ҳалабнинг шаҳар ва қишлоқлари қўшилди. Барча минтақаларда қўзғолон бир хил бошланди: Яъни келиб чиқиш жойи масжидлардан бошланди, ҳайқириқлар қўйидагича бўлди: «الله أکبر علی أفعال النّظامِ» (Режим қилмишларидан Аллоҳ буюқдир), «هی لِلّهٖ هی لِلّهٖ هی لِلْجَاهِ» (Қўзғолонимиз Аллоҳ учун, Аллоҳ учун, ҳукмронлик учун ҳам эмас, обрў учун ҳам эмас), «يَا اللّهُ مَا لَنَا غَيْرُكَ يَا اللّهُ مَا لَنَا غَيْرُكَ» (Ё Аллоҳ, бизга Ўзингдан ўзга керакмас). Ҳа, қўзғолон бошланганданоқ Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога боғланди, ёрдам ва мададни Аллоҳдан сўради, ғоясига етишиш учун собит қадамлар ташлади. Буларнинг барчаси дунё давлатларининг кўз ўнгида бўлди. Албатта, бу уларга асло ёқмади. Ислом ҳокимияти ва Халифалик бошқаруви талаб қилинган ҳайқириқлар янграган бундай қўзғолон қанақасига уларга ёқсин?! Қандай ҳам рози бўлишсин, ахир, қўзғолончи ҳалқ Дамашқдан кейин Қуддус эканини ҳайқираётган бўлса?! Дарҳақиқат, бу ҳақиқатни режим баёнотлари ҳам исботлади. Масалан, Валид Муаллим – Сурия ҳалқини Халифалик барпо қилишга уринаётганликда айблади. Бундан кейин Европа ҳам хавф остида қолажагини айтди. Сурия илмонийликнинг сўнгги қалъаси эканини, уни ҳимоя қилиш лозимлигини таъкидлади. Россия ҳам баёнот бериб, қўзғолончиларнинг Халифаликни қайта қуришмоқчилигини айтди.... Қўзғолоннинг бошланиши ҳам, бошланиш нуқтаси

ҳам, шиори ҳам шу тариқа бўлди. Оламшумул қўзғолон оламшумул мафкура билан хитоб қилиб, шу орқали Умматга лойиқ қўзғолонга айланди. Нега ҳам унга лойиқ бўлмасин, ахир, дунёнинг у четидан бу четигача бутун Уммат уни қўллаб-қувватлаган бўлса?!

### **Дунё давлатлари қўзғолонга нисбатан қандай муносабатда бўлишди, кузатиб, тек қараб туришдими?**

Давлатлар кузатувчи сифатида узоқ кутишмади, аксинча, қўзғолонга кириб бориб, уни барбод қилиш уринишлари бошланди. Сиз эшитган нарсани эшитганидан ва сиз кўрган нарсани кўрганидан кейин қандай кутиб туради? Уларнинг наздида, худди Обаманинг ўзи айтганидек, ҳамма нарса иблиснинг қўлида бўлиб, Асад режими пайдо қилган бўшлиқ ушбу давлатлар истамаган бошқа янги режим билан тўлдириладиган бўлиб қолди. Одамлар бу режимга қарши чиқиб, унга ҳужум қила бошладилар. Шунинг учун, натижалар қандай бўлишидан қатъий назар, бу тенденцияни тўхтатиш ва уни одамлар онгидан ўчириш керак эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, тўдабоши, ишларнинг эгаси ҳисобланган Америка намойиш кўчасидаги одамларнинг мақсадини бўлиб ташлашга киришди. Бунинг учун биринчи қадамни мухолафатни умумий конференцияга тортишдан бошлади. Натижада Истанбул I, кейин Истанбул II конференциялари бўлиб ўтди. Унинг ортидан коалиция тузилди. Сўнг Америка ҳарбий кучларни парчалаш босқичига қадам қўйди. Бу кучлар орасида мўътадиллар билан экстремистлар бор эди. Шунинг учун Америка уларни озод кучлар билан исломий гуруҳларга бўлди. Буларнинг барчасидан орага чуқур низо солиб, қўзғолон ва қўзғолончиларни бўлиб ташлашни кўзлади.

Америка шундай қилишга мажбур эди, чунки унинг гегемонлиги хавф остида эди! Давлатлар қўзғолон ўз мақсадига етиб бормаслиги учун барча имкониятларини ишга солишди, ҳеч нарсаларини аяшмай, ҳеч бир услубни қолдирмай қўллашиб, кафил давлатлар картасини ишга солишди. Қўзғолонни жиловлаб, йўқ қилиш режаси доирасида турк режимига улкан роль беришди. Турк режим қўзғолонга сиёсий мол киритди, конференциялар уюштирди ва шулар орқали одамларни сотиб олди... Кимлар мана шундай йўл бўйича ҳаракат қилмаса, дронлар ва суйқасдлар орқали йўқ

Шом қўзғолони ва Ақсо тўғони Аллоҳнинг изни или Раббоний ўзгартириш дарвозасининг очқичи бўлғай қилинди... Буларнинг барчасини куфр олами давлатлари қўзғолонни йўқ этиш учун қилишди, қўл-қовуштириб туришмади ва ушбу хор гуруҳга америкалик маэстро раҳбарлик қилди.

**Куфр давлатлари айни уринишларида мақсадга эришишдими? Шом қўзғолони бугун қаерга етди? Унинг Ақсо тўғони билан қандай боғлиқлиги бор?**

Куфр давлатлари ўтган йиллар давомида сарфлаган шунча саъй-ҳаракатлари билан қўзғолондаги одамларни чалғитиштарқатишга муваффақ бўлишди, холос. Аммо одамларни умидсизликка туширишга ва кўнгилларидан қўзғолон нафасини ўчиришга муваффақ бўлолмади. Бироқ уларнинг сафини буза олди, тузоқлар қўйиб, уларни ишга солишга астойдил ҳаракат қилди: масалан, турк режимининг «дўст»лигидан унинг қанчалик хоин ва фитначи эканлиги намоён бўлди. Минтақалар қўлдан бой берилганлиги, одамларни қўзғолондан совутиш ва тавба қилдириш учун «Ислом давлати» ташкилоти орқали Исломни қора қилиб кўрсатилганлиги очиқ маълум... Бироқ натижа шу бўлдики, одамлар буларнинг барчасини енгиб, босиб ўтдилар ва бундай сўзларни айтдилар: «Қўзғолон йиқилмади, йиқилган уларнинг ўзи, қўзғолон ҳануз давом этмоқда, чунки у ростгўй бўлганлар, жонини қурбон қилганларга хос қўзғолондир, анавиларга хос эмас».

Катта ўйинчи давлатларнинг қилган барча ишлари, гарчи баъзилар бу ишларни муваффақият деб ўйлаётган эса-да, омадсиз бўлди. Қўзғолоннинг юксак нафаси бунга яқол далилдир. Жуда кўп ҳолат ва муносабатларда инсонлар томонидан бу нафаснинг қанчалар кучли эканлиги ҳануз намоён бўлмоқда. Туркияning 2022 йил август ойидаги баёнетларига одамлар кўрсатган реакция бунинг энг кучли далилидир. Давлатларнинг қўзғолон жисмидаги қуролвоситалари орқали ўзлари қарор қилган ишларни амалга ошира олмаслиги чалкашликка уринишнинг навбатдаги далилидан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари, Американинг Башар режимини қайта оёққа турғазиш уринишлари ҳам фақат қўзғолон ғоясини бузишдан иборат эканлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, суряликлар онгида қўзғолоннинг ақидавий жиҳати ва тарихий теранглиги ҳам борки, уни айни ҳаракатлар билан йўқ қилишнинг асло иложи йўқ. Бинобарин, Шом

аҳлининг инқилоби ҳақиқатдан ҳам тарих ғидирагининг йўналишини бутунлай ўзгартириб юборадиган буюк воқеа бўлди, инша Аллоҳ. Қандай бўлмасин, чунки у аввало ҳаммага ибрат бўладиган кураш режасини чизди, сўнгра унда мисли қўрилмаган сабр-тоқат ва матонат билан юрди. Мана бу иккиси тарихга кирмоқни истаганлар учун асосий омиллардир.

### **Ақсо тўғони тарихга кириш учун иккинчи қутбdir:**

Ақсо тўғони бошланганига олти ойдан ошди ва у собиқ урушлардан, масалан, 1948 йилдаги урушдан бошлаб, орадаги (1956, 1967, 1973, 2006 йиллардаги) урушлардан тамоман фарқ қиласди.

Ақсо тўғони шундай бир урушки, ундаги куч мунтазам армия, яъни давлат армияси бўлмаса ҳам, бироқ мунтазам қўшиналар эриша олмаган ютуққа эришди. Яъни яҳудий вужуди бундайин бир урушни кўрмаганди. Бунга яҳудийлар бош вазири Нетаняху билан унинг мудофаа вазири Йоав Галант ва бош штаб бошлиғи Херце Ха-Леви ўртасида чиқсан қарама-қаршилик ва жанжал яққол далилдир.

Сўнгги ўн йилликларда Фаластиинни Уммат муаммоси рўйхатидан олиб ташлаш ғояси устида жиддий ишлар олиб борилди ва бунинг бошланиши «Фаластиин Озодлик Ташкилоти»нинг ташкил этилиши билан бошланди. Ишнинг аввалида Умматга Фаластиин масаласини унуттириш учун можарони чеклаш ва кичрайтириш ҳаракати амалга оширилди. Ёсир Арафот ўрнидан туриб, «Фаластиин давлати барпо этилганини эълон қиласман», деди. Мана шундан Фаластиин аҳли билан яҳудий вужуди ўртасидаги курашни чеклашга қаратилган қатор ғаразли ҳаракатлар бошланди. Арафотнинг бу эълони ортида Умматни Фаластиин масаласини унуттиришга қаратилган нопок режалар ётарди. Оғир ва узоқ давом этган курашдан сўнг тўғон келди ва хоин режимлар ҳукмдорлари томонидан нормаллаштириш босқичлари юксак даражага етди. Яҳудий вужуди билан биргаликда яшашга ва уни тананинг бир қисми сифатида қабул қилишга рози бўлиш ғоялари илгари сурилди. Бу Амирликлар, Қатар, Саудия, Миср ва Иорданиянинг яҳудий вужудини воқеликнинг ажралмас бир қисмига айлантириш мақсадида олиб борган ишларида намоён бўлди. Бу қадамлар жадал суръатлар билан ташланди ва

Шом кўзғолони ва Ақсо тўғони Аллоҳнинг изни или Раббоний ўзгартериш дарвозасининг очқичи бўлғай яхудий вужудига қарши воқеа юз бергунга қадар, уларни ҳеч нарса безовта қилмади.

**Ақсо тўғони муроса дастурхонини ағдариб ташлади, ниқобларни йиртиб, яхудий вужудининг жирканч башарасини очиб ташлади.**

Юз берган ҳодисани жиноятчи ҳукмдорларнинг бирортаси кутмаган эди. Чунки Фаластин масаласини йўқ қилиш учун узун йиллар ҳаракат олиб борилди... Яхудий вужуди билан бирга яшаш ва уни минтақага қўшиш мафкурасини мустаҳкамлаш учун бутун ахборот воситалари орқали машақатли меҳнатлар қилинди... Анави малъун Авичай Адраи томонидан телевидениеда жонли эфирларда чиқишлиар қилинди, узун эпизодли видеолар тарқатилди, Қуръон оятларидан ўқиб берилди, мусулмонларнинг тадбирларида уларни муборакбод этиш йўлга қўйилди, жума кунги чиқишлиарда мавъизалар қилинди, ҳадислар ўқиб берилди. Мана шунча тинимсиз меҳнатлар қилингандан сўнг, ҳеч ким кутмаган бир пайтда Тўфон ҳамма ишни чиппакка чиқарди... Гўё Абу Зайднинг ғазотида Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг анавилар ҳақидаги каломи рўёбга чиққандек бўлди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُعْلَمُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾

**«Албатта, кофирилар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар, (бу) кофирилар Аллоҳ нопокни покдан ажратиши ва нопок кимсаларнинг ҳаммаларини устма-уст тахлаб, жаҳаннамга солиши учун тўпланурлар»** [Анфол 36]

Ха, уларнинг барча ишлари ўзларига қарши бўлди. Тўфон эълон этилиши биланоқ, Уммат уни қўллаб-қувватлашга киришди, овозини баралла кўтариб, Фаластин масаласи үнинг тақдирий масаласи эканини яна бир бор эълон қилди.

Ақсо тўғонида жуда кўп нарсалар фош бўлди, кўринмаган, очилмаган ишлар очилди. Шарманда золим режимларнинг яна шармандаси чиқди, уларнинг ҳар бири Ғарбнинг малайи ва Умматнинг хоини экани, яхудий вужуди билан парда ортидан ҳамкорлик қилиши яна қайта очилди. Айнан шу режимлар

яҳудий вужудини нафақат ҳимоячиси, балки уни ўзларининг соясига айлантиришгани, соя йўқ бўлиши учун аввало мана шу режимлар йўқ қилиниши шартлиги кўринди. Аллоҳнинг йўлида жиход қилувчи мўминлар гуруҳи сонлари оз ва имкониятлари кам бўлишига қарамай дунё миқёсидаги ҳарбий кучга эга бир армияни бурнини ерга ишқади... Бу Умматнинг бир гуруҳи холос, ҳали мусулмонлар қўшинлари ҳаракатга келса нима бўлади?! Иордания ва Миср режимларининг, аввало Туркия режимининг асл башараси фош бўлди, чунки улар ушбу Ғазо урушида яҳудий вужудини қўллаб-қувватлаб, унинг хавфсизлигини таъминлашга, унинг чегараларини мудофаа қилишга чақиришди. Зотан, қурол саноати учун хом ашё ва материаллар етказиб бериш билан бу вужуднинг тириклигини таъминлаб келаётганлар ҳам шулар эди... Тўфонда бу режимларнинг барчаси йиқилди, ҳар бир ақлирасо, кўзи очик инсон учун уларнинг башаралари очилди, уларнинг кимлиги барчага маълум бўлди. Миср ва Иорданиядаги Уммат фарзандлари томонидан тараалаётган овозлар бу икки режимнинг воқесига яққол далилдир, бу икки режимнинг қиёфасини танитувчи ҳужжатdir. Анави турк режими ўйнаётган роль ҳам унинг Умматга қарши энг катта хоин эканига ва Умматни сотаётганлигига керагидан зиёда далилдир. Бу ерда фитна борлиги яққол кўриниб қолди. Негаки, бутун Ғарб давлатлари, Америка бошчилигига, яҳудий вужудига ҳамдард бўлиб, у содир этаётган қатли омни олқишлишади, қандайдир ўзгаришлар содир бўлишидан қўрқиб, ҳарбий флотларини ҳаракатга келтиришди. Масалан, Американинг ўз флотини мінтақага олиб келиши унинг Исломга қарши курашдаги асосий тўдабоши эканлигига яққол далилдир. Тўфон юз бергандан кейин ҳамма нарса очиқа чиқди. Ғарб давлатлари ким эканлиги ҳам, мінтақадаги уларнинг қўғирчоқ режимларининг ким эканлиги ҳам маълум бўлди. Бугундан бошлаб уларни яширишнинг иложи қолмади, улар билан Уммат ўртасидаги кураш ҳам очиқ ва маълум бўлиб қолди.

Ҳа, Ақсо тўғони энг катта ҳақиқатни, яъни яҳудий вужудининг заиф ва нимжон эканлигини исботлади. Умматнинг фақат имконият ва қудрати билан эмас, балки асосан ўз иймони ва ихлоси билан нусрат қучишини таъкидлади. Тўфон,

Шом құзғолони ва Ақсо тұғони Аллохнинг изни или Раббоний ўзгартыриш дарвозасининг очқичи бүлғай шунингдек, дүнёдаги режимлар ва давлатларнинг кирдикорларини фош қилди. Шунинг учун ҳам биз уларга душманлигимизни ва нафратимизни изхор қилишимиз керак, худди улар бизга ўз душманлик ва нафратларини күрсатишаётгани каби, ана шундан кейин ҳеч нарсада хижолат бўлмаймиз.

### **Жангдаги асосий ўлчов**

Бу Тўфон бизга кўп нарсадан хабар берди, қатор ишларнинг юзини очди ва бугундан бошлаб ҳеч кимнинг сусткашлик қилишига баҳона қолдирмади. Демак, Ғазо аҳлига нусрат бериш қаршисида тўсиқ бўлаётганлар яққол кўриниб қолгандан кейин, энди шуларни илдизи билан йўқ қилиш фарзdir. Ғазога нусрат бериш – бунинг йўлида турган тўсиқларни йўқотиш билан амалга ошади. Агар мақсад яҳудий вужудини ҳимоя қилаётганларни ҳимоя қилиш бўлса, ҳарбий унвонлардан, аскарлар ва қўшинлардан, танк ва самолётлардан ҳамда кема ва ракеталардан нима фойда?!

Дарҳақиқат, қуролларни яҳудийларга қаратмоқ ҳар доимгидан ҳам зарурийга айланди, чунки бу қуроллар харажатига Умматнинг киссасидан сарфланмоқда. Уммат бугун қуролли кучларнинг ҳаракатга келишларини талаб қилмоқда. Ер юзига соя солаётганларни ағдариб, уларнинг сояларини ҳам йўқ этишни талаб қилмоқда. Бугун жанг кафтдек маълум бўлиб қолди. Бас, Уммат қўшинлари ушбу мужодалага кирмоқлари шарт. Чора кўрмаслик учун бугундан эътиборан уларга ҳеч қандай баҳона қолмади. Чунки душман кимлиги ҳам, унинг кучи ҳам аён, текшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қолаверса, чора кўриш ваколати ҳам халқ томонидан берилмоқда, шу боис қандайдир буйруқ кутишга ҳожат йўқ. Қурол нархига келсак, ким уни пайдо қилиш (унга эришиш) учун бу нархни тўласа, у яна қайта-қайта тўлашга тайёр... Чунки Уммат моддий, логистик ва маънавий кўмак кўрсатишга тайёр. Шундай экан, эй Уммат қўшинлари, иккиланмай ҳаракатга келинг ва қарор қабул қилишга шошилинг, тарихга жангдан қолганлар, жангдан қочганлар сифатида ёзилиб қолишдан сақланинг!

### **Хотима:**

Бугун икки лагер, яъни куфр лагери билан иймон лагери ўртасида кураш кескин. Куфр лагерида унинг малайлари, қурол ва имкониятлари бор, аммо иймон лагерида эса, сабаблар

әгаси, нұсратни нозил қилувчи, күч-құдрат қўлида бўлган Роббул оламин бор. Бутун Ислом тарихида мұсылмонлар бирор марта ҳам душманларини ўз саноқлари ва қуролларининг кўплиги билан мағлуб этмаганлар. Аксинча, озчилик бўлганлар ва шу ҳолатда зафар қучганлар. Ҳатто Умар  Саъдга бундай деганлар: «Эй Саъд, шуни билингки, қўшиннинг гуноҳлари унинг учун душманидан ҳам хавфлироқdir. Бизлар душманимизни Аллоҳга итоатимиз ва душманга итоатсизлигимиз билан енгамиз. Агар бизлар маъсиятда тенг бўлиб қолсак, душманимиз биздан саноқ ва қурол билан ғолиб келади». Бу ишга далолат қиласидиган воқеалар жуда кўп ва улар бугун ҳам кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Бунга далил келтириш учун тарих саҳифаларига шўнғимоғимиз шарт эмас. Мана, Шом қўзғолони ҳам, Ақсо тұғони ҳам бунга яққол далил. Бу ишнинг ҳақлигига ҳар куни ўзимиз гувоҳ бўляпмиз. Бу кураш Шомда тобора кучайгандан кучайиб бормоқда... Бутун олам одамларни эксплуатация қилишга, тирикчиликларида тазиик ўтказиб, қувғин қилишга, уларни қўлларидан ҳеч нарса келмайдиган аҳволга солиб қўйишга асосланган бугунги халқаро тартибдан жуда сиқилиб кетди. Ушбу халқаро тартиб жамият қадриятларини парчаламоқда, тартибсиз жинсий алоқага рухсат бермоқда, ўз қонунларини давлат раҳбарлари ва йирик бизнесменларга муносиб равишда ишлаб чиқмоқда. Ер юзи бу янги дунё тартибини кутиб олишга тайёр бўлсин учун бу Аллоҳ Субҳанаҳу томонидан кўрилаётган тайёргарлик бўлса ажаб эмас. Аллоҳ Таоло ўшанда ҳам ўз Росули учун Ясирибни шундай тайёрлаган эди. Ўшанда Буос жанги бўлиб, одамлар ота-боболари қилмишларидан жуда тўйиб кетган ва янги тартибни розилик ва шодлик билан қабул қилишга тайёр бўлиб қолишиган эди. Бугун Аллоҳ Субҳанаҳу бизга Ўзининг бу ишга аралashiшини кўрсатмоқда. Масаланинг моҳияти шундаки, бизлар Аллоҳ билан бирга бўлайлик, шунда У албатта бизлар билан бирга бўлади. Динимизга ёрдам берайлик, албатта У бизларга нұсрат ато этади. Бугун олам жуда катта ўзгариш бўсағасида турибди, бутун мұхит унга гувоҳлик бермоқда. Айтиш мумкинки, бу ишнинг очқичи Шом қўзғолони билан Ақсо тұғонидир, ўзгартыриш ҳам, тарих ҳам мана шу иккисининг асосида яралади, инша Аллоҳ. Бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам шуни исботламоқдаки, Ислом Уммати энг яхши Умматдир. У

Шом күзғолони ва Ақсо тұғони Аллохнинг изни или Раббоний ўзгартыриш дарвозасининг очқичи бўлғай нусрат Умматидир, у нусрат келишини кутиб ўтиrmайди, балки у нусрат сари арслондек ташланади. Бас, ушбуларни ўқиган инсонлар Ислом карвонига, мужоҳидлар карвонига етиб олишга шошилсинглар, дунё ва охиратда улкан ютуқларга эришиш учун ҳаракат қилгувчилардан бўлишга шошилсинглар, карвондан ортда қолмасинглар, мухаллафийн-жангдан қолган, жангдан қочганлардан бўлиб қолмасинглар! Акс ҳолда, ҳасрат ва надоматда қоладилар. □

## **ЭЙ ИНҚИЛОБ АҲЛИ! ҚАЧОН КЕСКИН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?!**

**Ҳасан Абдулмұғыттай**

Обаманинг ваколати тугаб, Трампнинг ваколати бошланганида, баъзилар Сурия муаммосини ҳал қилиш тезлашади, деган оптимистик фикрда эди. Байден келиши билан одамлар оптимист (келажакка умид билан қаровчى) ва пессимист (умидсиз)га бўлинди. Охири бориб, бу фикрларнинг барчаси нормаллаштириш ва Дамашқдаги қонхўр режимни сақлаб қолиш ишларининг бошланиши билан барҳам топди. Бугун Америка майдонида кескинлик юзага келган бир пайтда, баъзилар Сурия ҳалқининг юки енгиллашишига умид қилишмоқда... Шундай қилиб, баъзилар Америка иқлимининг тебранишларини кузатар экан, Америка билан жиноятчи Сурия режими ўртасидаги чамбарчас алоқаларнинг моҳияти ҳақида чукӯр ўйламасдан орзу, иллюзия ва интилишлар билан яшашга одатланиб қолишган.

Ушбу мүқаддимадан сўнг, мен АҚШ ҳокимиятидаги маъмуриятдан қатъий назар, бу давлат билан қонхўр Асад режими ўртасидаги мустаҳкам узвий муносабатлар мавжудлиги ҳақида кўп гапирмоқчи эмасман. Масала режимнинг собиқ раҳбарларидан бўлган, кейин биринчилардан бўлиб мухолафатга қўшилган Риёз Наъсон Оға берган баёнот билан ҳам яққол ойдинлашади.

Мен инқилоб аҳлига ва инқилоб тарафдорларига мурожаат қилмоқчиман. Мухолафат қачон ўз сўзини айтади. Америка ечимидан ва «2245» сонли резолюциядан умидвор бўлган, ҳалқдан эса ажralиб, уни қайтиб ярашмайдиган равишда «учталоқ» қилган мана шу мухолафат эмасмиди?!

Бу мухолафат анави давлатлар билан бўлган алоқаси ва умидини қачон узади, ахир, бу давлатларни Америка ўзининг ечимига хизмат қилиш ва қонхўр режимни ҳимоя қилиш билан банд қилиб қўйған бўлса?!

Гап нишонга бехато аниқ тегиши учун янада аниқроқ айтамиз:

Эй Шом инқилобидаги Ислом аҳли, қачон ҳал қилувчи сўз айтилади, қачон кескин қарор қабул қилинади?!

Келинг, жавоб беришга ёрдамлашайлик ва сизга тарихдан уч ҳолатдан иборат ибратли қиссани айтиб берайлик, тики, бу

қисса вақт кеч бўлмасидан ва инқилоб билан қурбонликлар бекор кетмасидан олдин ўз вақтида идрок этилсин. Бу Рожиъ қудуғи кунидаги Росууллоҳ  нинг саҳобалари билан боғлиқ воқеа бўлиб, уни қисқароқ қилиб айтиб берамиз:

Уҳуд жангидан кейин Росууллоҳ  нинг олдиларига Узал ва Қорат номли араб қабиласидан иккита карвон келади ва «Ё Росууллоҳ, бизнинг қабиламизда Ислом бор, биз билан бир нечта саҳобангизни қўшиб юборинг, фиқҳ ўргатсинглар, Қуръон ўқитиб, Ислом шариатидан таълим берсинглар», дейишади. Росууллоҳ  асҳобларидан олти нафарини уларга қўшиб берадилар. Улар Марсад Ғанавий, Холид ибн Бакир, Осим ибн Собит, Ториқ ибн Абдуллоҳ, Хубайб ибн Адий, Зайд ибн Дасналардан иборат эдилар. Уларга Марсад Ғанавийни амир қилиб берадилар.

Улар йўлга тушишади, аммо Ҳижоз тарафидаги Ҳузайл қабиласининг Рожиъ қудуғига етиб келганларида карвондагилар бу олти саҳобага хиёнат қилишади. Уларга қарши Ҳузайлдан ёрдам сўраб, жамоа кутмаган пайт уларга қарши қилич яланғочлашади. Саҳобалар ҳам уларга қарши жанг қилиш учун қилич яланғочлайдилар. Мушриклар саҳобаларга «Биз сизларни ўлдирмоқчи эмасмиз, мақсадимиз, сизларни Макка аҳолисига олиб бориб, улардан пул ундириш, чунки биз сизларга қарши жанг қилмасликка Аллоҳ учун ишончли ваъда берамиз», дейишади.

Сария амири Марсад Ғанавий билан Холид ибн Бакир ва Осим ибн Собит «Аллоҳга қасамки, биз мушрикдан ваъда ҳам олмаймиз, у билан асло битим ҳам тузмаймиз», деб жавоб қиладилар. Осим ибн Собит уларга шеър билан жавоб қилади:

«Мен палаги тоза, найзаси ўткир, камон иплари мустаҳкам, камони сиртидан давангирлар ҳам мағлуб бўладиган нуқсони йўқ марддирман... Ўлим ҳақ, ҳаёт алдамчи, Аллоҳ нима битса, ўша ҳақдир, киши Аллоҳдан келган, яна Унга қайтажақдир... Туғган онам ҳаққи, сенларга қарши жанг қилмасам, номардман!».

Марсад, Осим ва Холид жанг қилиб, ҳалок бўладилар. Қолган уч киши эса, яъни Зайд ибн Дасанна, Хубайб ибн Адий ва Ториқ ибн Абдуллоҳ сустлик қилишади. Ҳаётларини сақлаб тирик қолишга интилиб, таслим бўлишади. Мушриклар уларни асир олиб Маккага олиб бориб сотиш учун йўлга тушишади.

Заҳронга етиб келишганда Ториқ ибн Абдуллоҳ арқон билан боғланган қўлларини ечишга муваффақ бўлади ва қўлига қилич олиб жанг қилмоқчи бўлади. Аммо мушрик қавм ундан олдин ҳаракат қилиб, уни тош билан уриб ўлдиришади. Хубайб билан Зайдни Макка аҳлига сотишади, Макка мушриклари икковини ўлдиришади.

Бу олти саҳобий қиссаси битта позицияда кескин қарор қабул қилиш учун бизга учта ибрат кўрсатмоқда:

**Биринчи ибрат** сария амири Марсад билан унинг икки дўсти Осим ва Холиддан олинади. Чунки бу учовлон кутилмаган позицияга дуч келишганда топқирлик билан фикрладилар ва амалга киришишдан олдин кескин қарор қабул қилдилар. Бу қарорларини «Аллоҳга қасамки, биз мушриқдан ваъда ҳам олмаймиз, у билан асло битим ҳам тузмаймиз», деган жавобларида кўриш мумкин. Ҳамда Осимнинг «Аллоҳ нима битса ўша ҳақдир, киши Аллоҳдан келган, яна Унга қайтажакдир. Туғган онам ҳаққи, сенларга қарши жанг қилмасам номардман!», деган шеърида кўриниб турибди. Зеро, бу тақдирий масалада олинган кескин қарордир. Бунда ҳаёт ёки мамот масаласи ҳал бўлади. Шунинг учун улар қилич яланғочлаб, жангга киришдилар ва шаҳид бўлгунларича курашдилар, Аллоҳ улардан рози бўлсин.

**Иккинчи ибрат** Ториқ ибн Абдуллоҳдан олинади. У бошида таслим бўлди ва асирга олинниб, арқон билан қўллари боғланди, аммо йўлда биринчи қароридан, яъни асирга тушиб Маккага сотилиб кетиш қароридан қайтди ва амир билан икки шериклари каби душманга қарши жанг қилишга қарор қилди. Арқондан қўлларини ечиб, қўлига қилич олди жанг қилмоқчи бўлди, фақат мушриклар бунга имкон бермай, тошбўрон қилиб шаҳид қилишди.

**Учинчи ибрат** Хубайб ибн Адий билан Зайд ибн Дасиннадан олинади. Икковлон асири бўлишга рози бўлишди, Қурайш кофирлари уларни сотиб олиб, Бадрда ўлдирилганлар учун қасос сифатида ўлдиришди. Улар ўлимни мардлар юраги билан ва Аллоҳнинг қазосидан хотиржам қалблар билан қарши олишди.

Масалан, Зайд ибн Дасинна Абу Суфён берган саволга рад жавобини берар экан, унга «Аллоҳга қасамки, мен үйимда аҳли

оилас билан ўтирсам-у, Мұхаммад  га ўша турған жойларида бирор тикон озор беришини ҳам истамайман», деди.

Хубайб ибн Адий ўлемидан олдин икки ракат намоз ўқиб, «Аллоҳга қасамки, агар мени ўлимдан құрққанидан намозни чүзіб ўқияпти, деган гумонга бормаганларингда эди, түйиб-түйиб намоз ўқиган бўлур эдим», деди ва ушбу шеърни айтди:

Муслим ҳолатида ўлдирилмоқ мен учун бир баҳтдир,

Қаерда ўлдирилмай, Аллоҳ олдида жойим тахтдир.

Ҳа, ушбу олти саҳобий лар Аллоҳ йўлида шаҳид бўлмоққа ошуфта бўлдилар, қарорлари ҳар хил бўлса-да, эгаллаган позициялари бир хил бўлди ва уларнинг тутган бу йўллари амалга киришишдан олдин фикрлашга асосланди.

Агар бизга уларнинг ҳикоясини билиб, улар каби вазиятда қарор қабул қилиш имконияти берилса, биз уларнинг амири ва унинг икки ҳамроҳи томонидан қабул қилинган биринчи қарорни қабул қилган бўлардик. Чунки улар на аҳдга ва на бурчга риоя қилмайдиган мушрикларнинг психологиясини бошқалардан кўра теран тушундилар. Мушрикларнинг ниятини қолган ҳамроҳларига қарагандা тезроқ англаб етдилар.

Бу қиссадан ибрат олганимиз ҳолда, вазиятга мувофиқ кескин қарор қабул қилиш шахс ва жамоа ҳаётида мұхим аҳамиятга эга эканлигини ўзимизга ҳам ва инқилоб аҳлимизга ҳам эслатиб ўтамиш. Ҳизб ут-Таҳрирнинг биринчи кунданоқ муборак Сурия инқилобини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилган қарори, ривожлантириш лозим бўлган яхшиликлар ҳамда тўғрилаш лозим бўлган камчиликларни кўрсатиб туриши инқилобнинг бугунги кунгача бўлган ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари ушбу муборак инқилобнинг елкасига миниб олган «Миллий кенгаш», «Миллий коалиция» ва «Музокара қўмитаси» ҳамда улар қабул қилган заҳри қотил Женева, Вена, Риёз ва Остона... қарорларини ва бу қарорларни қабул қилган сотқин ва даллолларни рад этишда ўзларининг кескин сўзларини айтдилар. Бу сўзлар инқилоб юрагида, инқилобчи йигитлар онгига акс этди. Бу сўзлар сўзловчининг ҳақлигига ва бу сўзларга амал қилувчи холис мўминларнинг саботида ўз аксини топди.

Ҳизб аъзолари, шунингдек, қўзғолончи грухлар учун сиёсий пулни ва заҳри қотил донорларни рад этишда, булардан огоҳлантиришда ҳамда бу пулларни олган ва хоинлар

лойиҳасига аралашган гуруҳларни инкор этишда ҳам ҳал қилувчи қарор қабул қилдилар. Ҳизбнинг бу қарори эркин фикрли яхши инсонлар учун мустаҳкам қалъа сифатида хизмат қилди, яъни Аллоҳ уларни айни ҳалокатли ишлардан асради... Улар Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушлаб, хоин ва қўрқоқ пасткашлар олдидан музокара дастурхонини тўнтариб ташлаш учун холис кўчларни тўплашга уриндилар.

Ҳизб аъзолари сулҳ ва ярашувларни рад этишда ҳам, фронтларни ёпишга рози бўлмаслиқда ҳам, инқилобни ҳолдан тойдиришни, муқаддас қонларни тўкишни ва ўзаро қирпичноқ бўлишни рад этишда ҳам ўз сўзларини айтдилар. Уларнинг бу сўзлари мазкур иллатларни қабул қилиб, амал қилган ва ҳалол инсонлар танасига зулукдек ёпишиб олган руҳан хаста кимсаларга қаратилди... Бу сўзлар сабр қилган ва бошларига қанча-қанча зулм, қатл ва қамоқ келса ҳам муқаддас қонларни тўкмаган эркин фикрли инсонларга ижобий таъсир қилди.

Инқилоб жамоалари ва омма қабул қилиши учун Ҳизбнинг ҳал қилувчи сўзи ва кескин қарорлари инқилобчилар қалбida ва онгida акс-садо бермоқда. Ҳизбнинг ҳал қилувчи сўzlari ва унинг кескин қарорлари омма ҳалқнинг онгига синганда ҳалқнинг аксар қисми уларни қабул қилади. Ана шунда ҳалқ байроқ ва етакчиликни қайта қўлга олади. Анави жиноятчи қонхўр режимни ағдариб, Америка ва унинг иттифоқчилари илдизини қуритиш ҳамда Исломнинг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик тузумини барпо этиш сари юриш бошлайди.

Бизлар Аллоҳ Таолодан шу кунни тезлатишини ҳамда яхшилик аҳлига буни мұяссар айлашини сўраймиз. Оқибат тақводорлар учундир. Валҳамду лиллаҳи Роббил аламин. □

## ХАЛИФАЛИКНИНГ ЙЎҚЛИГИ БАРЧА МУСИБАТЛАРНИНГ АСЛ САБАБЧИСИДИР

Салафа Шуман  
Байтул Мақдис

Хўзайфа ибн Ямондан Росууллоҳ ﷺнинг бундай деганлари ривоят қилинади:

«تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِمًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيلًا، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَّتَ». ثُمَّ سَكَّتَ».

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ ҳоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ ҳоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Хижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 март куни малъун Мустафо Камол Отатурк қўли билан Ислом Халифалиги (буюк Усмоний давлат) қулатилди ва Туркия Республикаси ташкил этилди.

Шундай қилиб Ислом билан ҳукм юритишдан иборат Ислом асосларининг энг асосийси қулатилди. Исломнинг асосий пойдевори қулатилди. Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилинишича, Росууллоҳ ﷺ марҳамат қиладилар:

«لَتُنْقَضَنَّ عُرَيِّ الْإِسْلَامِ عُرْوَةً، فَكُلَّمَا انْتَقَضَتْ عُرْوَةً تَشَبَّثَ النَّاسُ بِالَّتِي تَلَيَّهَا، فَأَوْلَهُنَّ نَقْضَا الْحُكْمُ وَآخِرُهُنَّ الصَّلَادَةُ»

«Ислом асослари албатта бирин-кетин бузилади. Қачон бир асос бузилса, одамлар кейинги асосга маҳкам ёпишадилар.

**Энг биринчи бўлиб бузиладиган асос-ҳукм Ислом билан ҳукм юритишдир. Охиргиси эса, намоздир.** Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида, Табароний «Мўъжамул Кабир»да, Ибн Ҳибbon ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган.

Ҳукмни бузиш дегани Ислом билан ҳукм юритилмасликни ва Исломни ҳаёт майдонидан йўқолиб кетишини англатади. Халифаликнинг йўқ қилиниши билан мана шу бало вужудга келди. Зеро, Халифалик давлати Исломдаги бошқарув низомининг асосидир. Исломдаги бошқарув низомининг асоси бўлган халифалик давлати Умматнинг битта халифага байъат этиши билан вужудга келади. Ушбу халифа Уммат устида Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати билан ҳукм юритади. Уммат ишларини ҳам Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати билан бошқаради.

**Халифаликни бекор қилиниши Ислом Умматининг бошига тушган энг катта бало бўлди.** Уммат унинг оқибатларини ҳануз бошдан кечирмоқда. Бу кўхна Умматимизни азоблаётган энг оғир мусибат бўлди. Бундан ортиқ мусибат бўлиши мумкин эмас. Чунки Халифаликни бекор қилиш мусулмонларнинг ишларини юрт ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам Аллоҳ Таолонинг амрига мувофиқ бошқарадиган имомни-қалқонни йўқ қилиш демакдир. Ислом ва мусулмонларни ҳимоя қиласидиган, уларнинг жонларини, молларини ва номусларини сақладиган Қалқонни йўқ қилиш демакдир.

**Халифалик қёёши сўниши** биланоқ Ислом давлати мустамлакачига тобе, бир-бирлари билан қирпичноқ бўладиган, бир неча тарқоқ давлатчаларга бўлиб юборилди. Ҳокимлари мустамлакачига қул бўлди. Дарҳақиқат, мустамлакачи бу давлатчалар тепасига куфр лойиҳаларини татбиқ қилишга ва мусулмонлар орасида тафриқа уруғини сочишга ҳаракат қиласидиган, ўзига тобе ва қул ҳукмдорларни олиб келди. Бу малай ҳукмдорлар Ислом Уммати орасида адоват ва нафрат қўзишга интилишади. Соғлом исломий ақида робитаси ўрнига миллатчилик ва ватанпарварлик робитасини мустаҳкамлашга зўр беришади.

Мустамлакачи мусулмонларни Исломий Халифаликни қайта тиклашдан иборат тақдирий масалаларидан чалғитишга ҳаракат қилиб, уларга сохта муаммо ва масалалар туғдирди, уларни шу сохта муаммолар билан овора қилди. Булардан энг

қалтис ва Умматга энг таъсирилиси Британия мандати остида келтириб чиқарилган Фаластин масаласи эди. Шундан кейин Фаластин яҳудийларга берилди, яҳудийлар у ерда ўзларининг жирканч бир давлатини қуришди. Бу мусулмонлар учун энг катта бало ва оғир мусибат эди. Бу бало уларга қирғинлар, қувғинлар, хорлик ва ер юзидағи бузғунчиликларни олиб келди. Дарвоқе, сulton Абдулҳамид II – Аллоҳ раҳмат қилсин ва ундан рози бўлсин – нақадар ҳақ сўзлаган. Ўшанда унга яҳудийлар Усмоний давлат қарзларини тўлаб бериш эвазига Фаластиндан яҳудийларга ер берилиши таклифини қўйишгандা буни қаттиқ рад этиб, бундай дейди: «Ўша Герцлга айтиб қўйинглар, бу мавзуда жиддий қадам ташлай кўрмасин, чунки мен Фаластин тупроғидан бир қарицидан ҳам воз кечмайман, чунки у менинг шахсий мулким эмас, Ислом Умматининг мулкидир. Менинг халқим бу тупроқ ҳимояси йўлида жиҳод қилиб, уни қонлари билан суғоргандар... Бас, яҳудийлар миллионларини сақлаб қўйишсин, қачон Халифалик давлати бир кун келиб парчаланса, ана шунда яҳудийлар уни текинга олишлари мумкин... Бироқ, биз тирик эканмиз, юртларимиз ҳаргиз тақсимланмайди».

Ҳалигача бу муборак замин азоб чекяпти, аҳвол хоссатан Ақсо масжидининг, қолаверса атрофидаги бошқа масжидларнинг ҳам яҳудийлар томонидан топталиши ва оёқ ости қилиниши даражасига етди... Аллоҳнинг Китоби ҳурматсизланмоқда, одамлар қирғин қилинмоқда, оч қўйилмоқда, Жаниндан Набlusга қадар шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилмоқда. Ҳатто муборак заминнинг бир қарич ери ҳам яҳудийларнинг кирлиги, нафрати ва жиноятидан омон қолмади! Яҳудийларнинг Умматга қилаётган журъати, ҳатто қабоҳати ҳеч қандай чегара билмаяпти, уларни бундан мусулмонларнинг қалқони бўлмиш халифагина тия олади. Фақат халифанинг ўзигина аёллар, болалар ва қариялардан ҳеч бирининг қўрқитилишига йўл қўймайдиган кучdir.

**Ҳа, Халифалик давлатининг қулатилиши билан мусулмонларнинг юртлари ва жамиятлари қатли ом, қувғин, бузғунчилик, саводсизлик каби кетма-кет мусибат ва балоларга учради. Буларнинг барчаси анави ҳукмдорлар қилмишлари туфайлидир. Аллоҳ уларнинг уруғини қуритсан, Ислом**

давлатининг барпо этилишига ва инсониятнинг Ислом асосида уйғонишига мана шулар тўсқинлик қилишмоқда.

**Халифалик давлатининг йўқ қилиниши билан** бутун инсоният ҳаёти худди аввалги жоҳилият давридагидек ҳолатга, ҳатто ундан ҳам ёмон аҳволга тушиб қолди. Башарият бадбўй капитализм зулматида тентираб юриб, зулм, репрессия, зўравонлик, қашшоқлик ва коррупцияни бошдан кечирмоқда. Қашшоқлик ва коррупция кенг тарқалди. Уммат бойликлари тортиб олиниб, ўзи заифлик ва хорликка маҳкум этилди.

**Халифалик давлатининг йўқ этилиши билан** Фаластин, Сурия, Ироқ, Яман, Судан ва қатор мусулмон юртлари вайронагарчилик, бузғунчилик ва қирғинбаротга учради, қадриятлар топталди.

Буларнинг барчасига мусулмонларнинг қалқони бўлмиш халифанинг йўқлиги сабабdir. Унинг ўрнига анави ҳукмдорларнинг ўтиришлари сабабdir. Зотан, уларда ҳукм юритувчилик қобилияти йўқ. Улар мустамлакачининг арзимас қуллариdir. Улар фақат хўжайниннинг амрини бажо келтирадилар, уларнинг порнография, бузуқлик, бузғунчилик ва фасод тарқатишдаги лойиҳаларини татбиқ қиладилар. Газо ва Шомда бўлаётган ҳодисалар ҳеч кимга сир эмас. Бу юртлар қон дарёсига тўлди.

**Эй мусулмонлар!** Умматни Ислом асосида бошқарадиган Исломий Халифаликнинг бор бўлиши нималарни англатишини биласизми?!

**Исломий Халифаликнинг қайтиши** ҳокимият Исломники, яъни Аллоҳнинг ҳақ дининики бўлишини англатади. Ер юзи халқларига адолат ва хотиржамлик ҳукм суришини ҳамда бутун инсоният бузғунчи капитализмдан ҳимоя қилинишини англатади.

**Исломий Халифаликнинг қайтиши** мусулмонларнинг ўз истакларига ўзлари эга бўлишларини, ҳокимият Умматники бўлишини англатади. Бу ҳокимиятда Халифалик шартлари топилган кишига, яъни Исломда буюрилган шартлар (инъиқод шартлари ва афзаллик шартлари) бор инсонга мусулмонлар байъат қиладилар. Шу билан халифа мусулмонларни тамсил этади, айнан халифа уларни Ислом байроғи остига бирлаштиради, айнан халифа улар устидан Аллоҳ Таоло рози бўладиган тарзда сиёsat олиб боради. Унинг елкасига Аллоҳ

нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш, мусулмонлар елкасига эса, унга итоат қилиш фарзи тушади ва уларда Ресулуллоҳ ﷺнинг

«كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْؤُلٌ عَنِ رَعْيَتِهِ»

«Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз ўз қўл остидагилардан жавобгардир», деган сўзлари ўз аксини топади. Демак, халифада итоат қилиниш ҳуқуқи бўлса, мусулмонларда ундан ҳисоб сўраш ҳуқуқи бўлади.

**Исломий Халифаликнинг қайтиши** мусулмонларни энг одил низом бўлмиш Ислом низоми ҳукм юритиладиган, бошлари узра ягона роя, яъни Ресулуллоҳ ﷺнинг роялари соя солиб турдиган битта давлатда бирлашишларини англаради. Уларнинг урушлари ҳам, тинчликлари ҳам бир бўлади. Натижада улар бошқа инсонлардан фарқли ўлароқ ягона Уммат бўладилар. Уларда Ресули акрам ﷺнинг мана бу сўзлари ўз аксини топган бўлади:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادُّهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضُوٌ تَدَاءَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهَرِ وَالْحُمَّى»

«Мўминлар ўзаро дўстлик, раҳм-шафқат ва ҳамдардликда бамисоли битта танага ўхшайдилар: қачон тана аъзоларидан бири шикоят қилса, бошқа аъзолар унга оғриқ ва иситма билан жавоб берадилар».

**Ислом Халифалигининг қайтиши** мусулмон юртларининг бадбаҳт мустамлакачи қуллигидан қутилишини, айниқса, муборак Фаластин заминини нажас яҳудийлардан озод бўлишини англаради. Зотан, Ақсо тўфонидан кейин уларнинг асл башараси кўринди. Яҳудий вужудининг муҳоҳидлар олдида нақадар заиф ва қўрқоқлиги фош бўлди. Зоро, бу муҳоҳидлар нақадар мард-қаҳрамондирлар. Уммат орасида улардек қаҳрамонлар жуда кўпдир. Шунинг учун ҳам Халифаликнинг қайтиши мусулмонлар учун жуда кўп маъноларни англаради.

**Ислом Халифалигининг қайтиши** ҳам башарий, ҳам моддий Уммат қадриятларини, жумладан олимлар, кашфиётчилар, тадқиқотчилар, муҳоҳидларнинг қайтишини англаради. Шунда Уммат ҳам фикрий, ҳам моддий тараққиётга эришади. Тинчлик

ва барқарорлик ҳукм суради. Хавф-хатар остида, очлик-яланғочликда ҳамда хорлик остида кун кўриш барҳам топади.

**Ислом Халифалигининг қайтиши** оламда Ислом ҳукмрон эканлигини, Ислом ҳазорати капиталистик ҳазоратдан олий ва буюк эканлигини англатади. Ислом ҳазорати капиталистик ҳазоратни қулатиб, нафақат мусулмонларни, балки бутун инсониятни капитализм зулмидан ва унинг бузғунчилигидан қутқаришини англатади.

**Буларнинг барчасидан ҳам энг мұхими, Халифаликнинг қайтиши** мусулмонларнинг Аллоҳ олдида юзлари ёруғ бўлганини англатади. Чунки фақат Халифалик билангина бизлар Аллоҳга ҳақ-рост итоат қила оламиз. Фақат Халифалик билангина Исломни, шахс, жамоат ва давлат сифатида тўлиқ татбиқ қила оламиз.

Ва ниҳоят, Ислом Уммати ўзидағи мавжуд исломий ақида билан тириkdir ва тирик қолажакдир. Чунки Умматни Исломга бўлган ишончини сўндириш ва ўзига бўлган ишончидан маҳрум қилиш мақсадига қаратилган адаштириш ва адаштиришга уринишлар сабабли, у гарчи маълум вақт қоқилиб хато қилган ва ваҳнга тушган бўлса-да, бироқ бугун унга қайтадан жон кираётгани кўрина бошлади. Ҳукмдорларга, хоин ва сотқинларга «Динимиздан, фарзандларимиздан ва қадриятларимиздан қўлингни тортмасанг, биз бу қўлларни тез орада кесиб ташлаймиз», деган хитоб Умматнинг бугунги ҳолатидан кўриниб турибди. Аллоҳга қасамки, «Уммат қайтадан Халифаликни истайди», деган ҳайқириқлар билан чиқишлилар бўлишига жуда оз вақт қолди.

Бизлар Аллоҳнинг изни билан суюкли Пайғамбаримиз Мұхаммад ﷺ хабар берган ва ортидан пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўладиган золим подшоҳлик бошқарувининг сўнгги даврларида турибмиз... Ҳа, бизлар чиндан ҳам туб ўзгаришлар арафасида турибмиз... Аллоҳим, шу кунларни бизларга яқин қил, Ўзинг раҳмлилар раҳмлисисан. Аллоҳим, бизларни Халифалик давлатига, унинг халифасига ва қўшинларига ўз кўзлари билан гувоҳ бўлганлардан айла, амин, я роббал аламин! □

## Судайс Икки Ҳарамда ҳар қандай сиёсий шиорларни күтаришдан огоҳлантиримоқда

Маккай Мукаррамадаги Масжидул Ҳаром билан Мадинаи Мунавварадаги Масжидун Набавийнинг диний ишлари бўйича раиси шайх Абдурраҳмон Судайс 2024 йил 25 февралда зиёратчиларни «икки ҳарамни зиёрат қилиш чоғида ҳар қандай сиёсий шиорни күтариб чиқишдан огоҳлантириди». Бу ҳақда у Саудияда «Таъсис куни» муносабати билан ўтказилган сухбат чоғида баёнот берди. Бундан олдин хавфсизлик хизматининг муқаддас Каъба олдида туширилган видео ролиги кенг тарқалган эди. Тасвирида хавфсизлик хизматининг Фаластин байроғини күтарган бир аёлга тўққинлик қилаётгани акс этган эди. «Икки Ҳарами Шарифда тавҳид шиоридан бошқа ҳеч қандай шиор бўлмасин, сизлар бу ерларга шиорлар күтариш ва ҳайқириш учун эмас, балки ибодат қилгани келдинглар», деди Судайс. У яна шуларни қўшимча қилди: «Ҳайқириқлар билан туйғуга берилманглар, икки Ҳарами шарифда сиёсий шиорларни күтариб чиқадиганлар хавфсизлик ходимлари томонидан назорат остида бўладилар. Икки Ҳарам хавфсизлиги босиб бўлмас қизил чизиқдир. Дуо қилинг, эҳтиросга берилманг ва ибодатдан бошқа нарсага чалғиманг». Маълумки, умра қилувчи аёллардан бири босқинчи Истроил давлати Ғазо бўлгасида олиб бораётган уруш оқибатида минглаб шаҳидлар берилаётган ва яна минглаби ярадор бўлаётган, уй-жойлар, инфратузилма ва иқтисодиёт хонавайрон этилаётган бир пайтда буларга норозилик сифатида Фаластин байроғини күтариб чиқсан эди.

**Ал-Ваъй:** Саудиядаги мусулмонларнинг аҳволи тангdir. У ердаги уламоларнинг вазиятига ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Бу ердаги масала байроқ күтариш ёки күтармасликда эмас, балки кеча Ислом даъватининг бешиги бўлган муқаддас заминда бугун Аллоҳ нозил қилгандан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритаётган ҳокимлардадир. Бугун бу муқаддас замин фосиқлик ва бузуқлик юртига айланди. Кофиirlарни дўст тутиб, Аллоҳнинг америкалик ва яхудий душманларини этагини ушлаган раҳбарларнинг мамлакатига айланисиб қолди. Энг ёмона бундай ёмон уламолар ҳукмдорларнинг қилмишларига

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зудм қилемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
кўз юмиб, уларнинг пинжига кириб олишлари ва бундай разил ҳукмдорларни ҳар қандай қонундан устун қилиб кўрсатишларидир. Аллоҳ эртага Судайс каби мана шундай уламоларни ана ўша ҳукмдорлар билан бирга тирилтириб, гуноҳларига шерик қиласажак.		
<b>Амирликларга яқин бўлган газета Фаластинга ҳамдардлик билдиргани учун Уммонга ва Унинг муфтисига ҳужум қилди</b>		
Лондонда чиқадиган, Бирлашган Араб Амирликларига яқин «Араб» газетасининг сultonлик ҳукуматига ва унинг муфтисига қилган ҳужуми Уммон кўчаларидағи қаттиқ норозиликларга сабаб бўлди. Газетанинг улкан сарлавҳали мақоласида «Масжидлардаги жиҳодий нафас Уммон сultonлигида хавотир келтириб чиқармоқда, дейилади». Мақолада яна «Сultonлик муфтиси Ҳусийлар ва Ихвончиларнинг арzonгаров ташвиқотига шерик бўлмоқда», деган сўзлар айтилган. Шунингдек, газетада қўйидагилар иддао қилинади: «Фазо сектори аҳлига қарши Исроил томонидан уруш қилинаётган экан, ушбу аҳолига бўлган Уммон халқининг ҳамдардлиги Ҳамас ҳаракатига, умуман жиҳодий мафкурага бўлган тарғибот-ташвиқот билан қўшилиб кетмоқда. Ўз навбатида, айни жиҳодий мафкурага қарши томон Уммон расмийларини бундай кўринишга эътиборсиз қарашдан огоҳлантириди. Чунки бу ихвончилар ва жиҳодчилар даъвосини ёшлар онгига сингдиришда Уммон сultonлигидаги диний минбарларни дарвозага айлантириди. Зоро, Уммон аҳолисининг аксар қисмини ёшлар ташкил қиласди». «Араб» газетаси Уммон муфтисига ҳужум қилиб, бундай деди: «Муфти Исроил томонидан Фазо аҳолисига қарши олиб борилаётган қонли урушга нисбатан нафрат эҳтиросига берилиб, давлатнинг расмий чизиғидан чиқиб кетяпти... Ваҳоланки, муфти бу ҳукуматдаги ўзининг юқори лавозимидан айни чизиққа риоя қилинишини таъминловчи шахс сифатида кўрилар эди». Газета уммонликларга қарши тош отишда давом этди: «Ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган видеолардаги тасвирларга кўра, Уммондаги баъзи масжидларда намозхонлар Ҳамас ҳаракатининг ҳарбий қаноти бўлмиш Қассам бригадасининг расмий вакили Абу Убайданинг жанговар баёнотини – гўё у диний хатибдек – хушуъ билан		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
	<p>тинглашмоқда». Ўз навбатида, уммонлик фаоллар ҳам «Араб»га қарши ҳужум қилиб, унинг «Амирликлардан молияланувчи газета эканини, мақоланинг Абу-Даби томонидан Масқатга қарши бошланган гижгижлов оқимида ёзилганини таъкидладилар.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Амирликлар ҳукмдорлари Исломга қарши курашиш учун қандай ёвузлик кўчасини кўрсалар, албатта унга кирадилар... Уларнинг яхудийлар билан дўстлиги тўғрисида шундай гаплар юрадики, бугунги кунда мана шу ҳукмдорларнинг ўзи яхудийларга ёвузликдан дарс берадиган бўлиб қолишган. Ҳатто улар бугун мусулмонларнинг кўзига худди Росулуллоҳ нинг даъватига қарши курашган Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб ва Умайя ибн Халаф каби золим, кофир зодагонларга ўхшаб кўринмоқдалар.</p> <p><b>Яхудий раввини «Амирликларнинг исломидан» таажжубда... «Ақсонинг Исломда ҳеч қандай аҳамияти йўқ»</b></p> <p>Раввин Ури Шерки «The Jerusalem Post» газетасида чоп этилган мақоласида Ислом динига бўлган қарашларини маълум қилди ҳамда Ислом дини ўзgartиришларга муҳтожлигини таъкидлади. Бунга қўшимча Бирлашган Араб Амирликлари томонидан тақдим этилган моделга жуда қизиқаётганини билдири. Унинг таъкидлашича, Амирликлар барча исломий ҳаракатларга қарши туради. Қолаверса, у Фаластиннинг сиёсий мақсадларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмайди. Ҳатто Ғазода бўлаётган уруш мавзусини Амирликлардагилар бирор марта бўлса ҳам кўтартмаганлар. Амирликлардаги Раввин билан учрашган бир қатор кимсалар бундай деб таъкидлашган: «Амирликлардаги исроилликлар ўзларини мавжудлигини оқлашга уринмасликлари керак. Чунки «Истроил тасдиқланган ҳақиқат»дир ҳамда яхудийларнинг илдизи Амирликларда ҳам, Яқин Шарқда ҳам чуқурдир ва Ақсо Исломда ҳеч қандай марказий аҳамиятга эга эмас». Раввиннинг даъвосича, Ислом жамиятида мусулмон бўлмаганлар иккинчи даражали зиммий фуқароликка эга бўладилар, деган тушунчага бугун амал қилинмайди, у эскирган. Бугун ҳар бир фуқаро тенг ҳуқуқли бўлиб, улар ўз ҳуқуқларидан фойдалана оладилар.</p>	
<b>Ал-Ваъй</b>		43

<p><b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b></p>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»  <b>«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</b></p>	<p><b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b></p>
<p>Таъкидлаш жоизки, бу раввин Исломда тузатиш керак бўлган бир қатор масалаларни ўртага ташлаб, мусулмонлардан бу масалалардан воз кечишиларини талаб қилди. Жумладан, мусулмонларни «Исройл» мустақил давлат бўлса, шунинг ўзи Ислом диёрига адоват ҳисобланади, деган фикрларидан воз кечишиларини талаб қилди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Мана бугунги амирлик ҳукмдорларининг Ислом ҳақидаги қараши. Буниси эса, яхудийнинг қараши. Бу қарашлар орасидаги фарқни ким ажратади?!</p>		
<p><b>Ўлимидан бир неча соат олдин Бушнелл Қўшма Штатларнинг ғазо урушидаги иштирокини фош этди</b></p>		
<p>«New York Post» газетасида американлик учувчи Аарон Бушнелл ҳодисасига оид янги тафсилотлар ошкор қилинди. Унда айтилишича, Бушнелл яхудийлар элчихонаси олдида ғазога ҳамдардлик сифатида «Фаластинга эркинлик!», дея бақириб ўзини ёқиб юборишидан сал аввал Америка кучларининг ғазо урушида иштирок этганини таъкидлаган. Сўнг Вашингтон полицияси унинг вафот этганини эълон қилган. Бу ҳодисани юмшатишга уриниб, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони Дэвид Элвин АҚШ ҳаво-кучларида ҳар йили 100га яқин ўз жонига қасд қилиш ҳолати рўй беришига ишора қилиб, американлик учувчи Аарон Бушнеллнинг ўлимини қатордаги бир «фожия» деб атади. Ҳолбуки, Бушнелл ўлими сиёсий характерга эга эди. Газета Бушнеллнинг бир дўсти ҳақида суриштирув олиб бориб, исмими ошкор қилмасликни афзал деб топган ва унинг қуидаги сўзларини нашр қилган: Менга Бушнелл ўзининг АҚШ ҳарбий разведкасидаги ғоят муҳим маълумотларга кириш ҳуқуқи борлигини айтганди, чунки унинг асл вазифаси разведка маълумотларини қайта ишлаш билан боғлиқ эди ва бу маълумотларнинг айримлари ғазодаги Исройл урушига оид бўлган. Бушнелл АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг 70-разведка, кузатув ва разведка корпусида «инновацион хизматлар бўйича техник», бўлиб хизмат қиласарди. 24 февралда, яъни ўзини ёқишидан бир неча соат олдин менга телефон қилиб, мен эга бўлган баъзи маълумотлар «АҚШ армиясининг Фаластиндаги геноцид операцияларига аралашаётгани»ни ифодаламоқда,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Фаластинда хизмат қилувчи күчларимиз бор, улар фаластиналардан катта қисмини қириб ташлашыпти», деди. Бушнелл Ғазо секторидаги фаластилик жангчи гурухларга қарашли туннелларда американлик аскарларнинг жанг олиб боришайтганини айтди». Газетада таъкидланишича, «Оқ уй АҚШ күчларини Ғазога асло юбормаслигини бир неча бор таъкидлаган әди». Газетада илгари ҳам «АҚШ маҳсус операция күчларининг маҳбусларни, шу жумладан американликларни аниқлаш учун Истроилга жойлаштирилган»лиги нашр қилинган әди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Ушбу хабар Американинг қуруқликтаги жангларда иштирок этаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, Американинг Ҳамасга қарши уруш тұхтатилишига қаршилик қилиб, «Истроил»ни айблашга қарши вето ҳуқуқидан фойдаланаётгани ҳам, уни қурол-аслаша билан таъминлаётганилыги ҳам, бу эса Ғазо ахлиға қарши урушнинг давом этишигін сабаб бўлаётгани ҳам маълум. Бироқ, ушбу фактларга қарамай, Америка бу хабарларнинг аксини айтмоқда. Зотан, Американинг Ғазода содир бўлаётган воқеалардан ҳақиқий ва узоқни ўйлаган мақсади нима? Албатта унинг бу ишлари яхшилика олиб келмайди. У жарликка қараб кетмоқда.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Oxfam: Ғазода «Истроил» томонидан содир этилаётган ваҳшийлик кўлами ҳайратланарлидир</b></p>		
<p>Британиянинг «Oxfam» ташкилоти «Истроил» босқинчи күчларининг Ғазода содир этаётган ваҳшийлик кўлами ҳайратланарли эканини таъкидлаб, бу босқинчиларнинг фаластиналардан кунига 250 нафарини ўлдираётганини маълум қилди. Ташкилот баённомасида қуйидагилар ҳам айтилган: Жанговар ҳаракатлар бошланганига юз кундан ошган экан, бу кўрсаткич сўнгги йиллардаги бошқа йирик ҳужумларнинг қурбонлари сонидан сезиларли даражала баланд. Ғазодаги одамлар ҳаётига фақат «Истроил» бомбардимонларигина әмас, балки очарчилик, касалликлар ва совуқ ҳам жиддий хавф solaётir... Ғазога талаб қилинаётганд озиқ-овқатнинг атиги 10 фоизи кирмоқда, зеро, кўрпа-тўшак,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْفَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Ўнга зудм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
иссиқ сув ва ёқилғи каби асосий эҳтиёжлар йўқ... Ғазо аҳолиси чида бўлмас жаҳаннам азобини тортмоқдалар, улар учун хавфсиз жой йўқ, ҳаммаси очликдан ўлиш хавфи остида... Халқаро ҳамжамият йигирма биринчи аср можаросининг энг шиддатли кўринишларига гувоҳ бўлаётганига қарамай, ўтишини тўхтатиш чақириқларига доимо тўсқинлик қилиб келяпти...».		
<b>Ал-Ваъй:</b> Бу баёнотлар халқаро заифлик ва муваффақиятсизликни тан олишdir. Халқаро ҳамжамият ҳам, халқаро қонун ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам Америка томонидан идора қилинади, демакки, уларнинг барчасининг тили бир. Мусулмонларнинг барчаси Америка наздида ҳам, яҳудийлар наздида ҳам мутлақо қийматлари йўқ. Бу эса, оламни ўзгартириш шарт эканига далолат қилмоқда ва уни ўзгартириш раҳмат динини ва Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлатини барпо этишсиз мумкин эмас.		
<p style="text-align: center;"><b>Рейтер: Саудия «мусулмон бўлмаган дипломатлар учун» биринчи алкогол ичимликлар магазинини очишга қарор қилди</b></p>		
<p>Хабардор манбалардан бирининг айтишича Саудия Арабистони «пойтахт Риёзда ўз хизматларини фақат мусулмон бўлмаган дипломатларга тақдим этувчи алкоголи ичимликлар сотувчи биринчи магазинни очиш»га тайёргарлик кўрмоқда. Қабул қилиниши кутилаётган қарорда айтилишича, «мижозлар мамлакат ташқи ишлар вазирлигидан QR-кодини олиш учун мобил телефон иловаси орқали рўйхатдан ўтишлари керак бўлади». Ушбу қадам «туризмни ривожлантириш ва консерватив Форс кўрфази мамлакатларида денгиз фаоллигини жалб қилиш» бўйича шаҳзода валиаҳд Мұҳаммад ибн Салмон саъй-ҳаракатлари доирасида «мамлакатдаги мухим босқич» ҳисобланади. Магазиннинг савдоси мусулмон бўлмаганларга «фақат ва қатъий» равишда чекланади. Мамлакатда яшовчи мусулмон бўлмаган бошқа шахсларга магазиндан харид қилишларига рухсат берилиш-берилмаслиги ҳали очиқлангани йўқ. Саудияда миллионлаб мухожирлар яшайди, бироқ уларнинг аксарияти мусулмонлар. Ушбу қарордан олдин Саудия Арабистони спиртли ичимлик ичганларга нисбатан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
қатъий қонунларни қўллаб келган ва улар дарралаш, жаримага тортиш ва қамашларни ўз ичиға олган... хорижликлар ва делегатлар бўлса депортация қилинган... Илгари мамлакатда алкогол ичимликларни топиш имкони йўқ эди, фақат дипломатик почта ёки қора бозордан олинарди.		
<b>Ал-Ваъй:</b> Бу Саудлар оиласи бўлиб, уларнинг асл башаралари мана шу... Энди, мусулмонларга бутун дунё ҳужум қилаётган бир пайтда, Саудлар оиласи ҳам ўз кемаларини Аллоҳнинг динига хиёнат қилиш қирғоғига яширмай-ошкора олиб келишди. Содир бўлаётган бу ишлар мусулмонлар учун яхшилиkdir, уни ёмонлик деб ҳисобламанг!		
<p style="text-align: center;"><b>Франция 2024 йил бошидан эътиборан хориждан имомлар олиб келишни тўхтатишга қарор қилди</b></p>		
<p>Франция ташқаридан имом-хатиблар олиб келинишини жорий йил бошидан эътиборан тўхтатди. Бу ҳақда жума куни ички ишлар вазири Жеральд Дарманен айни мавзуга алоқадор давлатларга шу ҳақда хабар юборган. «Франс-Пресс» агентлигига маълум бўлган ўзининг хабарига изоҳ сифатида вазир қўйидагиларни маълум қилди: «2024 йилдан бошлаб, бошқа давлатлардан юбориладиган ажнабий имомлар энди имомлар сифатида Францияда яшашни давом эттира олмайдилар». Бу қарор 2024 йил 1 январдан расман кучга киради. Ҳозирда Франциядаги мавжуд ажнабий имомларга келсак, уларнинг мақомлари ўзгартирилади. 1 апрелдан эътиборан «маҳсус доира» тузилиб, масжидларни бошқарувчи жамиятларга имомларни ўzlари ишга олишлари ва маошларини бевосита беришлари учун рухсат берилади. Мақсад ажнабий имомларни Францияда мавъиза қилишдан тақиқлаш эмас, балки уларнинг хорижий давлатдан ҳукумат мулозими сифатида маош олмасликларини таъминлашdir. Яна бир жиҳатдан, бу қарор «Рамазон имомлари»га тааллуқли эмас. Улар 300 нафар бўлиб, рўза ойида Францияга ташриф буюрадилар. Шу билан бирга, вазир «Францияда ҳеч бўлмагандан қисман ўқитилган» имомларни «кўпайтириш» зарурлигини таъкидлади. Бу эса, давлат томонидан «Франция Республикаси қонунлари ва тамойилларини ҳурмат қилишни</p>		

таъминлайдиган» ўқув дастурларини яратишни талаб қиласди. 2020 йил феврал ойида Макрон Франциядаги Исломга бўлган «хорижий таъсирлар»га қарши бир қатор чора-тадбирлар қўриш орқали, унинг ўзи «исломий сепаратизм» деб атаган нарсага қарши курашиб ниятида эканини маълум қилган эди.

**Ал-Ваъй:** Ғарб курашаётган сиёсий Ислом уларнинг энг катта ташвиши бўлиб қолаверади. Чунки динимизни у ёки бу давлат қонунлари чеклай олмайди... Бас, арслонлар чиқадиган, ҳақ тонгги отадиган вақт аллақачон келди. □

## РАМАЗОН – КАТТА САРЛАВҲАЛАР ВА БҮЮК ТУШУНЧАЛАР ОЙИ

Мұхаммад Саид Абұд

Аллоҳ Субҳанаңыз ва Таоло муборак рамазон ойини бир қанча фазилат ва хүсусиятлар билан хослади:

Масалан у рўза ойи бўлиб, рўза Ислом устунларидан тўртингисидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди» [Бақара 183]

Икки сахих тўпламда Ибн Умар رضдан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسالہ وعلیہ السلام айтадилар:

«بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الرِّزْكَةِ، وَحُجَّ الْبَيْتِ، وَصَوْمُ رَمَضَانَ»

«Ислом беш асосга қурилган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Мұхаммад Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни адo этиш, закот бериш, Аллоҳнинг байтига бориб ҳаж зиёратини адo этиш ва Рамазон рўзасини тутиш». Муттафақун алайҳ.

У қиёмуллайл ойидир: Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسالہ وعلیہ السلام айтадилар:

«مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْسَابًا غُفرَ لَهُ مَا تَقدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Ким Рамазонда иймондан келиб чиқиб ва савоб умидида қоим бўлса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади». Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра ҳадисидан ривоят қилишган.

У Қуръон ойи: Чунки Қуръон ўша ойда нозил бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْءَانُ هُدًى لِّلْكَافِرِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ﴾

«(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилини ажратгувчи)нинг очиқ ояtlари бўлиб Қуръон нозил қилинган». Унда минг ойдан кўра яхшироқ қадр кечаси бор. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِلَهُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴾ تَنَزَّلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مَنْ كُلِّ أَمْرٍ ﴾  
سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعَ الْفَجْرِ﴾

«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча)да фаришталар ва Руҳ (яъни Жаброил алайҳис-салом) Парвардигорларининг изни-ихтиёри ила (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга тушурлар. У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонликтар»

[Қадр 3-5]

Бу ойда дуолар қабул бўлади. Зоро, Аллоҳ Таоло рўза ояти орасида дуо ояти ҳақида айтган:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِّي قَرِيبٌ أَحِبُّ دَعْوَةُ الَّذِي أَعْذَانِ فَلَيُسْتَحِجُّوْا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

«Бандаларим Сиздан (эй Мухаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиласман. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар» [Бақара 186]

Бу ой зикр қилиш, Қуръон ўқиш ва ўрганиш, садақа бериш ва яхши амаллар қилиш ойидир. Икки саҳиҳ тўпламда Ибн Аббос (رض)дан шундай ривоят қилинган:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ أَجْوَدُ النَّاسِ، وَكَانَ أَجْوَدُ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ حِرْبُيَّلُ، وَكَانَ يَلْقَاهُ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ مِّنْ رَمَضَانَ فَيُدَارِسُهُ الْقُرْآنَ، فَلَرَسُولُ اللَّهِ أَجْوَدُ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّحْمَةِ الْمُرْسَلَةِ»

«Росулуллоҳ (صلی الله علیه و آله و سلم) одамларнинг энг саховатлиси бўлиб, Рамазон ойида, Жаброил алайҳис салом У зот билан учрашгандарида яна ҳам саховатли бўлиб кетар эдилар. Жаброил алайҳис салом Рамазоннинг ҳар бир кечасида У зот билан учрашиб, Қуръондан дарс берар эди. Росулуллоҳ (صلی الله علیه و آله و سلم) Аллоҳ (ёмғир ва раҳмат билан) юборадиган шамолдан ҳам кўра саховатлироқ бўлиб кетардилар».

У тавба ва мағфират ойидир: Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ (صلی الله علیه و آله و سلم) айтадилар:

«الصلوات الخمس والجمعة إلى رمضان إلى رمضان مكفرات ما بينهن إدا اجتنب  
الكبار»

«Агар гуноҳи кабиралардан сақланилса, беш вақт намоз (намозлар ўртасида содир этилган гуноҳи сафираларга) каффоратдир. Жумъа намози кейинги жумъагача ва Рамазон кейинги Рамазонгача (гуноҳи сафираларга) каффоратдир».

**У жиҳод, фатҳ ва ғалабалар ойидир:** Бу ойда Аллоҳ Таоло катта Бадр жангида мусулмонларга нусрат берди. Унда энг катта фатҳ, яъни харам шаҳри бўлмиш Макка фатҳи бўлди. Бу ойда мусулмонлар Исломнинг форслар билан бўлган энг катта жангда, яъни Қодисия жангида ғалаба қозондилар. Унда мусулмонлар Испанияни фатҳ қилдилар, унда яна Ҳиттин ва Айни Жолут жанглари ва бошқа кўплаб фатҳ ва ғалабалар бўлди. Бу ой Исломни ёйиш ва жиҳод йўли билан даъватни тарқатиш учун ер юзида Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ойидир. Демак, у шаръий йўл билан Аллоҳга даъват қилиш ойидир.

**Бу ойда иймон мұхити кучаяди,** Ислом тушунчалари намоён бўлади ва қалблар ҳақ даъватини қабул қилиш учун тайёр туради. Демак, у даъват ойи ва Аллоҳга даъват қилиш учун фурсатдир.

Даъватда эътибор берилиши лозим бўлган энг мұхим нарсалардан бири исломий бирлик тушунчаси бўлиб, у орқали ҳилол кўринганини исботлашга ва рўза бирлигини тасдиқлашга илҳомлантирилади. Бу эса исломий юртларда бирлик мұхитини ёяди. Шундай қилиб, зааркунанда режимлар томонидан ҳилолни кўриш ҳар бир юртнинг ўзига хослиги тўғрисида тўқиб чиқарилган гап-сўзларга ҳамда ҳилолнинг чиқиш вақти ва жойи ҳар-хил бўлиши тўғрисидаги даъволарга қарамай мусулмонлар онгидан Сайкс-Пико чегаралари ўчади.

Ҳилол кўринганини исботлаш борасидаги бирлик ва рўза ибодатини бир хил вақтда адо этиш тушунчаси даъватчиларга буюк вазифани ёдга солади. Яъни мусулмонлар ушбу шаръий ҳукмни баён қилишлари ҳамда ушбу шаръий ҳукм Ислом Умматини Ислом тушунчалари ва фикрлари орқали фикрий ва ҳиссий томондан бирлаштириш учун ҳаракат қилиш вожиблигига далолат қилишини кўрсатиб ўтишлари лозим. Шунингдек, бу Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ هَذِهِ أُمَّةٌ مُّجَدَّدَةٌ وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونَ﴾

«(Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз-динингиз ҳақиқатда бир диндир (яъни Исломдир). Мен эса (барчаларингизнинг) Парвардигорингиздирман» [Анбиё 92] деб айтган оятини рўёбга чиқариш учун Исломнинг аҳком ва тузумларини татбиқ этиш ҳамда пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликнинг ягона имомига байъат бериш орқали Умматни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш учун ҳаракат қилиш вожиблигига ҳам далолат қилади.

Рўзанинг барча жойда бир пайтда тутилиши мұхим аҳкомлардан бўлиб, бу Уммат бирлигини кучайтиради. Чунки Аллоҳ Таоло бу Умматга Парвардигори томонидан илм ва ҳужжат ҳамда ишончли пайғамбар бўлмиш Мұхаммад ﷺнинг ҳидояти келганидан кейин Ўзининг арқони (Қуръон)ни маҳкам ушлашни ва бўлинмасликни Қуръони Каримда фарз қилган. Зоро, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَإِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَالَّفَاظُ  
بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَاصْبَحُوهُمْ إِخْرَانًا وَكُنْتُمْ عَلَى شَفَاعَةِ حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَاقْتَدَكُمْ مِّنْهَا  
كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهَتَّدُونَ ﴿٤٦﴾ وَلَئِنْ كُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ  
وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَرَيْهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٤٧﴾ وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ  
تَفَرَّقُوا وَأَخْتَلُفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأَوْلَئِكَ لَهُمْ عَدَابٌ عَظِيمٌ﴾

«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинманигиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қиласди. Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиласиган, ибодат-иттоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлинниб кетган ва бир-биrlари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган

**кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундаилар учун улуф азоб бордир»** [Оли Имрон 103-105]

Абу Саид Худрий ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ ушбу бирликни шундай таъкидлайди:

«إِذَا بُويعَ خَلِيفَتِينِ فَاقْشُوا الْأَخْرَى مِنْهُمَا»

**«Агар икки халифага байъат қилинса, иккинчисини ўлдиринглар».**

Арфажа ривоят қиласи: Мен Росууллоҳ ﷺ нинг шундай деб айтганларини эшитганман:

«إِنَّ اللَّهَ سَتَّكُونُ هَنَاتُ وَهَنَاتٌ، فَمَنْ أَرَادَ أَنْ يُفَرِّقَ أَمْرَ هَذِهِ الْأَمَّةِ وَهِيَ جَمِيعٌ فَاضْرِبُوهُ بِالسَّيْفِ كَائِنًا مَنْ كَانَ»

«Яқинда кетма-кет фитналар бўлади. Кимки бу Уммат бирлашиб турган пайтда унинг ишини бўлмоқчи бўлса, ким бўлишидан қатъий назар уни ўлдиринглар». Муслим ривояти.

Арфажа ибн Асъад رض айтади: Мен Росууллоҳ ﷺ ни шундай деб айтганларини эшитганман:

«مَنْ أَنَّا كُمْ وَأَمْرَكُمْ جَمِيعٌ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ يُرِيدُ أَنْ يَشْقَ عَصَمَكُمْ أَوْ يُفَرِّقَ جَمَاعَتَكُمْ فَاقْتُلُوهُ»

«Битта кишининг бошқаруви остида турган пайтингизда ким бирлигингизни бузмоқчи ёки жамоатингизни бўлмоқчи бўлса, уни ўлдиринглар».

Ушбу Қуръон оялари ва Пайғамбар ﷺ нинг ҳадислари Уммат бирлиги уни сақлаш йўлида қон тўклиладиган ва жонлар фидо қилинадиган тақдирний масала эканини таъкидлайди. Ушбу сарлавҳалар ва улар ўз ичига олган тушунчалар орқали исломий ақида робитаси тушунчалиси ва ундан балқиб чиқадиган фикрлар мустаҳкамланиши лозим. Шунингдек, миллатчилик, ватанпарварлик, маҳаллийлик, дуализм, ирқчилик ва бундан бошқа таклифлар улоқтирилиши лозим. Чунки Ислом душманлари бундай тушунчаларни ривожлантириш орқали мусулмонлар бирлигини бўлишни ва сафларини парчалашни ҳамда уларни бирлаштирадиган фикр ва аҳкомларни бузишни хоҳлашмоқда. Шунинг учун даъват юкини кўтарганлар мусулмонларга Халифалик давлатидаги бирликларини эслатиши лозим. Чунки Халифалик давлатида халқлар минтақаси, тили, урф одати, ранги ва насаби ҳар хил бўлишига қарамай, битта қолипда шаклланди. Шунингдек, унда

синфийлик ва ижтимоий бўлинишлар йўқолди. Натижада халқлар бундан олдин ҳам, кейин ҳам тенги бўлмаган бемисл даражада оёққа турди. Бу эса пайғамбаримиз  нинг Нўъмон ибн Башир ривоят қилган ва Муслим чиқарган қўйидаги ҳадисини тасдиқлади:

«مَثُلُ الْمُؤْمِنِ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ اجْسَدٍ إِذَا أَشْتَكَى مِنْهُ عُضُوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجُسُدِ بِالسَّهْرِ وَالْحُمْمَى»

**«Мўминлар ўзаро муҳаббат, раҳмдиллик ва ҳамдардликда битта жасадга ўхшайди. Унинг битта аъзоси шикастланса, бошқа жойларида ҳам иситма ва бедорликни пайдо қиласди».**

Шунинг учун одамлар Рамазонда ўзлари ўрганиб қолган дарс ва мавъизалардан иборат бир қолипли ҳолатларни ўзгартириш керак. Чунки режимлар бундай ҳолатни Уммат сақофатида бирлашиш, давлат тиклаш ва Роббисининг шариатини ҳукмрон қилиш сари ўзгариш рўй бермаслиги учун жорий қилишган.

Уммат бирлик тушунчаларини ва улар пайдо қиласиган тиниқ фикрларни ёйиш учун даъватга муҳтож. Шунингдек, ўюшган фаолиятга, тарғибот ишларига ва Уммат калимасини бирлаштирадиган давлатни барпо қилиш учун даъватчиларнинг қўллаб-қувватловига муҳтож. Токи, Аллоҳнинг калимаси олий бўлсин.

Умматни азизлик сари ва динни мустаҳкамлаш йўлида фаолият қилиш сари ундейдиган сарлавҳалар Рамазон ойида кўриниб туриши ва тарғибот ишларининг асосий мавзусига айланиши лозим. Зоро, Уммат Рамазонда чараклайдиган иймоний муҳитда Ислом тушунчалари ва иймон фикрларини қабул қилиш ва тинглашга кўпроқ тайёр бўлади. Чунки у сабр ва нусрат ойи ҳамда жиҳод ва фатҳлар ойидир.

Бу сарлавҳалар ҳақида гапириш Умматда куч-қувват ва ҳаққа даъват қилиш руҳини уйғотади. Токи, Уммат Аллоҳ Азза ва Жалладан мусулмонларнинг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо қилиш орқали Ислом динини ғолиб қилишини ва нусратга бўлган ҳаракатларини рўёбга чиқаришини сўраган ҳолда динга нусрат бериш ва Ислом ҳокимиятини барпо этиш мақсадига етсинг. Албатта Аллоҳ эшитгувчи, бандаларига яқин ва дуоларни ижобат қилгувчи зотдир. Валҳамду лиллаҳи Роббил аламин.

Биз Уммат бошдан кечираётган бало-офатлар ичида миз. Бундай бало-офатларнинг охиригиси яхудийларнинг яхудийларнинг ғазодаги жинояти бўлди. Фожиалари ҳануз давом этаётган мусулмон юртларидағи барча мусулмонлар бу бало-офатларни қарши олдилар. Ҳукмдорлар эса Аллоҳнинг душманларини қўллаб-қувватлаб мусулмонларни коғир Ғарб томонидан тортилган сохта чегараларини бузиб ташлашига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, қўшинларни чегараларни бузиб кириб, яхудийлар билан жанг қилишдан тўсмоқда ва мусулмонларни ўлдириш учун Америка ва яхудийлар билан тил бириктирмоқда. Мана масалан Эрдоган яхудийларга озиқ-овқат билан ёрдам бериб, аввалдан тузилган келишувлар бор деб баҳона қилмоқда (гёё ғазодан олдин келишув тузиш жоиздек). Айни пайтда ғазо аҳлини ҳеч нарсага фойда бермайдиган, қуруқ баёнотлар билан қўлламоқда. Ибн Салмон эса Ҳижоз заминидаги шармандали байрамларини ҳам бекор қилишга рози бўлмади. Балки у яхудийлар билан нормаллашув ҳолатини пайдо қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини давом эттириш учун ғазо қирғинини тугашини кутмоқда. Ибн Зойид яхудийлар билан уларнинг мустақиллик байрамини нишонлаб, уларнинг туғён қилишларига ёрдам бермоқда. Эрон ҳукмдори эса, ғазо аҳлини ўлиши ва эзилишига ташлаб, биз Нетаняхунинг урушни кенгайтириш борасидаги мақсадини амалга оширишга йўл қўймаслигимиз керак. Чунки Нетаняхунинг позицияси Америка позицияси эканлиги Умматга очик бўлиши керак деб ўзининг «бетакрор заковати» билан мақтанмоқда. Миср ҳукмдори эса, ўзидан олдингиларда кузатилмаган позицияни ушлаб, ғазо аҳлини озиқ-овқатдан тўсмоқда, ҳолбуки, ўртада девордан бошқа нарса йўқ. Шунингдек, Миср ҳукмдори азбаройи ўз режимига бирор хавф туғилмаслиги ва яхудийлар билан тузган келишувлардан бирортаси бузилмаслиги учун ўзининг разведка ва хавфсизлик хизматини ҳарбийларга ва одамларга қарши сафарбар қиляпти Шундай қилиб, биз ҳар бир ҳукмдорнинг Уммат билан ўз машъум тарихи борлигини кўрамиз...

Ғарб ва бу ҳукмдорлар одамларнинг ғазони қўллаб-қувватлаш учун Рамазонда ҳаракатга келишидан қўрқишиади. Шунинг учун улар Рамазонда сулҳ тузишни таклиф қилмоқдалар, шунда жанглар кейин қайта бошланади.

Уларнинг қўрқиши ўринлими? Ваҳоланки, бундай вазиятда сарой муллалари «биз дуодан бошқа ҳеч нарса қила олмаймиз» деб кўп такрорлаётган бўлсалар. Бунинг жавоби шуки, биз дуодан кўпроғига қодирмиз. Ҳа, биз даъват қилишга, ҳимматларни уйғотишга, миллионлаб одамларни кўчаларга чиқиб, намойиш қилишга ундай оламиз. Шунингдек, ҳокимларни қўшинларни сафарбар этишга, чегараларни очишига ва яҳудийларнинг уйларига ҳужум қилишга чақирадиган намойишларни уюштиришга сафарбар эта оламиз... Биз қўшинларни анави ҳокимларни ўзгартириш ва ҳокимларнинг хоҳишини эмас балки Аллоҳнинг хоҳишини амалга ошириш ҳақида фикрлашга чақира оламиз. Биз Умматни Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритиш борасидаги ўз ролларини бажарадиган қила оламиз.

Бугунда содир бўлаётган ҳодисалар қаршисида маъруфга бўюриб, мункардан қайтариш амали энг буюк итоатdir. Аллоҳ Таоло рўза тутиш амалини фазилат ва яхшиликлар билан хослаб, уларга беражак савобни икки баробарга кўпайтириди. Шу билан бирга, рўза мусулмонни ўзини гуноҳкор ҳис эттириб, агар юқоридаги амалларни қилмаса, гуноҳи икки баробар кўпайишини ҳис қилдиради... Албатта биз ушбу рамазонни ҳақиқий фурсат деб билишимиз керак. Чунки ғазонинг жароҳати жуда улкан. Шундай бўлгач, биз у ердан келаётган «ёрдам беринг» иборасини ҳукмдорлар тахтларни ларзага соладиган ва инсонлар ҳақ-ҳуқуқини тикладиган сўзга айлантирайлик. Ушбу Рамазонга «Буюк сарлавҳалар ва буюк тушунчалар ойи» сарлавҳасини қўйган эканмиз, буни сўзда ҳам, амалда ҳам кўрсатайлик. Биз нима қилишимиз кераклигини ёзиб қўяйлик, токи биздан кейингилар биз қилган ишларни қайд қилсинлар. □

## **ИСЛОМИЙ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ДАВРИДАГИ ИЛМИЙ ВА ФИКРИЙ ҲАЁТГА НАЗАР**

**Муовия Абдулваҳҳоб**

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿عَلَّٰٰ كِتَبُ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلْمَةِ إِلَى الْنُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ إِلَى صِرَاطِ الْعَرِيزِ الْحَمِيدِ﴾

**«Алиф, Лом, Ро.** (Эй Мұхаммад, бу Қуръон) **Биз сизга, одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга – құдрат ва ҳамду сано эгаси бўлган зотнинг йўлига – олиб чиқишингиз учун нозил қилган Китобдир»**

[Иброҳим 1]

Умматни зулматлардан нурга чиқарган Зотга мақтоворлар бўлсинки, У зот Халифалик давлати даъватчилари ва аскарлари қўли билан ер юзининг шарқи-ю ғарбига ҳидоятни ёйди. Ҳатто мусулмон юртлар Хитой деворларидан Пиреней тоғларигача тарқалган фикр, ҳазорат, нур ва ҳидоят манбаига айланди. Мусулмонларнинг умумий тарихи ҳақида тафаккур қилган киши ушбу порлоқ ҳақиқатдан ҳайратга тушади. Шундай экан, Халифалик давлатида, Умматнинг Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритадиган давлати бор бўлган даврда фикрий ва турли фанлар соҳасидаги илмий ҳаёт қандай бўлганини билиш учун, келинг, мусулмонларнинг ўша даврдаги фикрий ҳаётини қисман кўриб чиқамиш:

- Амирлар уламоларни ҳукумат тахтига кўтарар эдилар!**

Халифалик давлати уламоларнинг мавқеини кўтариб, уларни ҳурмат қилас, ўз илмларини халқ орасида ёйишлари ва унга тарғиб қилишлари учун йўл очиб берар эди. Уларга шу дараражада ҳурмат кўрсатилар эдики, ҳатто амирлар кўплаб уламоларга амирлик тахти ёнидан жой берарди.

Мана, улуғ тобеин олим Абу Олия Рофеъ ибн Мехрон Риёҳий: У Риёҳ ибн Ярбуъ авлодидан бўлган бир аёлнинг қули эди. У озод қилинган қул бўлсада, Ибн Аббос Басра волийси бўлиб турган пайтида уни амирлик тахти ёнига кўтарди. Айни пайтда қурайшликлар тахтдан пастда эди. Шунинг учун улар унга кўз-қарашма қилдилар. Ибн Аббос айтади: Шундай қилиб илм шарафлини янада шарафли қиласди ва қулни тахтга

кўтаради... Ином Заҳабийнинг Сияр Аълом Нубало китоби, 7-жилд, 232-саҳифа.

Фақиҳ олим Абдурраҳмон ибн Асийла Муродий эса, халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг ёнида тахтда бирга ўтиреди... Заҳабийнинг Сияр Аълом Нубало китоби, 6-жил, 5-саҳифа.

Ато ибн Рабоҳ Макка аҳлидан бўлган аёлнинг қора қули бўлиб, унинг бурни қўнғизга ўхшар эди. Бир куни у халифа Абдулмаликнинг ҳузурига кирган эди, Абдулмалик тахтда ўтирас ва атрофида ҳурматли кишилар бор эди. Абдулмалик уни кўриши билан ўрнидан туриб унга салом берди ва ёнига ўтқазди... Сияр Аълом Нубало китоби 9-жилд, 92-саҳифа.

Абдуллоҳ Абу Закариё Абу Яҳё Хузоий билан Умар ибн Абдулазиз тахтда бирга ўтирас эди... Сияр Аълом Нубало китоби, 9-жилд, 342-саҳифа.

Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар Мадинадаги илм ва фиқҳ уламоларидан эди. Бир куни у эгнида қўпол ва эски кийим билан халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг ҳузурига кирди. Сулаймон эса уни эҳтиром билан юқорига етаклаб, ўзи билан бирга тахтига ўтқазди. Бу мажлисада Умар ибн Абдулазиз ҳам бор эди. Шунда ўтирганлар ичидан бир киши деди: Тоғанг бундан кўра яхшироқ дабдабали кийимни кийиб ҳам амирулмўминин ҳузурига кира олмас эди?! Умар унга деди: «Тоғамнинг эгнидаги кийим уни сенинг мавқейинга кўтариб қўйган экан, мен бундайини кўрмадим. Сенинг бу кийиминг эса, сени тоғамнинг мавқейига кўтарганини кўрмадим». Сияр Аълом Нубало китоби, 4-жилд, 461-саҳифа.

**• Волий ва амирларнинг уламолар олдида туриши:**

Халифалик давлатидаги илмнинг шаъни шу даражага етдики, халифа ва волийлар нафақат уламоларни ўзлари билан бирга ўтиришлари учун тахтга кўтарар эдилар, балки улар уламолар олдида бошқа толиби илмлар каби ўтиришар эди.

Мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмалик икки ўғли билан Ато ибн Рабоҳнинг ҳузурига келиб ўтиреди. Ато намоз ўқиётган эди, намозини ўқиб бўлгач, уларга юзланди. Улар Атодан ҳажнинг амаллари ҳақида тинмай сўрайвергач, у уларга орқа ўғирди. Улар Атонинг ҳузуридан қайтишгач, Сулаймон ўғилларига «Эй ўғилларим, илм талаб қилишдан тортинманг. Мен бу қора қулнинг ҳузурида хорланганимизни ҳеч қачон

унутмайман», деди. «Хавфсиз юрт тарихидаги қимматбаҳо маржон» китоби, 5-жилд, 208-саҳифа.

Халифа Ҳорунар Рошид ҳаж қилиб бўлгач, Молик ибн Анас билан бирга уйигача юриб борди. Халифа ундан «Муватто»ни эшитгач, уни ўриндиқقا ўтқазди. Рошид Моликка Муваттони ўқиб беришни хоҳлаб шундай деди: Одамларни чиқариб юборинг, мен сизга уни ўқиб бераман. Шунда имом Молик деди: Агар илм хос одам учун оммадан яширилса, Аллоҳ у билан хос одамни ҳам фойдалантирмайди. Ҳорун унга деди: Мен сиздан осон бир нарса ҳақида сўрадим, сиз ундан бош тортдингиз, хўш, Ироқ аҳлига бу хабар етиб борса нима бўлади? Шунда Молик бундай деди: Эй Мўминлар амири, Аллоҳ сизни мана шу ўринга ўтқазиб қўйган экан, бас, илмни зое кетказувларнинг биринчиси бўлиб қолмангки, Аллоҳ ҳам сизни зое кетказиб қўймасин. Аммо мен сизнинг насаб ва мансабингиздан бўлмаган одамнинг бу илмни ҳурматлаб, эъзозлаганини кўрдим, ҳолбуки, илмни улуғлашга энг лойик инсон сизсиз... (Самтун нужам аволий фи анбо авоили ваттаволи китоби 2-жилд, 204-саҳифа). Шунда у Муин ибн Исога уни ўқиб беришини буюрди. У ўқишини бошлагач, Молик ибн Анас Ҳорунар Рошидга деди: «Эй мўминлар амири, мен билдимки, юртимиздаги илм эгалари илмга интилишда камтар бўлишни яхши кўрадилар». Шунда Ҳорунар Рошид минбардан тушиб, унинг олдига ўтирди... Дамашқ тарихи 36-жилд, 312-саҳифа.

Халифалик давлатида илм мақоми шу даражага етдики, Халифанинг фарзандлари устозига ким сандалини олиб келиши ҳақида тортишиб қоли什ди!

Халифа Маъмун Фаррого ўзининг икки ўғлига наҳвдан дарс беришини тайинлади. Бир куни Фарро бир эҳтиёжи учун турмоқчи бўлганида устозининг сандалини ким олиб келиш ҳақида тортишиб қоли什ди. Кейин ҳар иккиси биттадан сандални олиб келишга келишиб, уни олиб келишди. Фарро Маъмуннинг ҳузурига киргач, Маъмун ундан: Энг қадрдан одам ким, деб сўради. Шунда у: Амирул мўмининдан бошқа қадрдонроқ кишини билмайман, деди. У эса «Ҳа тўғри, лекин бир киши ўз эҳтиёжи учун турса-ю, мусулмонларнинг икки шаҳзодаси унинг сандалини олиб келиш борасида бир-бири билан уришса ва ҳар иккиси уни рози қилиш учун биттадан

сандалинин олиб келишга келишсалар, у қандай одам? Ахир ўша одам қадрлироқ эмасми? деди. Шунда Фарро «Эй мўминлар амири мен уларни тўсмоқчи бўлдим, лекин уларни ўзлари эришган шарафдан узоқлаштиришдан ва ўзлари қизиқаётган қадр қиммат борасида қалбларини жароҳатлаб қўйишдан қўрқдим». Назҳа алиббоъ китоби, 44-саҳифа.

### • Китоб ва кутубхоналар

Ҳозир исломий давлатнинг бешинчи ҳижрий асрдаги адабий жиҳатидан мисол келтирамиз. Шунда Исломий давлатнинг Қуръон, Суннат, фиқҳ, араб тили ва бошқа исломий илмларга нисбатан тутган ўрни қандай бўлганлигини билиб оласиз.

Аллома Акбарий айтади: Мен беш дирҳамга қоғоз сотиб олиб, унга Мутанаббийнинг деъвонини уч кеча ёзиб, уни икки юз дирҳамга ва энг ками бир юз эллик дирҳамга сотар эдим. Бошқача айтганда бу беш юз грамм кумушга teng эди. Демак, Мутанаббийнинг деъвони тахминан 250 доллар турган.

Биродарим, сиз Мутанаббийнинг девони (шеърий тўплами)нинг баҳоси ва одамлар уни қандай сотиб олганидан ажабланишингиз мумкин. Лекин бу масаланинг бошқа жиҳати бор, у ҳам бўлса, мусулмонлар ҳаётида мавжуд бўлган фикрий ва сақофий ҳаракатdir. Шунингдек, ўша пайтдаги мусулмонларнинг китоб олиш йўлида пулларини қандай сарфлаганидир.

Исломий Умматнинг ўтмишдаги сақофий ҳаётига яна бир мисол: «Китобу сулук лимаърифати дувалил мулук» китоби муаллифи шундай эслайди: Бир қозининг шахсий кутубхонасида олтмиш саккиз минг жилд китоби бор эди. У китобларни бошқа жойга кўчирмоқчи бўлганида, уларни учта партияда кўчиришга мажбур бўлди. Ҳар бир партияда китоб олиб юрган туялар сони эллик тўққиз тия бўлган. Бошқача айтганда, китоб олиб юрган туяларнинг умумий сони бир юз етмиш етти туядан иборат бўлган!! Савол туғилади, ундаги китобларнинг умумий сони нечта бўлган?! Бу хусусий кутубхонадаги китоблар сонидир. Энди Бағдод, Дамашқ, Қуртуба ва бошқа исломий марказлардаги умумий кутубхоналар сони ҳақида нима деган бўлар эдингиз?!

Аллома Ҳожий халифа (роҳимаҳуллоҳ)нинг «Кашфуз зунун» китоби бор. Китобларни танитувчи ушбу энциклопедияда турли илм-фанга оид ўн олти мингта китоб зикр қилинган. Масалан,

тафсир, суннат, ҳадис шарҳлари, фиқҳ китоблари, адабиёт, балоғат, тарих ва бошқа илмлар каби. Ким бу китобга кўз юргутирадиган бўлса, шунга гувоҳ бўладики, муаллиф бу китобларнинг барчасини ўзи кўриб чиқсан бўлса керак. Чунки у сарлавҳалар, китобни бошланиши ва ниҳоясини эслайди ҳамда муаллифлари ҳаётидан баъзи маълумотларни келтиради. Шунингдек, китобнинг мазмунини қайд қиласди ва баъзида унинг асосий бобларини ҳам айтади.

Китобларнинг сони бунчалик улкан бўлишига қарамай (ўн олти мингта) уламоларнинг «Сияри аъломун Нубало, «Вафийётул аълом», «Шазаротуз заҳаб» ва «Наҳв уламолари тарихи» каби таржималарини ва «Бидоя ва ниҳоя», «Комил», «Нафхут тойийиб», «Кутубут табақот» каби баъзи уламоларнинг исмлари зикр қилинган китобларни ўқиса, «Кашфуз зунун» китобида зикр қилинган нарса аксарияти йўқолган исломий китоблар денгизидаги бир томчигина эканлигини тушунади. Биографияларда уларни таржима қилган алломалар, ёзувчилар, фақиҳлар ва муфассирлар томонидан ёзилган китобларнинг номлари тилга олинган. Ҳожи Халифа ўзининг «Кашфуз зунун» китобида бу китобларнинг номларини келтирмаган.

Маълумки, мӯғуллар Бағдод кутубхонасини вайрон қилиб, исломий оламдаги барча шахсий ва оммавий кутубхоналарга ўт қўйишган ва кўплаб китоблар йўқ қилинган.

Ҳожи Халифа ўзининг мазкур китобини ўн еттинчи милодий асрда ёзган. Бунинг маъноси шуни англатадики, унинг китобида қайд қилинган китоблар ўн еттинчи аср, яъни бундан уч аср олдин мавжуд бўлган.

Агар мӯғуллар исломий Умматнинг мұхим китобларидаги фикрий бойлигини ёқиб, йўқ қилган бўлса, Ғарбнинг жинояти мӯғулларнидан ҳам ошиб тушди. Чунки Ғарб мусулмонлар кутубхоналаридан китобларни ўғирлаб, уларни ўз музейларига олиб кетди. Ғарб олимлари, хусусан уйғониш давридаги олимлари кўплаб исломий илмларни ўғирлаб, ўзларига нисбат беришди. Сўнгра Ғарбнинг бундан ҳам катта жинояти исломий фикрга қарши бўлди. Яъни у ўз эътиборини мусулмонлар онгидаги исломий ҳазорат тушунчаларини бузишга қаратди. Натижада Исломий Умматнинг аксарият фарзандлари

Умматнинг фикрий ва сақоғий меросини ёмон кўрадиган, унга қарши курашадиган ва унга тош отадиган бўлиб қолди.

• **Масжидлар барча фанлар учун университет ва коллежлардир:**

Ким Халифалик давлатидаги мусулмонлар тарихини ўқиса, у масжидлар турли фанлар учун коллеж бўлиб хизмат қилганини кўради. Чунки масжидларда уламолар шариат, араб тили ва дунёвий фанлар каби турли илмлар борасида ҳалқалар ташкил этишган. Дамашқдаги Умавийлар масжида бугунги «Google»га ўхшарди.

Ибн Касир ўзининг «Бидоя ва ниҳоя» китоби, 12-жилди, 120-саҳифасида бундан саккиз юз йил олдин Умавийлар жомеасини шундай сифатлайди:

«Унинг деворлари зарҳал ва ранг-баранг бўлиб, унда дунё ҳаритаси чизилган ва дунёнинг барча мамлакатлари тасвиrlenган эди. Зеро, бирор минтақа ёки мамлакатни томоша қилишни хоҳлаган киши уни масжидда ташқи кўринишида тасвиrlenган ҳолда топар эди. Натижада у ерга саёҳат қилмай қўяверар ва уни излаш билан овора бўлмасди. Каъба ва Макканинг сурати эса меҳробнинг устида бўлиб, унинг шарқи-ю ғарби тасвиrlenган эди. Ҳар бир минтақа ўзига лойиқ маконда тасвиrlenган бўлиб, унда минтақадаги мевали ва мевасиз дарахтлар кўрсатилган эди. Шунингдек, ҳар минтақанинг юрт ва ватанлари тасвиrlenган эди»... Иқтиbos тугади.

Хурматли биродар, мусулмон ўша даврда, яъни Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритадиган давлати бор бўлган даврда ихтиро қилган нарсаларига қаранг. Хўш, бугунги асрда, технология асрида, иккинчи Халифалик давлати тикланганида мусулмонлар қандай янгилик киритишлари керак? Албатта улар замонавий технологиядан фойдаланишади. Уммат фарзандлари орасидан турли фанларда мутахассислар етишиб чиқади ва замонавий цивилизацияни яна қайта тиклашади. Натижада исломий ҳазорат табиатига мос маданият пайдо бўлади.

Хотима сифатида айтамиз: Росулуллоҳ  шундай деганлар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَاحٌ، يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُتَّقَى بِهِ»

**«Имом қалқондир, үнинг ортида турраб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади».** Саҳиҳ Бухорий (3\1080). Халифа бўлса, бу Умматни ҳақиқат йўлидан оғишидан ҳимоя қилади. Абшимий «Мустатроф» китоби 1-жилд, 232-саҳифасида шундай дейди: «Одил султондан юқори мақом фақат юборилган пайғамбар ёки фариштада бўлади. Үнинг мисоли Аллоҳ ўз раҳмати қўли остидан хушхабар қилиб юборадиган шамолга ўхшайди. У билан булувларни йўналтиради, меваларни чанглантиради ва бандаларга жон киргизади». □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

АЛЛОҲ НОЗИЛ ҚИЛГАН АҲКОМЛАР БИЛАН ҲУКМ

ЮРИТИШНИНГ ДИНДАГИ ЎРНИ

(АЛЛОҲ НОЗИЛ ҚИЛГАН АҲКОМЛАР БИЛАН ҲУКМ ЮРИТИШ ВА  
УНДАН ҲУКМ СЎРАШ ИБОДАТДИР)

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُوْنِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَيَّتُمُوهَا أَنْتُمْ وَعَابَارُوكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ إِنْ أَحْكَمْ إِلَّا لِلَّهِ أَمْرٌ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الَّذِينَ الْقَيْمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сизлар эса, У зотни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар»

[Юсуф 40]

Ҳукм сўраш ва ҳукм юритиш ибодатдир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنْ أَحْكَمْ إِلَّا لِلَّهِ﴾

(Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир). Демак, ҳукм чиқариш фақат Аллоҳ Таолога тегишли бўлиб, ҳеч ким Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодан бошқасидан ҳукм сўраши жоиз эмас. Шунинг учун Аллоҳ Таоло мазкур оят ортидан:

﴿أَمْرٌ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ﴾

(У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир) дейди. Бу ҳукм чиқариш ибодат эканини англатади. Демак, ҳукм чиқариш фақат Аллоҳга хосланиши вожиб.

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَلَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ يَرْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءاَمَنُوا بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاكَمُوا إِلَى الظَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكُفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَنُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا﴾

بعيداً

«(Эй Мұхаммад), ўзларини сизга нозил қилингандар саға (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилингандар саларға иймон келтирган деб ҳисоблады диган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сүраб боришни истаётгандарини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздаришни истайди» [Нисо 60]

Тоғут умумий бўлиб, Аллоҳдан бошқа ибодат қилинаётган ва розилик сўралаётган маъбуд, эргашиладиган ва итоат қилинадиган нарсаларнинг барчаси тоғутдир. Чунки тоғут туғёндан олинган бўлиб, у ҳаддидан ошишдир. Демак, Росууллоҳ ﷺ олиб келмаган нарса билан ҳукм юритаётган ҳар қандай киши тоғут билан ҳукм юритаётган ва ундан ҳукм сўраётган бўлади. Шайх Саъдий ўзининг тафсирида қисқача бундай дейди: «Қуръон ва Суннатга мурожаат қилиш иймоннинг шартидир. Бу эса низоли масалаларда Қуръон ва Суннатга мурожаат қилмаган киши ҳақиқатда мўмин эмаслигига далолат қиласи. Балки оятда келганидек тоғутга ишонганди бўлади:

﴿أَلَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ يَرْعُمُونَ﴾

((Эй Мұхаммад, ўзларини сизга нозил қилингандар саға (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилингандар саларға иймон келтирган деб) ҳисоблады диган (айрим) кимсаларни кўрмадингизми?). Чунки иймон ҳар бир ишда Аллоҳнинг шариатига бўйсуниш ва уни ҳакам қилишни талаб қиласи. Кимки мўминман деб даъво қилиб, Аллоҳнинг ҳукми эмас, тоғутнинг ҳукмини танласа, ёлғончидир...».

— Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَنْخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهْبَنَتِهِمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ أُبْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ وَعَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир»** [Тавба 31] Адий ибн Хотамнинг Имом Аҳмад, Термизий ва бошқалар ривоят қилган, узундан узоқ ҳадисида келишича, Адий Росулуллоҳ ﷺ ҳузурига борса, у киши ушбу оятни ўқиётган экан. Адий айтади: «Мен у зотга биз уларга ибодат қилмас эдик десам, у зот «Улар Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром деса, сизлар ҳам ҳаром дер эдингизми? Улар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол деса сизлар ҳам ҳалол дер эдингизми?», дедилар. Шунда мен ҳа деб жавоб берган эдим, у киши «Мана шу уларга ибодат қилишингиздир», дедилар».

— Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَا وَرِبَّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بِيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوْ فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسْلِمُوا تَسْلِيمًا﴾

**«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз ривоят қилган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»** [Нисо 65] Ибн Касир ушбу оят тафсирида айтади: «Аллоҳ Таоло ўзининг азиз ва муқаддас зоти номига қасам ичиб, кимки барча ишларида Росулуллоҳ ﷺ ни ҳакам қилмаса мўмин бўлмайди, деяпти. У зотнинг ҳукми зоҳирда ҳам, ботинда ҳам итоат қилиниши лозим бўлган ҳақиқатдир».

Ибн Қоййим ушбу оят ҳақида бундай дейди: «Аллоҳ Таоло ўзининг муқаддас зоти номига нафи (инкор этувчи) Ү билан қасам ичиб, кимки асл ва фурӯъ ҳамда шариат ва қиёмат ҳукмлари борасида ўрталарида чиққан келишмовчиликларда Росулуллоҳ ﷺ ни ҳакам қилмагунicha мўмин бўлмаслигини айтапти. Нафақат ҳакам қилиш, балки Росулуллоҳ ﷺ ривоят қилган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмасаларгина ҳамда Росулуллоҳнинг ривоят қилган ҳукмига хурсанд бўлиб, уни тўла қабул қилсаларгина мўмин бўлишини айтапти. Шунингдек, Росулуллоҳ ﷺ ривоят қилган ҳукмга розилик, таслим

бүлиш, ихтилофсизлик, қаршиликсиз, әътироозсизлик қүшилмас әкан, мүминлиги исботланмаслигини айтапты».

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِن تَنْزَعُّتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُوْهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

**«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсаны Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»** [Нисо 59]

Албатта Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш ва келишмовчиликни икки ваҳий (Құръон ва Суннат)га қайтариш иймоннинг шартидир. Ибн Қоййим айтади: «Аллоҳ Таолонинг:

﴿فَإِن تَنْزَعُّتُمْ فِي شَيْءٍ﴾

**(Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз)** деган сүзи шарт оқимидағи накра бўлиб, у мўминлар ихтилоф қиладиган муҳим ва нозик, очиқ ёки яширин дин масалаларининг барчасини ўз ичига олади...». (Аъломул Муқин китоби, 1-жилд, 49-50-саҳифалар). Ибн Касир айтади: «Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати ҳукм қилган ва тўғри деб билган нарса ҳақиқатдир. Ҳақиқатдан кейин эса залолатдан бошқа нарса йўқ. Шунинг учун Аллоҳ Таоло:

﴿إِن كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

**(Агар Аллоҳ ва охиратга ишонсангиз),** демоқда. Бошқача айтганда, агар ораларингизда келишмовчилик бўлса, хусумат ва жаҳолатни Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига қайтаринг ва ўша иккисидан ҳукм сўранг. Бу эса ким келишмовчилик пайтида Құръон ва Суннатдан ҳукм сўрамаса ва уларга мурожаат қилмаса, Аллоҳ ва қиёмат кунига ишонмаслигига далилдир». (Ибн Касир тафсири, 3-жилд, 209-саҳифа).

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِن أَحْكَمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعُ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْدَدُهُمْ أَن يَقْتُلُوكُمْ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ فَإِن تَوَلُّوْ فَاعْلَمُ أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَن يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِن كَثِيرًا مِنَ الظَّالِمِينَ لَفَسِيْقُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), улар үртасида Аллоҳ нозил қилған нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилған ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (Сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар» [Моида 49]

Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарини аҳли китоблар орасида Аллоҳ нозил қилған нарса (Қуръон) билан ҳукм юритишга буюрди. Шунингдек, у зотни Аллоҳ нозил қилған нарсага (Қуръонга) тескари бўлгани учун уларнинг нафс-ҳаволарига эргашишдан қайтарди. Бундан ташқари, уларнинг фитна қилиши ҳамда Аллоҳ нозил қилған баъзи нарсалардан у зотни буриб қўйишларидан огоҳлантирди. Яна Аллоҳ Таоло улар ўзларига нозил қилинган ҳукмлардан юз ўгирсалар, уларга мусибат етказишни ва айрим гуноҳлари сабабли жазолашни хоҳлашини билдириди. Росулуллоҳ ﷺ бундан шу нарсани билдики, Аллоҳ ва Росулининг ҳукмидан нафс-ҳавога қараб юз ўгириш Аллоҳнинг мусибатлашига сабаб бўлади. □

## ЭЙ УЛАМОЛАР, ЖАҲАННАМ ДАРВОЗАСИ ОЛДИДАГИ ЧАҚИРУВЧИЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛМАНГ

Ислом Мұхаммадий

Анбиёю росуллар узилган ҳар бир даврда адашганларни ҳидоятга чақиравчи, улар томонидан бўладиган озорларга сабр қилувчи, Аллоҳнинг Китоби билан ўликларга жон бағишловчи ва Аллоҳнинг нури билан кўр кўзларни очувчи аҳли илмларни ривоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин... Улар шайтон томонидан ўлик ҳолга келтирилган қанча-қанча одамларга ҳаёт бағишладилар, қанчадан қанча адашганларни ҳидоятга бошладилар... Уларнинг одамларга таъсири нақадар яхши, одамларнинг уларга таъсири нақадар ёмон!... Улар Аллоҳнинг Китобидан ғулув кетувчиларнинг нотўғри талқинларини ва сафсатабозларнинг ёлғон даъволарини, шунингдек, бидъат байроғини тиккан ва фитнага эрк берган жоҳилларнинг таъвилларини йироқлаштирадилар.

Одамлар уламоларсиз жоҳиллар бўлиб, инсон ва жиндан бўлган шайтонлар уларни ҳар томондан ўғирлаб кетаверади. Уларга ҳар тарафдан залолат ва ҳавои нафс ҳужум қилади. Демак, уламолар Аллоҳ Таолонинг ер аҳли учун берган неъматларидандир. Улар зулматни ёритувчи чироқлар, ҳидоятга бошловчи имомлар ва Аллоҳнинг ердаги ҳужжатлариdir. Улар орқали залолатга бошловчи фикрлар учади, қалблардан шубҳа булултлари кўтарилади. Улар шайтонни ғазаблантиради. Шу сабабдан улар иймон устунлари ва Уммат қувватидирлар. Уларнинг ердаги мисоли самодаги юлдузларга ўхшайди. Ҳаёт зулматларида йўл бошловчилар деярли йўл топа олмай қолган пайтда улар орқали тўғри йўл топилади.

Биз бу каби сўзлар билан огоҳлик бонгини уриб, шу орқали уламоларимизни Аллоҳ рози бўладиган

вазифаларини бажаришга унда моқчимиз. Уммат уламоларга мұхтож, уламолар эса йүқ әмас, балки улар мавжуддирлар. Бас, ё ҳақ лагерини танласынлар, ёки уларни огохлантирганимиз мунофиқлик лагерини танласынлар. Биз қуида уларға Росууллоҳ ﷺнинг қатор ҳадислари билан мурожаат қилмоқчимиз ва шу орқали уларнинг иймонини құзғашни истаймиз. Шунингдек агар улар ҳукмдорлар тарафида турсалар, Аллоҳнинг азобидан құрқитиши хоҳлаймиз. Чunksи улар ҳукмдорлар тарафида туришса, ҳаққа чақи्रувчилар әмас, жаҳаннам дарвозаси олдидаги чақи्रувчиларға айланиб қоладилар. Ким уларға әргашса, уларни ҳам дүзахга етаклашади. Аллоҳ сақласин.

Ха, яхшилик уламолари золим сұлтонни ва зўравон ҳукмдордан құрқмайдилар. Чunksи улар Росууллоҳнинг муҳтарам набираси, Али ؑ ўғли И мом Ҳасан ривоят қилган қуидағи ҳадисга иймон келтиришган: «Ким Аллоҳ ҳаром қилған нарсаны ҳалол санаётган, Аллоҳға берган ваъдасини бузаётган, Росууллоҳнинг сұннатига қарши чиқаётган, Аллоҳнинг бандаларига гуноҳ ва душманчилик билан муомала қилаётган золим сұлтонни күрса-ю, лекин на сўз ва на амалда уни ўзгартирмаса, Аллоҳ уни кирадиган жойига киргизишга ҳақли бўлади». Табарий «Тарих»да, Ибн Асир эса «Комил»да ривоят қилган.

— Абу Дардо айтади: Мен Росууллоҳ ﷺни бундай деганини эшитганман:

«مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَطْلُبُ فِيهِ عِلْمًا سَلَكَ اللَّهُ بِهِ طَرِيقًا مِنْ طُرُقِ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أَجْبَحَتَهَا رِضَا لِطَالِبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالَمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ، وَمَنْ فِي الْأَرْضِ، وَالْحَيَّاتُ فِي جَوْفِ الْمَاءِ، وَإِنَّ فَضْلَ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ، كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، وَإِنَّ الْعَالَمَاءَ وَرَتَّةُ الْأَنْبِيَاءِ، وَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورِثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، وَرَثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَحَدَهُ أَحَدٌ بِخَيْرٍ وَافِرٍ»

«Ким илм талаб қилиб йўлга чиқса, Аллоҳ уни жаннат йўлларидан бирига йўллаб қўяди. Бу йўлда фаришталар толиби илмдан рози бўлиб, қанотларини ёзиб,

(хақларига дуо қилиб турадилар). Олим учун ер-ү осмондаги нарсалар, ҳатто денгиздаги балиқлар истиғфор айтади. Олимнинг обид устидан устунлиги тўлин ой кечасидаги ойнинг бошқа юлдузлардан устунлиги кабидир. Уламолар Пайғамбарларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар динор ҳам, дирҳам мерос қолдирмаганлар. Балки илмни мерос қолдирганлар. Ким уни олса, тўла насибасини олибди». Абу Довуд, Термизий, Ибн Можжа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббонлар ривоят қилган.

— Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Ресулulloҳ бундай дейдилар:

«وَمَنْ أَتَى أَبْوَابَ السَّلَاطِينِ أُفْتَنَ، وَمَا ازْدَادَ عَبْدًا مِنَ السُّلْطَانِ دُنُوا إِلَّا ازْدَادَ مِنَ اللَّهِ بُعْدًا»

«Ким султон ҳузурига келса, фитналанади. Банда қанчалик султонга яқинлашса, Аллоҳдан шунчалик узоқлашади». Абу Довуд ва Байҳақий ривояти.

— Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Ресулulloҳ бундай дейдилар:

«إِذَا رَأَيْتَ الْعَالَمَ يُخَالِطُ السُّلْطَانَ فَخُالِطْهُ كَثِيرًا فَأَعْلَمَ أَنَّهُ لِصٌّ»

«Агар олимни султонга кўп аралашаётганини кўрсангиз, билингки у ўғридир». Дайламий «Муснадул Фирдавс»да ривоят қилган.

— Ибн Аббос  ривоят қилган ҳадисда Ресулulloҳ бундай дейдилар:

«إِنَّ أَنَاسًا مِنْ أُمَّتِي سَيِّفُهُنَّ فِي الدِّينِ، وَيَقْرُؤُنَ الْقُرْآنَ، وَيَقُولُونَ نَأْتَى الْأَمْرَاءَ، فَنَصِيبٌ مِنْ دُنْيَاهُمْ، وَنَعْتَزِّهُمْ بِدِينِنَا، وَلَا يَكُونُ ذَلِكَ، كَمَا لَا يَجِدُنِي مِنَ الْقَتَادِ إِلَّا الشَّوْكُ، كَذَلِكَ لَا يَجِدُنِي مِنْ قَرْبِهِمْ إِلَّا الْحَطَايَا»

«(Шундай замон келадики), Умматимдан бир гурӯҳ кимсалар динда фақиҳ бўлишади ва Қуръон ўқишиади. Улар – келинглар, амирлар олдига бориб, уларнинг дунёларидан ўзимизга оламиз, аммо динимизни ушлаб

улар(нинг гуноҳи)дан узоқ туралмиз, дейишади. Бундай бўлмайди. Чунки янтоқдан фақат тикон олинганидек, уларга (золим амирларга) яқинлашишдан фақат гуноҳ олиниади». Ибн Можжа ривоят қилган, ровийларининг санади ишончли.

— Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«سَيَكُونُ بَعْدِي أَمْرَاءٌ، فَمَنْ دَخَلَ عَلَيْهِمْ فَصَدَّقُهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَأَعْنَاهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ فَلَيَسْتَعِذْ بِهِمْ مَنْ يَدْعُوهُ إِلَيَّ الْحَوْضَ، وَمَنْ لَمْ يَدْخُلْ عَلَيْهِمْ وَمَمْ يُعْنِيهِمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ وَمَمْ يُصَدِّقُهُمْ بِكَذِبِهِمْ فَهُوَ مَيْ وَأَنَا مِنْهُ وَهُوَ وَارِدٌ عَلَيَّ الْحَوْضَ»

«Мендан кейин шундай амирлар бўладики, ким уларнинг ҳузурига кириб, ёлғонини тасдиқласа ва зулмига ёрдам берса, у мендан эмас, мен ҳам ундан эмасман. Ундей кимса Ҳавзимдан сув ичмайди. Ким уларнинг ҳузурига кирмаса, зулмига ёрдам бермаса ҳамда ёлғонини тасдиқламаса, у мендан, мен ҳам унданман. У Ҳавзимдан сув ичади». Термизий ривоят қилиб, саҳих деган. Нисоий ва Ҳокимлар ҳам ривоят қилиб, саҳих дейишган.

— Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«الْعَلَمَاءُ أَمْنَاءُ الرَّسُولِ عَلَى عِبَادِ اللَّهِ مَا لَمْ يُخَالِطُوا السُّلْطَانَ، فَإِذَا حَالَطُوا السُّلْطَانَ فَقَدْ حَانُوا الرَّسُولَ فَاحْذَرُوهُمْ، وَاعْتَرِلُوهُمْ»

«Уламолар султонларга аралашмас эканлар, Аллоҳнинг бандалари устидаги пайғамбарларнинг омонатгўйлари бўлиб қоладилар. Агар султонларга аралашибсалар, пайғамбарларга хиёнат қилишган бўлади. Ундейлардан эҳтиёт бўлинглар ва улардан узоқ туринглар». Ҳасан ибн Суфён ўз муснадида ривоят қилган. Ҳоким, Абу Нуайм, Ақилий, Дайламий ва Рофиийлар «Тарих»да чиқаришган.

— Муоз ибн Жабал ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«ما من عالم أتى صاحب سلطان طوعاً، إلا كان شريكه في كل لون يعذب به في نار جهنم»

«Қайсиdir олим салтанат соҳибининг ҳузурига ўз ихтиёри билан келса, сultonга унинг жаҳаннамдаги ҳар бир азобида шерик бўлади». Ҳоким ва Дайламийлар «Тарих»да чиқаришган.

— Муоз ибн Жабал ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«إِذَا قَرَأَ الرَّجُلُ الْقُرْآنَ وَتَفَقَّهَ فِي الدِّينِ، ثُمَّ أَتَى بَابَ السُّطَّانِ تَمَلِّقاً إِلَيْهِ وَطَمَعاً مَا فِي يَدِهِ، خَاصٌ بِقَدْرِ خَطَاهِ فِي نَارِ جَهَنَّمِ»

«Киши Қуръонни ўқиб, динда фақиҳ бўлса-ю, сўнг сulton ҳузурига унга тилёғламачилик ва унинг ҳузуридаги нарсадан таъма қилган ҳолда борса, борган қадами миқдорича жаҳаннамга шўнғийди». Абу Шайх «Савоб»да ривоят қилган.

— Ҳасан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«لَا تَرَأْلُ هَذِهِ الْأُمَّةَ تَحْتَ يَدِ اللَّهِ وَكَنْفِهِ، مَا لَمْ يُعَارِ قُرَأُوهَا أُمَّرَاءُهَا»

«Умматнинг қорилари амирларга серқатнов бўлмас эканлар, Уммат Аллоҳнинг мадади ва паноҳида бўлади». Абу Умар Доний «Фитан»да ривоят қилган.

— Ибн Аббос رض ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«سيكون قوم بعدي من أمري، يقرؤون القرآن ويفقهون في الدين، يأتيهم الشيطان فيقول: لو أتيتم السلطان، فأصلاح من دنياكم، واعتزلوهم بدینکم! ولا يكون ذلك، كما لا يجتنى من القتاد إلا الشوك، كذلك لا يجتنى من قربهم إلا الخطايا»

«Мендан кейин Умматидан бир қавм бўлади. Улар Қуръонни ўқийдилар ва динда фақиҳ бўладилар. Лекин шайтон келиб уларга «қани энди сulton ҳузурига кирсаларинг эди, аҳволларингизни бир оз ўнглаб олардингиз ва динингизни ушлаб, сultonларнинг

ўзларидан үзоқ турардингиз, дейди. Бундай бўлмайди. Чунки янтоқдан фақат тикон олинганидек, сultonларга яқинлашишдан фақат гуноҳ олинади». Ибн Асокир ривоят қилган.

— Анас رض ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«من تقرّب من ذي سلطان ذراغاً، تبعّد الله منه باعً»

«Ким сultonга бир қарич яқинлашса, Аллоҳдан бир қулоч үзоқлашади». Дайламий ривоят қилган.

— Анас رض ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«يكون في آخر الزمان علماء يُرْغِبون الناس في الآخرة ولا يرغبون، وينهّدون الناس في الدنيا ولا يزهدون، وينهّون عن غشيان الأمراء ولا ينتهون»

«Охирги замонда одамларни охиратга қизиқтирадиган, ўзлари эса қизиқмайдиган, одамларни дунёда зоҳидликка чақирадиган, лекин ўзлари зоҳид бўлмаган, одамларни амирларга қатнашдан қайтарадиган, лекин ўзлари қайтмайдиган уламолар бўлади». Дайламий ривоят қилган. □

## **АБУ БАКР СИДДИҚ РОСУЛУЛЛОҲ НИНГ ДЎСТИ ВА БИРИНЧИ РОШИД ХАЛИФАДИР**

### **Наср Абу Иброҳим Қилқилий**

Абу Бакр ﷺ нинг таржимаи ҳоли мухим воқеа ҳодисаларга ва иймон ҳиди уфуриб турган қаҳрамонликларга тўладир. Унинг шахсияти эзгу фазилатлар билан ўралган ва олийжаноб ахлоқ билан безатилган. У иймонда, Аллоҳга даъват қилишда, Росууллоҳ ﷺ ни ҳимоя қилиш ва динни мустаҳкамлашда устун эди. У Аллоҳ йўлида азият чекканларнинг биринчиси бўлди. Шунингдек, у Росууллоҳ ﷺ нинг дўсти ва ажралмас ҳамроҳи эди. У Росууллоҳ ﷺ ни энг яхши биладиган сирдоши ва у кишининг энг суюкли дўсти эди. У бало ва фалокатларда ҳал қилувчи позициялар эгаси бўлди. У рошид Халифаликнинг асосчиси, диннинг ёрдамчиси ҳамда ақида ва ҳукмларни ҳимоя қилгувчиси ва Аллоҳ йўлидаги муҳоҳид эди. Аллоҳ Ўз китобини жамлашга муваффақ айлаган киши ҳам у бўлди.

Абу Бакр ﷺ тақводор, меҳрибон, мард, раҳм-шафқатли, мулойим ва қатъиятли киши эди. Унинг сифатларини бир бутун қилиб айтадиган бўлсак, у насибадор бўлмаган фазилат ва қадр-қиммат қолмаган. У ҳар қандай солиҳ амални биринчилардан бўлиб қилган.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар: «Орангиздан ким бугун рўза тутди? Абу Бакр: Мен деди. У зот: Сизлардан ким жанозага эргашди? деб сўрадилар. Абу Бакр: Мен деди. Бугун ким бир камбағални овқатлантириди? деб сўрадилар. Абу Бакр: Мен деди. Сизлардан ким касални бориб кўрди? Абу Бакр: Мен деди. Бу фазилатларни ўзида жамлаган киши албатта жаннатга киради, дедилар». Муслим ривояти.

#### **Исми, лақаби ва сифатлари:**

Абу Бакр Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Қаҳофа Усмон ибн Омир Таймий Қурайший (Хижратдан 50 йил олдин, 573 милодий йилда таваллуд топиб, 634 милодий йилда вафот этган).

Абу Бакрнинг (Сиддиқ, Соҳиб, Атийқ, Тақий, Аввоҳ) каби кунялари бор. Ҳар бир лақабнинг ўзига хос қиссаси бўлиб, бу Абу Бакрнинг фазилатини кўрсатади. Лекин Сиддиқ лақаби у кишига қаттиқ бириктирилган бўлиб, у бу сифатда устун эди.

Чунки ўша пайтлар мушриклар томонидан Росууллоҳни ёлғончига чиқариш ва Аллоҳнинг йўлидан тўсиш кучайган эди.

Абу Бакр жоҳилият даврида ҳам бир неча лақаблар билан машҳур бўлган: масалан насл-насаб ва араблар хабарларини яхши билиши. Росууллоҳ  айтганлар: «**Албатта Абу Бакр Қурайш орасида уларнинг насл насабини энг яхши билгувчироғидир**». Саҳихи Муслим.

Абу Бакр савдогар эди. Ибн Касир айтади: «У яхши хулқатворли ва обрўли савдогар эди. Қавмидаги кишилар унинг олдига битта сифати учун эмас, балки билими, тижорати ва яхши ҳамроҳлиги учун келишар эди». Унинг сармояси 40 минг дирҳам эди... Уни сифатлаган кишиларга кўра, Макка аҳли у билан сухбатлашишни яхши кўрарди. Чунки у яхши ҳамроҳ, ақлли, юмшоқ, ҳалим, саховатли, содик, ҳаёли, кучли ва виқорли эди.

Абу Бакр жоҳилият аҳли қилган санамларга ибодат қилиш, маст қилувчи ичимликларни ичиш, камбағалликдан қўрқиб болаларни ўлдириш каби ишларни қилмади. У қавми билан фақат гўзал ахлоқ ва фазилат ҳақида гаплашди.

**Унинг Исломга кириши ва буни биринчилардан бўлиб амалга ошириши:**

Муҳаммад  пайғамбарлик келгач, дўсти Абу Бакрни Исломга чақирдилар. Абу Бакр ҳеч иккilanмай ва шубҳаланмасдан у кишининг даъватини қабул қилди. Исломга болалардан биринчи бўлиб, Али  кирган бўлса, ҳур кишилардан биринчи бўлиб Абу Бакр кирди. Абу Бакр Исломга кирганда Росууллоҳ  жуда хурсанд бўлдилар. Ҳофиз Абу Ҳасан Атробулусий Ибн Касирдан у киши Оиша онамиздан ривоят қиласи: «Абу Бакр Росууллоҳ  билан учрашиш мақсадида чиқди. У Росууллоҳнинг жоҳилиятдаги дўсти эди. Абу Бакр у зотга йўлиққач: Эй Абулқосим, қавмингизнинг йиғинидан келяпман, улар сизни ота-онасини ҳақорат қилишда айблашяпти, деди. Росууллоҳ : «Мен Аллоҳнинг элчисиман, сизни Аллоҳга даъват қиласан», дедилар. Росууллоҳ  сўзлаб бўлгач, Абу Бакр Исломга кирди. Шунда Росууллоҳ  у кишининг ёнидан кетдилар ва икки тоғ ўртасида кетар экан, Абу Бакрнинг Исломга кирганига у зотдан кўра кўпроқ хурсанд бўлган ҳеч ким йўқ эди».

Ибн Исҳоқ Росууллоҳ  Абу Бакрнинг иймонини мақтаганларини бундай эслайди: «Мен кимни Исломга даъват қилсам, у ўйланиб, тараддулданиб ва иккиланиб қолар эди. Аммо Абу Бакр буни эътибордан қочирмади ва иккиланмади». Яна Росууллоҳ дан ривоят қилинади: «Сизлар дўстимни мен билан ўз ҳолига қўясизми, сизлар дўстимни мен билан ўз ҳолига қўясизми? Эй инсонлар, сизга мен Аллоҳнинг Росулиман деганимда, «ёлғон гапирдинг» дегансизлар. Бироқ Абу Бакр менга «тўғри айтдингиз» деган». Бухорий ривояти.

Агар Абу Бакрнинг иймонини тарозининг бир палласига, ер юзидаги барча одамларнинг иймони бошқа палласига қўйиб тортилса, Абу Бакрнинг иймони оғир келади. Ином Аҳмад ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Бир куни Росууллоҳ  олдимиизга чиқиб, бундай дедилар: «Бир кун тушимда менга мақолид ва тарозилар берилди. Аммо мақолид калитлардир (яъни жаннат калитлари). Шунда мен тарозининг бир палласига ва Умматим иккинчи палласига қўйилган эди, мен улардан оғир келдим. Сўнг Абу Бакр қўйилган эди, у ҳам оғир келди. Сўнг Умар оғир келди, сўнгра Усмон қўйилган эди, у ҳам оғир келди. Сўнг тарози осмонга кўтарилиди. Шунда бир киши: Биз қаердамиз, (яъни бошқаларнинг тарозидаги аҳволи қандай бўлади) деди. Шунда Росууллоҳ : Ҳар бирингиз амалингиз ва итоатингизга қараб тортиласиз, дедилар». Ибн Шайба ва Табароний бироз фарқ билан ривоят қилишган.

### Исломга чорлаши ва үнда тутган позициялари

Абу Бакр  ўзига хос услубдаги даъватчи эди. Бу нарса үнинг қилган ишлари ва тутган позицияларида намоён бўлган.

Абу Бакр Аллоҳга даъват қилганида үнинг қўли остида Зубайр ибн Аввом, Усмон ибн Аффон, Толҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурраҳмон ибн Авф, Усмон ибн Мазъун, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Салама ибн Абдуласад, Арқам ибн Абу Арқам каби кўплаб саҳобалар Исломга киришди. Абу Бакр оиласини даъват қилганида қизлари Асмо билан Оиша, ўғли Абдуллоҳ, хотини Умми Рувмон ва хизматкори Омир ибн Фаҳиралар Исломга киришди. Маккада мўмин гуруҳнинг ҳақни очиқ-баралла айтишни Росууллоҳ дан қаттиқ илтимос қилган ҳам Абу Бакр  эди. Ибн Касир

Ўзининг «Бидоя ва ниҳоя» китобида Оиша онамиздан бундай келтиради:

«Мұхаммад ғанинг асҳоблари йиғилгач, улар ўттиз саккизта эди, Абу Бакр ҳақни очиқ-баралла айтишни Росууллоҳ ғдан қаттиқ илтимос қилди. Росууллоҳ ғ: «Эй Абу Бакр биз озчиликмиз», дедилар. Лекин Абу Бакр қаттиқ илтимос қилгач, Росууллоҳ ҳақни очиқ-баралла қилдилар. Ўшанда мусулмонлар масжид атрофига тарқалдилар, ҳар бири ўз уруғ-аймоғи билан бўлди. Абу Бакр тик туриб одамларга хитоб қилди, Росууллоҳ ўтиридилар ва Абу Бакр бу билан Исломдаги биринчи хатиб бўлди. Шунда мушриклар Абу Бакрга ва мусулмонларга ташланишди, масjidнинг бир четида Абу Бакрни қаттиқ калтаклашди. Абу Бакр оёқ ости қилиниб, қаттиқ калтакланди. Утба ибн Робиа унга яқинлашиб, ковушлари билан тепди, ҳатто юзи ва қорнигача тепкилади. Абу Бакрнинг юзи таниб бўлмайдиган бўлиб қолди. Шунда Бану Тайм ёрдамга келиб, мушрикларни Абу Бакрдан узоқлаштиришди. Сўнг Абу Бакрни кийимидан ушлаб кўтариб, уни уни ўлиб қолди деб ўйлаб, уйига ташлаб кетишди. Кейин ортларига қайтиб, масжидга киришди ва бундай дейишди: Аллоҳга қасамки, агар Абу Бакр ўлган бўлса, Утба ибн Робиани ўлдирамиз. Кейин Абу Бакрнинг олдига қайтишди ва Абу Қаҳофа (Абу Бакрнинг отаси) ва Бану Тайм Абу Бакрга (бу йўлидан қайтиши учун унга узоқ вақт) гапиришди. Абу Бакр уларга кечга яқин жавоб қилди ва биринчи айтган сўзи: «Росууллоҳ ғ га нима бўлди» деган сўз бўлди. Улар эса Абу Бакрни сўкиб, танбеҳ беришди. Кейин унинг онаси Уммул Хайрга: «Унга қара, овқат берасанми ёки бирор нарса ичирасанми» дейишди. Онаси у билан ёлғиз қолгач, овқат ейишга мажбурлади, лекин у: «Росууллоҳ ғ га нима бўлди» дер эди.

Онаси унга: «Аллоҳга қасамки дўстингга нима бўлганини билмайман» деди. Шунда Абу Бакр: «Хаттобнинг қизи Умму Жамилга бориб, у зот ҳақида сўранг» деди. Онаси чиқиб, Умму Жамилни олдига борди (ўшанда у Исломини яширасан эди) ва: «Абу Бакр Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида сўраяпти» деди. Умму Жамил: «Абу Бакрни ҳам Мұхаммад ибн Абдуллоҳни ҳам нима бўлганини билмайман. Агар хоҳласанг, сен билан бирга ўғлингга борамиз». Уммул Хайр: «Майли» деди. Умму Жамил у билан бирга бориб, Абу Бакрни оғир бетоб ҳолда топди. Сўнг

унга яқинлашиб, «Аллоҳга қасамки, сенга бу ишни қилган фисқ ва куфр аҳлидир, Аллоҳдан сиз тўғрингизда улардан ўч олишини сўрайман» деб қичқирди. Шунда Абу Бакр: «Росууллоҳ  га нима бўлди?», деган эди, у: «Бу сенинг онанг уни эшит» деди. Умму Жамил: «У соғ ва омон». Абу Бакр: «У қаерда?» Умму Жамил: «Арқамнинг ҳовлисида». Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, Росууллоҳга бормагунимча овқат ҳам емайман, сув ҳам ичмайман». Шундай қилиб, улар оёқ товушлари тинчигунича туришди. Одамлар тинчигач, Абу Бакр иккисига суюниб чиқди ва Росууллоҳнинг ҳузурига киришиди. Росууллоҳ  уни қучоқлаб ўпди ва одамлар ҳам уни қучоқладилар. Росууллоҳ  унга қаттиқ раҳми келди. Абу Бакр : «Отам ва онам фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Росули, менга фосиқнинг юзимга қилганидан бошқа ҳеч нарса бўлмади. Бу менинг ўз ўғлига меҳрибон онамдир, сиз барокатлисиз, у учун Аллоҳга дуо қилинг, У учун Аллоҳга дуо қилинг, кошки Аллоҳ сиз туфайли уни дўзахдан сақласа деди. Бундай қилиб Росууллоҳ  у учун Аллоҳга дуо қилдилар ва у Исломни қабул қилди.

Абу Бакр Билол ибн Рабоҳ азобланәётганини билгач (у Умайя ибн Халафнинг қули эди), ўша жойга бориб, Умайя билан музокара қилди ва Билолни сотиб олиб, Аллоҳнинг розилиги йўлида уни озод қилди. Абу Бакр бундан бошқа Исломни қабул қилган бир неча қулларни ҳам сотиб олиб озод қилди. Улар Омир ибн Фаҳира, Умму Абис (ёки Умму Амис) ва Занийралар эди. Абу Бакр яна Наҳдийя ва унинг қизини ҳам озод қилди. Бану Мўмални жорияси Лабийнани ҳам сотиб олиб, озод қилди, у Исломни қабул қилган эди.

### Ҳижрат ва Росууллоҳга ҳамроҳ бўлиши

Абу Бакр Росууллоҳ  билан ҳамроҳ бўлишни қаттиқ хоҳлаган эди ва шунга тайёрланди. Ибн Исҳоқ айтади: Абу Бакр бой одам эди. У Росууллоҳ дан ҳижрат қилишга изн сўрагач, Росууллоҳ  унга: «Шошилманг, кошки Аллоҳ сизга ҳамроҳ топса» дедилар. Росууллоҳ  бу гапни айтганда ўша ҳамроҳ ўзи бўлишини хоҳлаган эди. Шунда Абу Бакр иккита түя сотиб олиб, ҳижрат қилишга тайёрлаб, уларни емлай бошлади».

Мўминлар онаси Оиша  айтади:

Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарига ҳижрат қилиши учун изн бергач, Росууллоҳ  уйидан у кишини ўлдириш учун йиғилган оломон ичидан соғ омон чиқиб, Абу Бакрнинг уйига борди. Оиша онамиз нима бўлганини бундай ривоят қиласди: «Росууллоҳ  бизникига ҳар доим ё эрталаб ёки кечқурун келар эдилар. Лекин Аллоҳ у кишига ҳижрат қилиш ва қавми орасидан Маккадан чиқишига изн берган куни ўзи одатланмаган пайтда келдилар. Абу Бакр у кишини кўргач: «Росууллоҳ  фақат бир муҳим иш учун бундай пайтда келди» деди. Росууллоҳ  уйга киргач, Абу Бакр каравотидан у кишининг олдига тушди. Шунда Росууллоҳ  ўтиридилар, у ерда мен ва синглим Асмоъ бинти Абу Бакрдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Росууллоҳ : «Ҳузурингиздагиларни чиқариб юборинг» дедилар. Абу Бакр: Эй Аллоҳнинг элчиси, улар икки қизим, ўзи нима гап? Ота ва онам сизга фидо бўлсин. (Саҳиҳ Бухорий). Росууллоҳ : «Аллоҳ Таоло менга чиқишига ва ҳижрат қилишга изн берди, дедилар. Абу Бакр: «Ҳамроҳ бўламизми? Эй Аллоҳнинг элчиси? Росууллоҳ : «Ҳамроҳ бўламиз» деди. Оиша  айтади: «Аллоҳга қасамки, ўша куни Абу Бакрнинг хурсандчиликдан йиғлаганидек бирор кишининг хурсандчиликдан йиғлаганини кўрмаганман». (Бидоя ва ниҳоя, Ибн Касир). Абу Бакр барча пулларини олди, Асмо бинти Абу Бакр айтганидек пуллари ё беш минг ёки олти минг эди.

Абу Бакр моли ва жонини Росууллоҳ  учун тиккан ҳолда у киши билан Савр ғорига чиқди. Абу Бакр Росууллоҳ  га бирор мусибат етмаслигини қаттиқ хоҳлар эди.

Муҳаммад ибн Сирин айтади: Умар  даврида бир қанча кишилар Умарни Абу Бакрдан афзалдек ҳисоблашди. Бу хабар Умар  га етиб боргач, у: «Аллоҳга қасамки, Абу Бакр ўтказган бир кеча Умар оиласидан яхшироқдир, Абу Бакр ўтказган бир кун Умар оиласидан яхшироқдир. Чунки Росууллоҳ  ғорга етиш учун чиққанларида у киши билан Абу Бакр бирга эди. Абу Бакр ўшанда бир соат Росууллоҳнинг олдиларида ва бир соат у кишининг ортларида юрди. Росууллоҳ  буни сезгач үнга: «Эй Абу Бакр нима учун бир олдимда, бир ортимда юряпсиз? – деб сўрадилар. Шунда Абу Бакр: «Эй Аллоҳнинг элчиси ортингиздан излашаётганини эслаганимда ортингизда, пиствирмани эслаганимда олдингизда

юряпман, деди. Росууллоҳ ﷺ: «Эй Абу Бакр, бирон нарса бўлса (яъни ёмон ҳолат) мендан кўра ўзингизга бўлишини хоҳлайсизми? – дедилар. Абу Бакр: «Ҳа, сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, агар бирон мусибат бўлса, сизга эмас, балки ўзимга бўлишини хоҳлайман деди. Улар ғорга етгач, Абу Бакр: Эй Аллоҳнинг элчиси сиз шу ерда кутиб туринг, мен уни тозалаб чиқай деди ва кириб ғорни тозалади. Ғорнинг юқори томонига етгач, унинг ён томонларини тозаламагани эсига тушиб: ғорнинг ён томонларини тозалагунимгача сиз шу ерда кутиб туринг деди ва кириб унинг ён томонларини ҳам тозалади. Сўнг, эй Аллоҳнинг Росули киринг деган эди Росууллоҳ ﷺ кириб ўтирди. Умар رض айтади: Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, Абу Бакрнинг мана шу туни Умарнинг оиласидан яхшироқдир». Саҳиҳ ҳадис.

Мушриклар пайғамбар ﷺнинг изидан қувиб бориб, Савр тоғига ва ғорга етиб боришиди. Лекин Аллоҳ Таолонинг ўз пайғамбарига бўлган лутфи ва қўллаб-қувватлаши туфайли улар ноумид бўлиб ортга қайтишиди. Абу Бакр Сиддиқдан ривоят қилинади: «Форда турганимизда мен Росууллоҳ ﷺга: Агар бирортаси ғорга қараганда бизни кўриб қолган бўлар эди, деб айтдим. Шунда Росууллоҳ ﷺ:

«مَا ظَنَكَ يَا أَيُّا بَكْرٍ ! بِإِنْ شِئْنِ اللَّهُ ثَالِثُهُمَا؟»

**«Эй Абу Бакр, учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида гумондамисиз», дедилар. Бухорий ривояти.**

Аллоҳ Таоло бу ҳақда қиёматгача тиловат қилинадиган оят нозил қилди:

﴿إِلَّا تَنْصُرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيَ اُثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِيهِ لَا تَحْرِنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُ بِجُنُودٍ لَمْ تَرَوْهَا وَجَعَلَ لِكِلْمَةِ الَّذِينَ كَفَرُوا أَسْسُقْلَى وَكِلْمَةُ اللَّهِ هِيَ الْأَعْلَى وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

**«Агар сизлар унга (яъни, пайғамбарга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг йози унга ёрдам қилур). Уни коғирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб ривоят қилганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшанде икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржамлик**

**туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни, фаришталар) билан қўллаб-қувватлади ҳамда коғир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди, Аллоҳнинг сўзигина юксак сўздир. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир»**

[Тавба 40]

Росулуллоҳ  ва Абу Бакр ғорда уч кеча туриб, сўнг жўнаб кетдилар. Мадинага етгунича қидиувдан соғ ва омон бўлдилар.

### **Росулуллоҳнинг дўсти, вазири ва ўқдондаги икки ўқи**

Абу Бакр сиддиқ Росулуллоҳ  ҳеч бир ажрамайдиган ҳамроҳи, вазири, маслаҳатчиси, улфати ва одамлар ичida Росулуллоҳ  га энг суюклиси эди. Абу Бакр Росулуллоҳ  билан барча ғазотларда бирга бўлди. Табук ғазоти учун барча бойлигини бериб юборди, ҳатто оиласи учун ҳам ҳеч нарса қолмади, балки ўзи учун Аллоҳнинг розилигини сотиб олди. Абу Бакр яхшиликлар борасида доим олдинда эди. Бу борада у билан беллашганлар қийналиб қолишган ва ундан бирор марта ҳам ўзиб кета олмаганликларини тан олишган.

Абу Бакр  Росулуллоҳ  энг яхши кўрадиган ва энг яхши биладиган одам эди. Абу Сайд Худрийдан ривоят қилинишича, Росулуллоҳ  минбарга чиқиб, бундай дедилар:

«إِنَّ عَبْدًا حَبَرَهُ اللَّهُ بَيْنَ أَنْ يُؤْمِنَ مِنْ زَهْرَةِ الدُّنْيَا مَا شاءَ، وَبَيْنَ مَا عَنِدَهُ، فَاحْتَارْ مَا عِنْدَهُ»

«Аллоҳ Таоло бир бандасига дунё неъматларидан хоҳлаганича бериши ёки Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани олиши танловини берганди, бандаси Аллоҳ ҳузуридаги нарсани танлади». Абу Бакр буни эшитиб йиғлаб юборди ва «Отамиз ҳам, онамиз ҳам сизга фидо бўлсин!» деди. Шунда биз ажабландик ва одамлар: Бу шайхни қаранглар, Росулуллоҳ  Аллоҳ Таоло бандасига дунё неъматларидан хоҳлаганича бериши ёки Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани олиши танловини берганини айтиётган бўлса-ю, у ота ва онамизни сизга фидо қилдик демоқда дейишиди. Лекин Абу Бакр бизга ўша имконият берилган киши Росулуллоҳ  эканини билдириди. Росулуллоҳ  дедилар:

«إِنَّ مِنْ أَمْنِ النَّاسِ عَلَيَّ فِي صُحْبَيْهِ وَمَالِهِ أَبَا بَكْرٍ، وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا خَلِيلًا مِنْ أُمَّتِي لَا تَحْكُمْتُ أَبَا

بَكْرٍ، إِلَّا خُلَّةُ الْإِسْلَامِ، لَا يَبْقَيْنَ فِي الْمَسْجِدِ حَوْحَةً إِلَّا حَوْحَةً أَبِي بَكْرٍ»

«Одамлар ичидан менга дўстлик қилиш ва молини сарфлашда энг яқин инсон Абу Бакрдир. Агар мен ўзимга дўст ушлашим керак бўлганида албатта Абу Бакрни танлар эдим. Лекин Ислом биродарлиги барча учун бир хилдир. Одамлар масжидга очиб олган эшикларнинг ҳаммасини ёпинглар, Аммо Абу Бакрнинг эшиги қолсин». (Саҳобалар уйларининг бурчагидан масжидга дарвоза очиб олишган эди. Росууллоҳ Абу Бакрни эшигидан бошқаларини ёпиб қўйишга буюрдилар).

**Абу Бакр ҳар қандай муаммони бир лаҳзадаёқ ечадиган ҳамда қийин ва ҳал қилувчи позициялар билдирадиган киши эди:**

Бу нарса бир неча муносабатлар, айниқса, Росууллоҳ вафотида кўзга яққол ташланган эди. Бундан ташқари, закот беришдан бош тортган муртадларга қарши чиқиб, уларни қатл қилишда қаттиқ турганида ҳам бу нарса кўринди. Ўшанда бу иш давлатни, ақидани ва Ислом ҳукмларини сақлаб қолинишига сабаб бўлган эди.

### **Росууллоҳ вафотлари:**

Росууллоҳ вафотлари саҳобаларга оғир ботди. Улар ҳайрат, изтироб ва саросимага тушиб қолишли. Уларнинг баъзилари гапира олмаса, баъзилари шол бўлиб тура олмади, баъзилари эса у зотни ўлмаган дейишли. Абу Бакр Росууллоҳнинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитди. Саҳиҳ Бухорийда келганидек, ўша пайтда у йўқ эди. Росууллоҳ вафот этган кун Абу Бакр Сұнхда (Мадинанинг Бану Ҳорисага қарашли ерида) эди, Исмоилнинг айтишича, Олияда эди. Шунда Умар турдида: Росууллоҳ ўлмади, Аллоҳга қасамки, менга бундан бошқа нарса келмаяпти. Аллоҳ Таоло у зотни қайта юборади ва у зотни ўлди деб гап тарқатганларни қўл ва оёқларини кесади, деди. Абу Бакр келгач, Росууллоҳ юзини очиб ўпди ва «Ота-онам сизга фидо бўлсин, тириклигинизда ҳам хушбўй эдингиз, вафот этганингиздан кейин ҳам хушбўйсиз. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, Аллоҳ сизга ҳеч қачон икки марта ўлим бермайди», деди. Сўнг чиқиб: жим бўлинглар, деди. Ташқарида Умар гапираётган эди, Абу Бакрнинг гапини эшитгач, тўхтади. Абу Бакр Аллоҳга ҳамду санолар айтиб бўлгач, деди: Огоҳ бўлинг ким Муҳаммад

ибодат қилган бўлса, Мұхаммад ўлди, ким Аллоҳга ибодат қилса, Аллоҳ ўлмайдиган тирикдир. Яна у:

﴿إِنَّكَ مَيْتٌ وَإِنَّهُمْ مَيْتُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар» [Зумар 30]

оятини ва

﴿وَمَا هُمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ حَلَّتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ أَنْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَبِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقِبِيهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهُ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ﴾

«Мұхаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни Мұхаммад алаіхис-салом) вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга (куфрға) қайтиб кетасизми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас, (балки фақат ўзига зарар қиласди, холос). Аллоҳ эса (йўлларидан қайтмай) шукр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди»

[Оли Имрон 144]

### Бану Соида айвонидаги байъат

Одамлар Росууллоҳ ғанинг вафот этганини билгач, ансорлар Саъд ибн Абу Ваққосни Росууллоҳ ғана Халифа қилиш борасида байъат қилиш учун йиғилди. Шунда Абу Бакр, Умар ва Абу Убайдалар ансорларнинг нима учун йиғилганини билишди. Сўнг ансорларни мақсадидан қайтариш учун айвонга келишди ва уларга бу ишга Қурайшдан бўлган мұҳожирларнинг, хусусан Абу Бакрнинг ҳақлироқ эканига ҳужжат келтиришди. Сўнг айвондагилар Абу Бакрга байъат беришди ва Абу Бакр мусулмонларни бирлаштириш ва сўзларини жамлаш учун Халифаликни қабул қилди.

Абу Бакр Халифаликни қабул қилганлиги учун узр сўраб, бундай нутқ сўзлади: «Аллоҳга қасамки, мен бирор кеча ва кундуз ҳам амирликка ҳавас қилмаганман. Мен амирликни хоҳламайман ва Аллоҳ Таолодан на ошкора ва на яширинча сўрамаганман. Лекин мен фитнадан қўрқдим, ҳолбуки менга амирликда тасалли йўқ. Мен бир буюк ишни зиммамга олдимки, агар Аллоҳ ёрдам бермаса уни амалга оширишга на кучим на қувватим етади. Мен ўрнимда энг тақволи одам бўлишини истаган эдим». Ҳоким саҳих иснод билан ривоят қилган.

Бундай қилиб, Абу Бакрнинг байъати Росууллоҳ  дан кейин Халифаликни мустаҳкамлаб, халифа тиклаш йўли байъат эканлигини ва мусулмонларнинг Росууллоҳ  дан кейинги сиёсий низоми рошид Халифалик эканини белгилаб берди. Абу Бакр Сиддиқ  бунга мусулмонларнинг биринчи халифаси сифатида моҳирлик билан бошлилик қилди.

### **Абу Бакр мусулмонлар халифаси:**

Сиддиқнинг халифалиги икки йилу уч ойга чўзилди. Бу қисқа вақт бўлишига қарамасдан, ҳокимият устұнларини мустаҳкамлаш, муртадларга барҳам бериш ҳамда Шом ва Рум юртларига исломий даъватни ёйишдек улкан ютуқ ва амалларга бой бўлди. Бу – фатҳлар ва Ислом даъватининг тарқалиши билан бир вақтда содир бўлди.

### **Абу Бакр Сиддиқнинг Халифаликни қабул қилаётгандаги хутбаси:**

Абу Бакр Сиддиқ нинг Халифаликка киришганидан кейинги биринчи хутбаси Росууллоҳ  вафотидан кейин ички сиёsat ҳамда фуқаро ва ҳукмдор ўртасидаги алоқани кўрсатиб беради. Бу хутба Халифанинг фуқароларга нисбатан тутадиган позицияси ва фуқароларнинг халифа борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини баён қиласди. Бундан ташқари, у жиҳод йўли орқали даъватни оламга олиб чиқишига асосланган ташқи сиёsatни баён қиласди. Хутба қисқа бўлишига қарамасдан, давлатнинг асос ва минҳожини чизиб белгилаб берган. Абу Бакр Сиддиқ бундай деб хутба қилган эди: «Аммо баъд, эй инсонлар, мен сизларга бошлиқ этиб тайинландим, лекин мен сизлардан кўра яхшироқ эмасман. Агар мен тўғри иш юритсан, менга ёрдам беринг, агар адашсан тўғриланг. Тўғрилик омонат, ёлғон эса хиёнатдир. Орангизда заиф киши – мен унинг ҳаққини олиб бергунимга қадар – мен учун кучлидир. Орангиздаги кучли эса – то мен ундан заифнинг ҳаққини олиб бергунимга қадар – мен учун заифдир. Қавм Аллоҳ хор қилсагина жиҳодни тарқ этади. Қавм орасида фаҳш ишлар тарқалса, Аллоҳ уларга балони умумлаштиради. Мен Аллоҳ ва Росулига итоат қиласар эканман, сизлар менга итоат қилинг. Агар Аллоҳ ва Росулига осийлик қилсан менга итоат қилманг. Энди намозни адо этинг Аллоҳ сизга раҳм қилсан». Ибн Касир саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.

### **Давлат ишларини идора қилиш**

Абу Бакр давлат ишларини тенги йўқ даражадаги иқтидор ва моҳирлик ҳамда етук фаросат билан бошқарди. У Росууллоҳ  тайинлаган волийларни ўзгартирмасликка ҳаракат қилди ва Росууллоҳ  давридаги ҳукумат структурасини сақлаб қолди. Шунингдек, давлатни қийнаётган хавф-хатарларга қарамай, Усомани юборишга қаттиқ турди. Бир вақтнинг ўзида закот беришдан бош тортаётган муртадларга қарши курашди. Ҳолбуки, давлат тенги йўқ давлат арбоби томонидан амалга оширилган ажойиб сиёсий ишларга аскарлар етишмаслигидан азият чекар эди.

### Усома қўшинини юбориш ва муртадлар уруши

Абу Бакр Росууллоҳ  Румга қарши уруш учун тайёрлаган Усома қўшинига бундай амр қилди: «Усома аскарларидан бирортаси Мадинада қолмасдан ташқаридаги қўшинга чиқсин». (Бидоя ва ниҳоя). Баъзи саҳобалар армияни юбориш борасида Абу Бакрга қарши чиқиб, муртадларга қарши курашиш учун қолишини айтишган эди. Улар бундай дейишди: «Анави одамлар мусулмонлардан кўп, араблар эса кўриб турганингиздек сизга қарши чиқиши. Шунинг учун мусулмонлар жамоасини ўзингиздан ажратманг». (Бидоя ва ниҳоя). Шунда Абу Бакр: «Абу Бакрнинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, агар мени йиртқич ҳайвонлар судраб олиб кетади деб гумон қилганимда ҳам Росууллоҳ  амр қилганидек Усомани юборган бўлар эдим. Шаҳарда мендан бошқа ҳеч ким қолмаса ҳам буйруқни бажарар эдим». (Табарий тарихи).

Бундай қилиб, Абу Бакр қўшинга кўрсатма бериб, уни юборди. Қўшин Рум юртларига бориб, буюк ғалабаларни қўлга киритди ва Ислом давлатининг ҳайбатини оширди. Мана бундай қийин шароитда қўшиннинг чиқиши Исломий давлатдаги муртадларда қўрқувни пайдо қилди. Абу Бакр давлатни тан олсаларда, закот беришни хоҳламаётганлар билан уришишга қарши чиқаётган Умар ибн Хаттобдек саҳобаларнинг эътирозини қабул қилмади. Чунки Абу Бакр ўткир назарли ва билимдон киши эди. Абу Бакр уларнинг ишини муртадлик, давлатга қарши чиқиш ва динни камситиш деб ҳисоблади. У ўшанда қўйидаги машҳур гапини айтди: «Мен тирик бўла туриб, дин бадном бўладими». У яна бундай деган эди: «Аллоҳга қасамки, намоз билан закотнинг орасини

ажратган кимса билан албатта уришаман. Чунки закот молнинг ҳаққидир, агар улар Росууллоҳ  га беришган урғочи эчкини беришдан бош тортишса ҳам улар билан уришаман». Бухорий ривояти. Бошқа ривоятда Росууллоҳга беришган бир арқонни беришдан бош тортишса ҳам улар билан уришаман дейилган. Умар ибн Хаттоб айтади: «Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳ Таоло Абу Бакрнинг қалби уришишга илҳомлантирганини билганимдан кейин, уни ҳақ эканини билдим». Муслим ривояти.

Абу Бакр муртадлар билан бўлган жангда ўзи қатнашди ва қўшиннинг бошида урушга чиқди. Саҳобалар унга Мадинада давлат ишларини бошқариш учун қолиши ва аскар етакчилигини бошқасига топширишини айтишди. Али ибн Абу Толиб унинг олдига келди ва түясининг тизгинидан ушлаб, бундай деди: «Эй Росууллоҳ  Уҳуд кунида айтган гапни айтаман. Қиличингизни қинига солинг, бизни фожиага дучор қилманг. Аллоҳга қасамки, агар сизни йўқотсак, сиздан кейин ҳеч қачон низом бўлмайди». Шунда Абу Бакр қайтди. (Бидоя ва ниҳоя, Ибн Касир).

Аллоҳ Таоло муртадларга қарши урушда мусулмонларга нусрат берди. Унда кўплаб саҳобалар шаҳид бўлишди. Уларнинг ичиди Қуръони Каримни ёд олган ва унинг оят ва сураларини ёзган ваҳий котиблари ҳам бор эди. Шунда Абу Бакр Зайд ибн Собитни ёзилган ва ёд олинган Қуръонни жамлашга буюрди. Чунки Аллоҳ Таоло у кишининг қалбини шунга илҳомлантирган эди. Зайд ибн Собит Абу Бакр вафот этишидан олдин Қуръонни битта мусҳафга жамлашга эришди ва бу иш Абу Бакрнинг ҳасанотлар мезонига қўшилди.

### Қўшинларни Шом ва Ироқ юртларига йўналтириш

Абу Бакр  форслар ва руммилклар ўртасида бўлган келишмовчиликдан унумли фойдаланди. Бир вақтнинг ўзида Шарқ ва Ғарб томонга фотиҳларни юборди. Форс минтақасига Холид ибн Валид ва Мусаний ибн Ҳорисани юборди. Улар Анбар, Давматул Жандал, Фуроз ва Хийра каби Ироқ шаҳарларини фатҳ қилишди. Шом юртларидағи Рум минтақасига Язид ибн Абу Суфён, Амр ибн Ос, Шураҳбил ибн Ҳасана етакчилигида қўшинларни юборди. Сўнг уларни қувватлаб Абу Убай ибн Жарроҳ етакчилигида қўшин юборди.

Бунда Иордания, Фаластин, Дамашқ ва Химс юртлари нишонга олинди. Мусулмонлар билан руммиклар ўртасида Ярмук ғазоти бўлиб ўтди. Уларни қўллаб-қувватлаш учун Холид ибн Валид келиб қўшилди. Уруш пайти мусулмонларга биринчи халифа вафот этгани ва ундан кейин Халифаликка Умар ибн Хаттоб  ўтиргани тўғрисида хабар келди.

### **Абу Бакрнинг Умар ибн Хаттобни ўз ўрнига халифа қилиб қолдириши:**

Дарҳақиқат, Абу Бакр  Исломий давлат бир вақтнинг ўзида икки буюк давлат билан уруш олиб бораётгани учун хавф-хатар мавжудлигини сезди. Сўнг саҳобалар билан кенгашиб, ўзидан кейин мусулмонлар ихтилоф қилмаслиги учун вафотидан кейин мусулмонлар Умар ибн Хаттобга байъат беришларини тайинлади. Бу нозик паллада давлатни сақлаб қолиш учун мактуб ёзиб, уни одамларга ўқиб берди.

### **Саҳобаларнинг Умарнинг халифа бўлишидан қўрқишилари**

Ибн Касир бу қўрқувни бундай зикр қиласди: «Талха ибн Убайдуллоҳ Абу Бакр ўзидан кейин Умарни қолдираётганини билгач, унинг олдига кирди. Сўнгра унга бундай деди: «Одамларга Умарни халифа қилиб қолдираётган экансиз. Сизнинг халифалигингизда одамлар ундан нималарга дуч келганини кўрдингиз. Агар Умар одамлар билан қолса ва сиз Роббингизга рўбарў бўлсангиз, У сиздан қўл остингиздагилар ҳақида сўраса нима дейсиз». Шунда Абу Бакр Талҳани елкасидан ушлаб силкитиб, «мени ўтқазиб қўйинглар», деди, уни ўтқазиб қўйишгач, Талҳага бундай деди: «Мени Аллоҳ билан қўрқитяпсанми?! Агар мен Роббимга йўлиқиб, мени сўроққа тутса, Унга бандаларингга улардан энг яхисини халифа қилиб қолдирдим, деб айтаман».

Абу Бакр тақвоси туфайли Халифалик мансабидан бир дирҳам ёки мол-мулк топишдан сақланди. Оиша онамиз ривоят қилишича, у бундай деган эди: «Амирликка киришганимдан бери бойлигимга нима қўшилган бўлса, уни мендан кейинги халифага беринглар». Қарасак, бир нубиялик бир қул болаларини кўтариб юрган экан ва ёнида сув ташувчи туси ҳам бор экан. У ўша түя билан Абу Бакрнинг боғини суғорар эди. Биз у иккисини Умарга жўнатган эдик, у йиғлаб юборди ва: «Аллоҳ Абу Бакрни раҳмат қилсин, мен ундан кейин қаттиқ

қийналаман», деди. Ибн Жавзий ва бошқалар саҳиҳ иснод билан ривоят қилишган.

### Абу Бакр Сиддиқнинг вафоти

Мўминлар онаси Оиша رض ривоят қилишича, Абу Бакр رض совуқ кечада чўмилгани туфайли пайдо бўлган касаллик таъсирида вафот этди. Чунки ўшандан кейин иситмаси кўтарилиб ўн беш кун намозга чиқа олмади. У Умар ибн Хаттоб رضни ўзининг ўрнига жамоат намозларини ўқиб беришини васият қилди. Абу Бакр ҳижратнинг ўн учинчи йили, жумодуссоний ойининг йигирма иккинчисида сесланба куни вафот этди. Бу милодий 734 йил, 23 августга тўғри келади. (Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «Исоба фи тамийизис саҳоба» китоби). Абу Бакрнинг вафотидан олдинги охирги сўзи: «Роббим мени мусулмон ҳолда жонимни ол ва солиҳ бандаларингдан қил», шу сўзни айтдида охирги нафасларини олди. Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олиб, ундан рози бўлсин.

Мадина Сиддиқнинг вафот этганини эшитиб, ларзага келди. Мадина Росууллоҳ ﷺ вафот этганидан бери бундай йиғини кўрмаган эди. Ундан осмон йиғлади ва саҳобалар у кишидан ажраганида қаттиқ хафа бўлишди. Али ибн Абу Толиб йиғлаган ҳолда шошилиб келиб, Абу Бакр турган уйда тўхтади ва деди: «Эй Абу Бакр сизни Аллоҳ ўз раҳматига олсин. Сиз Росууллоҳ ﷺнинг ҳамроҳи, дўсти, тасалли берадигани, ишончли шериги ҳамда сирдоши ва сұхбатдоши эдингиз». У яна бундай деди: «Аллоҳга қасамки, мусулмонлар биринчи Росууллоҳ ﷺдан ажралиш билан мусбат чеккан бўлсалар, иккинчи сиздан айрилиш билан мусибат чекдилар. Сиз дин учун фахр, бошпана ва мисоли ғор эдингиз. Аллоҳ сизни Муҳаммад ﷺ билан бирга қилсин. Аллоҳ бизни ҳам сизникidek ажрдан маҳрум қилмасин ва сиздан кейин бизни адаштирмасин». Одамлар Али ибн Абу Толиб сўзини тутатгунича жим туришди, кейин овозларини кўтариб йиғлаган ҳолда «Тўғри айтдинг», дейишди. (Ибн Жавзийнинг «Табсира» китоби). □

## УММАТ ХАЛИФАЛИКНИ ЙҮҚОТИШ БИЛАН НИМАЛАРИНИ ЙҮҚОТДИ

Доктор Мұхаммад Раҳбий – Яман

Мусулмонлар бошига тушган әнг катта мусибат ўз Халифаликларини йүқотишлари, ҳокимияти қўлдан кетиши, Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺ суннатларига амал қилиш тўхташи бўлди. Дарҳақиқат, улар исломий ҳаётда яшаб, ҳаёт тарзлари исломий бўлган пайтларида Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритишар, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ундан ҳукм сўрашар эди ва худди Аллоҳ Таоло улар ҳақида

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتُ لِلنَّاسِ﴾

**«Сизлар инсонлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхиси бўлдингиз»** [Оли Имрон 110]

деганидек ҳолатда эдилар... Маъруфга буюриб, мункардан қайтарардилар ва Исломни бутун дунёга рисолат сифатида олиб чиқар әдилар. Бироқ мусулмонларнинг давлати ағдарилгандан сўнг бир асрдан зиёд вақт мувозанат бир юз саксон градусга ўзгариб кетди, яъни Уммат ғамхўр ҳокимиятисиз қолди. Ёвуз кучлар ва уларнинг фожир малайлари зулмидан ҳимоя қилувчи қалқонини йўқотиб, совутидан, мустаҳкам қўрғонидан айрилди ва капиталист ваҳшийлар уни чор-атрофдан талаб, бўлинган танасини тилкапора қила бошлиди... Уммат аянчли аҳволга тушди, Ислом аҳкомлари ҳаётдан четлатилди, ўрнига куфр қонунлари жорий қилинди, капиталистларнинг айғоқчилари мусулмонларнинг жамиятларига айланди. Уммати Ислом фарзандлари ўртасидаги ақида алоқаси ўрнини миллатчилик, ватанпарварлик ва манфаатпастлик алоқалари эгаллади... Ҳа, фарзандларининг бундай аҳволи мусулмонларга Аллоҳнинг шариатини ҳаёт воқесидан четлатганликлари учун тўлов бўлди. Тоғутдан ҳукм сўраганликлари, инсон ўйлаб топган нарсаларни шариат қилиб олганликлари, Аллоҳ буюрган ишларни тарк этиб, хорликка кўнишиб, унга рози бўлганликлари, Аллоҳ нозил қилган аҳкомларнинг татбиқ қилинмаётганига сукут қилишлари оқибати бўлди. Улар Аллоҳ нозил қилган аҳкомларнинг татбиқ қилинмаслигига ҳукмдорлардан қўрқишгани учун сукут қилишди, ваҳоланки, Парвардигорлари бундай марҳамат қилган:

﴿فَلَا تَحْشُو أَنَّاسٍ وَأَحْشَوْنَ وَلَا تَشَرُّو بِعَيْتِي نَمَّا قَلِيلًا وَمَنْ لَمْ يَجْعُكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَفِرُونَ﴾

«Инсонлардан құрқманглар, Мендан құрқинглар, ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштируманғиз! Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар коғирлардір» [Моида 44]

Мусулмонлар иззат-құдратларини ва мустаҳкам қалъаларини йүқотдилар. Фаластин, Жүлон, Кашмир, Андалус, Шарқий Туркистан ва бошқа-бошқа күплаб юртларни құлдан бой бердилар. Фарзандларини беҳуда урушларга юбориб, исломий юртлар бойликлари устида курашаётган Farb нұфузи йўлида қурбон қилдилар... Оқибатда Farb малай ҳукмдорлар билан ҳамкорликда мусулмонларнинг улкан бойликларини талон-торож этяпти, шу бойликлар орқали ўзининг инфратузилмасини ва саноатини ривожлантироқда. Мусулмонлар, шунингдек, минбарларини ҳам йүқотдилар, ваҳоланки, у ерда ҳақ сўзини айтадилар, муаммоларини ечардилар, ҳукмдорлардан ҳисоб сўрадилар... Қишлоқ хўжаликларини, саноатларини, қарорларини йўқотдилар. Farb ва унинг гумашталари ҳукмдорлар орқали мусулмонларнинг қарорларини тортиб олиши оқибатида икки миллиардлик Уммат сел кўпигига ўхшаб қолди. Ютқазишлар ва мусибатлар кетма-кет келаверди, бир ҳалокат кетидан ҳалокатлар ёпирилди... Мусулмон юртларидағи зааркунанда ҳукмдорлар уларга ёрдам бериш ўрнига миқ этмадилар, хорлик ва хўрлика кўнника ҳосил қилиб, Аллоҳ ва Росулининг душманларини дўст тутишди. Бугунги кунда эса, Ислом Уммати нусратга интиқ бўлиб турибди. Шунингдек, унинг таъмини тотишига, иззат-құдрат шарбатидан симиришга мунтазир ва ғалабага етишишга ташна бўлиб турибди. Аммо Уммат тушган аҳвол Халифалик давлатисиз ҳаргиз ўнгланмайди. Халифалик давлати Аллоҳни рози қилиш ва нусратига етишиш учун У нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритади. Нусрат сари юриб борилади, у ўзи келиб қолмайди:

﴿إِن تَنْصُرُو أَنَّ اللَّهَ يَنْصُرُكُمْ وَيُبَيِّنُ أَنَّدَامَكُمْ﴾

«Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни событ-барқарор қилур» [Мұхаммад 7]

Эй мусулмонлар!

Йўлни давом эттиринг, қайта бир бўлиб, бу дунё ва охиratдаги эзгуликка, Аллоҳнинг нусратига шошилинг:

﴿نَصْرٌ مِّنَ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ وَبَدَارٌ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«(Бу) Аллоҳнинг нусрати ва яқин фатҳдир, мўминларга хушхабар беринг»

[Саф 13]

Дарҳақиқат, Росууллоҳ Халифаликнинг қайта барпо этилиши ҳақида башорат бердилар. Аллоҳ Таоло мўминларга нусрат, куч-құдрат ва ғолиблик беришни ваъда қилди. Бу ваъданинг шарти шуки, мусулмонлар Халифаликни барпо этиш йўлида давом этишлари, Аллоҳнинг ваъдасига иониб, Росулининг

﴿مُتَكَبِّرُونَ خَالِقَةٌ عَلَى مِنْهَاجِ الْبَيْتَوَةِ﴾

«Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деган башоратларидан севинишлари керак. □

أفول حضارة الغرب... ذلك قولهم بأفواههم



**العدد الخاص (٤٥٢-٤٥٠)**

هدية الوعي

يوسف السارسي - بيت المقدس  
الأحد في ٢٢ شعبان ١٤٤٥ هـ الموافق ٢٤/٣/٢٠٢٤ م

**Ташаккур ва эслатма:**

Бу йил (1445х – 2024м) Ал-Ва’й журналимининг махсус сони нашр килинар экан, аламлар билан бир каторда умидлар билан тўла бўлди... Аллоҳдан бизнинг, ёзувчиларимизнинг ва ушбу камтарона ишга ёрдам беруб, ўз хиссасини кўшган хар бир кишининг амалларимизни кабул айлаб, кўп яхшиликлар ато этишини умид киласиз. Аллоҳ Таолодан, шунингдек, ушбу махсус сонимиздаги тузумни ўзгартиришга бўлган ҳак даъватга жамики мусулмонлар қалбларини, айниқса, исломий юрглар армияларидағи куч-кудрат аҳли дилларини очиб беришини сўраймиз.

Ушбу журнал ўз илтимосларининг ёзувчилар томонидан қабул килиниб, муносиб мақолалар билан таъминланадигани учун Аллоҳ Таолога шукроналар килиш баробарида, Ундан ушбу даъватни Ўзининг хизбу химоясида асрарини ҳам сўрайди. Карим Робимиздан барчамизга нусратини бериб, уни ушбу мазлум Умматнинг энг яхши ҳади этишини ҳамда Хизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштани халифамиз килишини сўраймиз, зотан, ушбу буюк эзгуликнинг рӯёбга чикиши халифага чамбарчас боғлиқдир.

Ал-Ва’й журнали ўз илтимосини қабул килган ва мақола жўнатган ёзувчилардан мақолаларини ушбу махсус сонда нашр килишга муваффак бўлолмагани учун улардан узр сўрайди ва уларни инша Аллоҳ келаси сонларда нашр килишини ҳабар киласи. Ва алабатта, ёзувчилардан воеалар ҳакида, хусусан, Умматнинг бошидан аримаётган ва ёпирилиб келаётган ҳамда Уммат уларнинг асл моҳият-ҳакиқатини билишини истаётган ходисалар билан боғлиқ мақолаларини йил бўйи аямай жўнатиб туришларини илтимос киласи.

Аллоҳим, Сенга беадад ҳамдлар ва чексиз шукроналар бўлсин, рози бўлишинг учун тинмай розилигингни сўраймиз. Алийюл Азим Аллоҳим, Сендан ўзга на куч бор ва на қудрат. Охирги дуомиз бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқлидир.

**Ал-Ва’й ишчи гурӯҳи**